



BANKING AND FINANCE ACADEMY  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

С.А. ГИЯСОВ

# ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РАЎБАТЛАНТИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

МОНОГРАФИЯ

Узб. 2  
33  
П-67

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Сарвар ГИЯСОВ

**ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН  
ФАОЛИЯТНИ РАВБАТЛАНТИРИШДА  
СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

Монография

**O'ZMU  
IQTISODIYOT  
FAKULTETI  
AEM**

ТОШКЕНТ - 2020



УЎК: 336.21+338 (515.1)

КБК: 65.261.4

Г 54

Гиясов С.А.

Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. – Т.: Молия, 2020. 194 б.

Монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори Ниязметов Исламбек Машариповичнинг умумий таҳрири остида тайёрланди.

Монография муаллифнинг «Корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун олиб борилган тадқиқотлари асосида ёзилган.

Монографияда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартиби танқидий таҳлил қилиниб, солиқ қонунчилигидаги айрим номувофиқликлар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари очиб берилган. Солиқ имтиёзларининг корхоналар инновацион-инвестицион фаолиятига таъсири ўрганилган ва уларнинг самарадорлик даражаси пастлиги асослаб берилган. Инновацион-инвестицион фаолият учун тўлиқ озор қилиш тарзидаги номуайян муддатга фаолият натижаларидан қатъи назар тақдим этилган солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиб, уларнинг ўрнига халқаро амалиётда ўзининг ижобий самарасини бериб келаётган солиқ имтиёзларининг замонавий шаклларини татбиқ этиш ҳамда солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизминини жорий этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Монография солиққа тортишни такомиллаштириш, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш, солиқ имтиёзларини белгилаш ва тақдим этиш борасида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, шу соҳага доир ўқитувчилар, давлат фискал органлари мутахассислари ҳамда магистратура тингловчиларига мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

Юлдашев М.И. – Банк-молия академияси профессори, и.ф.д.

Рахмонов Д.А. – Банк-молия академияси доценти, и.ф.д.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Кенгашининг 2019 йил 28 декабрдаги 5-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-4416-6-8

© С.А.Гиясов, 2020

© Молия, 2020

#### Шартли қисқартмалар

1	ЯИМ –	Ялпи ички маҳсулот
2	ИТТКИ –	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари
3	АҚШ –	Америка қўшма штатлари
4	ЕАЖ –	Ёпиқ акциядорлик жамияти
5	СТИР –	Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
6	МЧЖ –	Масъулияти чекланган жамият
7	ҚК –	Қўшма корхона
8	АЖ –	Акциядорлик жамияти
9	ПҚ –	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори
10	ПФ –	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони
11	ВМҚ –	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори
12	ЎРҚ –	Ўзбекистон Республикаси қонуни
13	ЎРҚХТ –	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами
14	ХЮС –	Хўжалик юритувчи субъект
15	ОНИРС –	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
16	ҚҚС –	Кўшилган қиймат солиғи
17	ЯСТ –	Ягона солиқ тўлови
18	ЯИТ –	Ягона ижтимоий тўлов
19	ДСХ –	Давлат солиқ хизмати
20	ЭҲМ –	Электрон ҳисоблаш машинаси
21	ЭИЗ –	Эркин иқтисодий зонаси
22	ЖШДС –	Жисмоний шахслар даромад солиғи
23	МВ ҚМС –	Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси
24	ВРИКС –	Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Шимолий Африка (бешталик мамлакатлари)
25	РФ –	Россия Федерацияси
26	СК –	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси



МУНДАРИЖА

	Кириш.....	5
I боб.	<b>ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	11
1.1-§	Инновацион-инвестицион фаолият ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги.....	12
1.2-§	Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишга оид назарий ёндашувлар.....	34
1.3-§	Инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзининг роли.....	49
II боб.	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	62
2.1-§	Инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари.....	63
2.2-§	Ўзбекистонда корхоналар инновацион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	82
2.3-§	Корхоналар инвестицион фаолияти учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили.....	99
III боб.	<b>КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	115
3.1-§	Солиқ имтиёзлари воситасида инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибаси.....	116
3.2-§	Инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўллари.....	137
	ХУЛОСА .....	160
	ҲОЛДАГИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	170

КИРИШ

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳонда инновацион ва инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Франция, Бельгия, Голландия, Португалия, Греция, Канада, Ирландия, Корея, Япония ва Австралия каби мамлакатларда бунга алоҳида эътибор берилмоқда<sup>1</sup>. Агар 1996 йилда корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг турли схемалари жаҳоннинг 20 та мамлакатини томонидан фойдаланилган бўлса, 2017 йилда 50 дан зиёд, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 35 та аъзо мамлакатларидан 30 таси, шунингдек, Аргентина, Чили, Колумбия, Перу, Коста-Рика, Малайзия, Индонезия, Таиланд ҳамда БРИКС мамлакатларининг барча бешталиги томонидан фойдаланиб келинмоқда<sup>2</sup>.

Ҳозирда етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган давлатларда солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш масалалари, хусусан, солиқлар воситасида иқтисодиётни самарали тартибга солиш, солиқнинг рағбатлантириш функциясидан оқилона фойдаланиш, инновацион ва инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш, корхоналар инновацион-инвестицион фаоллигини

<sup>1</sup> OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2017, OECD Publishing.

<sup>2</sup> Клавдиенко В.П. Национальные инновационные системы в странах БРИКС // Общество и экономика. 2015. № 8-9. С.121-138.



оширишда солиқларнинг ролини кучайтириш, солиқ имтиёзлари фақатгина аниқ мақсадлар ва шартлар асосида тақдим этилиши, солиқ имтиёзларининг индивидуал хусусиятга эга бўлмаслиги, шунингдек, солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, "ноу-хау"лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари учун қулай солиқ муҳитини яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари жорий қилинди.

Бироқ, мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларида номувофиқликлар борлиги, солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, солиқ имтиёзлари аниқ шартлар асосида тақдим этилмаслиги, корхоналарнинг инновацион ва инвестицион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган самарали ва замонавий солиқ механизмлари етарли эмаслиги, мавжудлари ҳам лозим даражада натижа бермаётганлиги каби ҳолатлар корхоналарнинг инновацион-инвестицион

фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш юзасидан илмий изланишларни олиб бориш заруратини юзага келтиради.

Монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Монография натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни рўйбга чиқаришда, шунингдек, инновацион ва инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида самарали тартибга солишга қаратилган кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистонда корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида самарали тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги монография натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Монографиянинг назарий ишланмаларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишидаги, хусусан «Солиқ назарияси», «Давлат солиқ сиёсати», «Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш» ва «Солиқ маъмурчилиги» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда, уларнинг базасини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Монография таркибан кириш, учта боб, 8 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 20-бет.



Монографиянинг «Инновацион-инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида инновацион-инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги, солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишга оид назарий ёндашувлар ҳамда инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзининг роли тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу бобни тайёрлашда иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш борасидаги хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари илмий шарҳланган.

«Ўзбекистонда инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида тартибга солишнинг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобда инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда корхоналар инновацион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати ҳамда корхоналар инвестицион фаолияти учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили амалга оширилган.

Монографиянинг «Корхоналар инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида солиқ имтиёзлари воситасида инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибаси ҳамда инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Ҳар бир боб бўйича шакллантирилган хулосалар ва олинган илмий натижалар умумлаштирилган ҳолда монографиянинг сўнгида келтирилган.

Монографиянинг асосий илмий натижалари қисқача қуйидагиларда намоён бўлади:

корхоналарга инвестиция фаолияти учун солиқ имтиёзларини аниқ шартлар ва мақсадлар асосида тақдим этиш, хусусан, экспорт ҳажмининг ўсиши мажбуриятини юклаш таклифи асосланган;

солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартибини солиқ солишнинг адолатлилик принципига мувофиқлигини таъминлаш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун яққа тартибдаги хусусиятга эга солиқ имтиёзларини бекор қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

инновацион ва инвестицион фаолият учун номуайян муддатга тўлиқ озод қилиш тарзидаги самараси паст бўлган солиқ имтиёзлари ўрнига солиқ кредити институтини татбиқ этиш асосланган;

солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркиби ва имтиёзларни жорий этиш ваколатига эга органларга аниқлик киритиш орқали такомиллаштириш лозимлиги асосланган;

инновацион-инвестицион фаолият учун тақдим этиладиган солиқ имтиёзларининг натижага йўналтирилиши ва солиқ имтиёзлари ҳисобига бюджетдаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзлари ўрнига инвестицион солиқ кредитини жорий этиш таклифи берилган;

солиқ имтиёзларининг инновацион жараёнларга ижобий таъсирини ошириш мақсадида нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишлари натижасидан келиб чиқиб, реализация қилиш оборотларини кўшилган қиймат солиғидан тўлиқ озод қилиш ўрнига мазкур солиқнинг пасайтирилган ставкаларини қўллаш таклифи ишлаб чиқилган;

солиқ имтиёзларининг ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ижобий таъсирини инобатга олиб, ушбу мақсадга



йўналтирилган инвестиция суммасидан инвестициявий чегирмаларни жорий қилиниши асосланган;

инновацион фаолият натижаларини сифат жиҳатдан яхшилаш ва амалиётга жорий қилишни жадаллаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот фаолияти иштирокчилари даромадларини уларнинг тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда солиқдан озод қилиш этиш таклифи ишлаб чиқилган;

солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва уларнинг ҳисобига эришилган натижалар аниқлигини таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш услугиёти ишлаб чиқилган.

# I БОБ

## ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**§ 1.1. Инновацион-инвестицион фаолият ва  
уни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив  
зарурлиги**

**§ 1.2. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга  
солишга оид назарий ёндашувлар**

**§ 1.3. Инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга  
солишда солиқ имтиёзининг роли**



ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚЛАР  
ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ

1.1. Инновацион-инвестицион фаолият ва уни давлат томонидан  
тартибга солишнинг объектив зарурлиги

XX ва XXI аср жаҳон тарихида турлича номлар билан аталади. Глобаллашув даври, ахборот ҳукмронлигига асосланган информацион цивилизация асри, технократия ҳукмронлиги, илмий-техника инқилоби даври, индустриал цивилизация асри, постиндустриал цивилизация асри каби тарихий терминлар шулар жумласидандир.

Мазкур терминлар аслида тарихий тараққиётдаги туб ўзгаришлар, яъни XX асрдаги илмий-техника инқилоби ютуқларининг ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиниши билан боғлиқдир. Бу даврга келиб давлатнинг иқтисодий тараққиётини белгилловчи янги мезонлар пайдо бўлдики, энди улар билан ҳисоблашиш заруратга айланиб қолди. Шундай мезонлардан бири инвестицион ва инновацион фаолият тушунчаларидир.

Дастлаб мазкур тушунчаларга қисқача тўхталиб ўтар эканмиз, инвестиция тушунчасига кўплаб иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан турли хил таърифлар берилган (1.1-жадвал). Шу сабабдан уларнинг таърифи ва тушунчаларнинг фарқли жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча «invest» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» билан бир хил таърифлайдилар.

## Инвестицияга берилган таърифлар

Муаллиф	Инвестицияга берилган таърифлар
Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. БРЮ.	«Инвестиция» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «кўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради. Моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир <sup>4</sup>
Ғозиев Д.	Тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик. Инвестиция ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида қутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир <sup>5</sup>
Аладьян В.	Лотинча «invest» сўзининг айнан таржимаси «солиш» деган маънони билдиришидан келиб чиққан ҳолда «капитал солиш» <sup>6</sup>
Мертенс А.	Бугунги муайян қийматни келажакдаги эҳтимолий ноаниқ қийматга алмаштириш <sup>7</sup>
Массе П.	Бугунги эҳтиёжларни қондиришни инвестиция неъматлари ёрдамида келажакда қутиладиган қондиришга алмаштириш ҳаракатидан иборат <sup>8</sup>
Золотогоров В.	Ўзининг ҳозирги қийматини сақлайдиган ёки уни кўпайтирадиган неъматларгина инвестициялар деб ҳисобланиши мумкин, акс ҳолда, улар ҳаракатсиз, «ўлик капиталга» айланади <sup>9</sup>
Шарп У.	Инвестициялар келгусида қийматга эга бўлиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматдан воз кечишдир. Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин» <sup>10</sup>
Ҳайдаров Н.	Мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашдир <sup>11</sup>
ЎРҚ	Қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар <sup>12</sup>
Ғозиев Д. Қоралиев Т.	Даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулккий ва интеллектуал бойликлар <sup>13</sup> .

<sup>4</sup> Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. БРЮ. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том, -М.: Изд-во «Республика», 1992. -388 с.

<sup>5</sup> Ғозиев Д., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: Молия, 1993. -Б 46.

<sup>6</sup> Аладьян В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. -М: Социум, 2002. -17 б.

<sup>7</sup> Мертенс А.В. Инвестициялар: Курс лекций по современной финансовой теории. - Киев. Киевское инвестиционное агентство, 1997. -41 б.

<sup>8</sup> Имомов Х.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. -Т.: ДДИУ, 2011. - 215 б.

<sup>9</sup> Золотогоров В.Г. Инвестиционное проектирование: Учеб.пособие. -Мн.: «Экоперспектива», 1998. 12-б.

<sup>10</sup> Шарп У. ва бошқилар Инвестиции. пер. с. англ. -М.: «ИНФРА», 2000. -18 б.

<sup>11</sup> Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: Академия, 2003. - 185 б.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 587-модда.

<sup>13</sup> Ғозиев Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: Молия, 1993. - 46 б.



Илк бор XVIII асрда физиократларнинг лидери сифатида гавдаланган - француз иқтисодчи олими Ф.Кенэ иқтисодиётда харажатларни икки тоифага ажратишни ўргатди<sup>14</sup>. Булар ягона даврдаги ва жорийдир. Инвестициялар (дастлабки бўнаклар) ва ишлаб чиқариш харажатларига (ҳар йилги бўнаклар) биринчилардан бўлиб таъриф берган ва моҳиятини тушунтириб берган. Унинг фикрича, "дастлабки бўнаклар" - ерда хўжаликни юритиш учун олдиндан узоқ давр учун бирданига сарф қилишдир (қишлоқ хўжалиги уруғлари маҳсулотлари ва чорва ҳайвонларини сотиб олиш, молхоналар, иморатлар қуриш ва ҳ.к.). Ҳар йилги бўнаклар эса - маҳсулот таннархига кўшиладиган, ушбу хўжаликни юритиш учун талаб қилинадиган доимий харажатлардир (иш ҳақи, чорва таъминоти, техника ва иморатларни таъминлаш ва ҳ.к.)

«Инвестиция - бу мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир»<sup>15</sup> дея таъкидлайди профессор Н.Ҳайдаров. Бу ерда муаллиф томонидан инвестицияларга мулкчилик шакллари, инвестициянинг турлари ва натижа олишнинг иқтисодий ижтимоий томонларини қамраб олган ҳолда таъриф берилган.

«Экономикс, принципы, проблемы и политика» дарслигининг муаллифлари инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайдилар, яъни «инвестиция» - бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир»<sup>16</sup>. Бу таъриф ҳам ўз мазмунига кўра, кўпроқ «капитал қўйилмалар»

<sup>14</sup> Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. -М.: ДЕЛО, ВИТА-ПРЕСС, 1996. -544 б.

<sup>15</sup> Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: Академия, 2003. - 185 б.

<sup>16</sup> Кэмпбелл Р. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. - М.: ИНФРА, 2006. - 940 б.

тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда Д.Ғозибековнинг «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари»<sup>17</sup> номли илмий асаридаги инвестицияларнинг макродаражали ва ишлаб чиқариш назарияси, молия назарияси ва умуман, иқтисодиётдаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Олимнинг фикрига кўра инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаб ўтганда, уларнинг турли хил хатарлар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ зарур. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ солишлардан фарқланиб туради.

Фикримизча, инвестицияга юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, бу борада унинг жуда кенг тушунчага эга эканлиги ва уни турлича талқин қилиш мумкинлигини кўриш мумкин. Иқтисодиёт фанининг турли бўлимларида, шунингдек, амалий фаолиятларнинг турли йўналишларига татбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу атамага турли маъно берилмоқда.

Юқоридаги таъкидланган бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевларни - инвестиция даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар деб<sup>18</sup> берган таърифларига тўлақонли қўшилиш мумкин.

Инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи<sup>19</sup> инвестиция фаолияти деб юритилади. Л.Салимовнинг фикрича

<sup>17</sup> Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. -18 б.

<sup>18</sup> Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: Молия, 1993. - 46 б.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонуни. 24.12.1998 й. N 719-І. (Янги таҳрири). "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 587-модда.



эса инвестицион фаолият - бу иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига ресурсларнинг капиталлашувини таъминлаш ва фойда (даромад) олиш мақсадида инвесторларнинг ресурсларни жамғариш ва уларни турли шаклларда қўйиш билан боғлиқ бўлган барча амалий ҳаракатлари йиғиндисидир<sup>20</sup>. Демак, инвестиция фаолияти инвестициялашнинг энг асосий марказий бўғини ҳисобланади, чунки айнан ана шу жараёнда инвестиция бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтади, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилмалар (харажатлар), капитал мулк (тайёр маҳсулот), иқтисодий ёки ижтимоий самара (даромад, фойда) шаклини олади.

Кенг маънода инвестицион фаолият - бу ғояларни ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш, бунинг натижасида барпо этилаётган объект фаолиятини бошқариш ва инвесторларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имкониятларини ҳам акс эттиради.

Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкий мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади.

Шу билан бирга, тадқиқотимизда инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солиш ва рағбатлантириш

<sup>20</sup> Салимов Л.Н. Сущность инвестиционной активности и её значение в управлении экономикой // Актуальные проблемы экономики и права. 2009. №9. 85-90 б.

объектини аниқлаш мақсадида инвестицияларнинг замонавий таснифлари атрофлича кўриб чиқилди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

«Инвестициялар» моҳиятининг замонавий сифат таснифлари<sup>21</sup>

Таърифлар	Ишлаб турадиган соҳаси	Инвестицияларни амалга ошириладиган мақсадларининг аниқ ифодаланиши
Маблағлар	Асосий фондлар	Даромадлар олинishi
Қимматликлар	Асосий капитал	Фойда олинishi
Ресурслар	Ишлаб чиқариш маблағлари	Капитални кўпайтириш
Харажатлар	Халқ хўжалиги тармоқлари	Пул бойликларини ўсиши
Капитал қўйилма	Ишлаб чиқариш сектори	Фойдали натижа (самара)га эришиш
Капитал захираларни ўсиши	Юридик шахс	Ижобий иқтисодий натижа (самара)га эришиш
Бўнак (аванс) бермоқ	Тадбиркорлик объектлари	Ижобий ижтимоий натижа (самара)га эришиш
Жараён	Иқтисодий объект	Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш
Активлар алмашуви	Дастурлар	Ишлаб чиқариш секторини ишлаб туриши
Мулк ўзгариши	Лойиҳалар	Иқтисодиёт ўсишини молиялаштириш

Инвестицияларнинг зарурлигига тўхталадиган бўлсак, энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Биз бир оддий ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор, яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди»<sup>22</sup> дея асосли таъкидлаган. Демак, фикримизча миллий иқтисодиётимизга инвестицияларни жалб этиш:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски

<sup>21</sup> Лукасевич И.Я. Инвестициялар назарияси. Инвестициялар: Дарслик. - М.: Вузовский учебник: ИНФРА, 2011. - 413 б.

<sup>22</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлар. 2014 йил 17 январь, № 14



техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга хорижий илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- мамлакатимиз иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кўплаб қайта ишловчи корхоналарни куриш;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Инновация тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу тушунча ХХ асрнинг 30-йилларида дастлаб австриялик (кейинчалик америкалик) олим Й.Шумпетер<sup>23</sup> томонидан илмий адабиётларга киритилган бўлиб, у иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили бу - инновациялар эканлигини таъкидлаб ўтган.

Иқтисод соҳасидаги олим ва тадқиқотчилар “инновация” (инглиз тилида innovation) тушунчасини янгилик, новаторлик билан изоҳлашади. Инновация (инг. innovation - киритилган янгилик, ихтиро):

1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши<sup>24</sup>. Инновациялар бу истеъмолга киритилган янги ёки янада мукаммаллаштирилган маҳсулот (иш, хизмат), тадбиркорлик амалиётини юритиш, иш ўринларини ташкил қилиш ёки ташқи алоқалар ўрнатишнинг янги ташкилий усули ҳисобланади<sup>25</sup>. Шу билан

<sup>23</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.1982. 257 с.

<sup>24</sup> Тўхлиев Н. Оснѳ тараққиѳ модели. Т.: Ўзбекистон. 2015. 169-бет.

<sup>25</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: ЭКСМО, 2007. 864 б.

бирга, қатор олимлар томонидан инновацияларга турлича таърифлар берилган (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

### Инновацияларга берилган таърифлар

Муаллиф	Инновацияларга берилган таърифлар
Шумпетер Й.	Истеъмолга киритилган янги ёки янада мукаммаллаштирилган маҳсулот (иш, хизмат), тадбиркорлик амалиётини юритиш, иш ўринларини ташкил қилиш ёки ташқи алоқалар ўрнатишнинг янги ташкилий усули ҳисобланади <sup>26</sup>
РФ Қонуни	Янги савдо усули ёки иш амалиѳтидаги янги ташкилий усул, иш ўринларини ташкил этиш ёки ташқи алоқаларда истеъмолга киритилган янги ёки бир мунча яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараѳн <sup>27</sup>
Осипов Ю.	Бозор талабидаги муайян жараѳнлар ёки маҳсулотнинг сифат жиҳатидан самарадорлигини таъминловчи истеъмолга киритилган янгилик. Инсоннинг интеллектуал фаолиятининг якуний натижасидир <sup>28</sup>
Санто Б.	Бу шундай жамоавий техник ва иқтисодий жараѳнки, бунда ғоя ва ихтироларни амалиѳ фойдаланиш орқали ўзининг энг яхши хусусиятига эга буюм ва технологиялар яратилишига олиб келади <sup>29</sup>
Уткин Э.А., Морозова Н.И.	Амалга оширилган тадқиқот ёки қилинган кашфиѳ натижасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган аввалги айнан худди шунга ўхшаш нарсани сифати аъло даражадаги объект <sup>30</sup>
Бездудный Ф.Ф., Смирнова Г.А., Нечаева О.Д.	Бозордаги мавжуд талабни қондиришга ва иқтисодий самара олиб келишга имкон берувчи инсон ҳаѳт фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги янги ғояларни амалга оширувчи жараѳн <sup>31</sup>
Кокурин Д.И.	Бир элементларни иккинчисига ёки мавжудларига янги қўшимча қилишга олиб келувчи аввалги фаолиятни янгилаштириш ёки ўзгартирилиши бўйича фаолият натижасидир <sup>32</sup>
Медынский В.Г.	Амалга оширилган тадқиқот ёки қилинган кашфиѳ натижасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган аввалги айнан худди шунга ўхшаш нарсани сифати аъло даражадаги объект <sup>33</sup>
Минниханов Р.Н., Алексеев В.В., Сагдиев М.А.	Ишлаб чиқаришга жорий қилинган ва олдингисидан юқори сифатга эга бўлган илмий тадқиқот ва кашфиѳнинг якуний натижасидир. Инновация тушунчаси ташкилий, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳа фаолиятидаги янгиликларга ҳамда ҳар қандай

<sup>26</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: ЭКСМО, 2007. 864 б.

<sup>27</sup> Закон Российской Федерации “О науке и государственной научно-технической политике”. № Ф3-254. 21.07.2011 г.

<sup>28</sup> Осипов Ю.С. Большая российская энциклопедия: [в 35 т] – М.: 2004-2017. <https://ru.m.wikipedia.org>

<sup>29</sup> Санто Б. Инновация как средство экономического развития. Прогресс, Венгрия. 1990, с. 24.

<sup>30</sup> Уткин Э.А., Морозова Н.И., Инновационный менеджмент. М.: Акад. 1996, с. 10.

<sup>31</sup> Бездудный Ф.Ф., Смирнова Г.А., Нечаева О.Д. Сущность понятия “инновации” и его классификация // Инновации, 1998. №273,

<sup>32</sup> Кокурин Д.И. Инновационная деятельность, М.: Экзамен. 2001, с. (576) 10.

<sup>33</sup> Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: Учебник. – М.: Инфра-М, 2005, с. (295) 5.



	харажатлар камайишини таъминлайдиган такомиллаштиришларга қўлланилади <sup>34</sup>
Морозов Ю.П.	Асоси янгилик бўлган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, эксплуатация қилиш ва фойдаланиш жараёнидир <sup>35</sup>
Завлин П.Н.	Фаолият ва кўникмаларнинг одатий қолипларини ўзгартиришда қўлланиладиган янги яратилган (жорий қилинган) истеъмол қийматликлар сифатидаги ижодий жараён натижасидир. Инновация тушунчаси янги маҳсулот ёки хизматга, ишлаб чиқариш усулига, ташкилий, молиявий, илмий тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгиликка, харажатларни иқтисод қилишни таъминлайдиган ёки шундай иқтисод учун шароит яратадиган ҳар қандай такомиллаштиришга татбиқ этилади <sup>36</sup>
Кулагин А.С.	Янги ёки яхшилانган маҳсулот (товар, иш, хизмат), унинг (технология) ишлаб чиқариш ёки қўллаш усули, ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва иқтисодий соҳасидаги янги жорий қилинган ёки такомиллаштирилган, иқтисодий наф келтирувчи ва бундай наф учун шароит яратувчи ёки маҳсулотлар (товар, иш, хизмат) истеъмол хусусиятини яхшиловчи маҳсулотлар реализацияси <sup>37</sup>
Фатхутдинов Р.А.	Объект бошқарувини ўзгартириш ҳамда иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа самара олиш мақсадида жорий қилинган янгиликнинг якуний натижаси <sup>38</sup>
Волынкина Н.В.	Жамият эҳтиёжини қондириш ва фойда олиш мақсадида ўзида янги, шу жумладан илмий билимлар акс этган интеллектуал фаолият натижасини иқтисодий оборотга жалб этилиши <sup>39</sup>
Райзберг Б.А. Лозовский Л.Ш. Стародубцева Е.Б.	Илмда эришилган ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланиш асосида техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришга доир истеъмолга киритилган янгилик, шунингдек, ушбу янгиликларни энг турли йўналиш ва соҳалар фаолиятида ишлатиш <sup>40</sup>
Луғат	1. Жорий қилинган ёки истеъмолга киритилган янгилик. 2. Янги техника, технология, ихтирони ва модернизацияни иқтисодиётга жорий қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар <sup>41</sup>
Луғат	Ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш соҳаларда, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларда ҳамда илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат молияси, бизнес молияси, бюджет жараёни, банк иши, молия бозори ва сугурта соҳаларида жорий қилинган янгилик <sup>42</sup> .

<sup>34</sup> Минниханов Р.Н., Алексеев В.В., Сагдиев М.А. Инновационный менеджмент в АПК. М.: Изд-во МСХА, 2003, с. 13.

<sup>35</sup> Морозов Ю.П. Инновационный менеджмент, Учебное пособие. Пенза: Изд-во Пенз. 2003, с. (189) 17.

<sup>36</sup> Завлин П.Н. Основы инновационного менеджмента. М: Экономика, 2004, с.(518) 6.

<sup>37</sup> Кулагин А.С. Немного о термине "инновация" // Инновации, М: Экономика. № 7. 2004, с. 58.

<sup>38</sup> Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент, 5-е издание. СПб.: Питер. 2005, с. (448) 15.

<sup>39</sup> Волынкина М.В. Правовая сущность термина "инновация" // Инновации. Инновационная экономика. № 1 (88) 2006, с. 13. с.1-6

<sup>40</sup> Райзберг Б.А. Лозовский Л.Ш. Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 2-е изд., испр. М.: Инфра-М. 1999, с. (479) 136.

<sup>41</sup> Колоненко Б.И. Большой толковый словарь М.: Аланс. 2003, с. 393.

<sup>42</sup> Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь, М. 2004, с. 367.

Хусусан, Ю.Осипов томонидан берилган таърифга ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисобладик, яъни инновация – бу инсон интеллектуал фаолиятининг якуний натижаси бўлиб, бозор талабидаги муайян жараён ёки маҳсулотнинг сифат жиҳатидан самарадорлигини таъминловчи истеъмолга киритилган янгилик. Муаллифларнинг таърифларини умуллаштирадиган бўлсак, инновация бу ҳар қандай янгилик эмас, балки мавжуд тизим самарадорлигини жиддий ва кескин оширишдир.

Фикримизча, инновация – амалиётга татбиқ этилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технология, янги хизмат, ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорий ёки бошқа тусда янги ташкилий ва техник қарор топишидир. Демак, куйидаги жараён зарур: инвестиция – ишланма – жорий қилиш жараёни – сифат жиҳатдан яхшиланиш.

#### 1.4-жадвал

#### Инновация таснифи<sup>43</sup>

Таснифлаш белгиси	Белгиларнинг моҳияти			
	Глобал	Тармоқ	Маҳаллий	
Таъсир этиш кенглиги ва кўлами				
Янгилик даражаси	Базис	Яхшиловчи	Псевдоинновация	
Ҳолат манбаи	Кашфиёт	Ихтиро	Рационализаторлик таклифлар	Бошқалар
Янгилик тури	Конструкция ва тузилма	Технология	Материал, модда	Тирик организмлар
Мавжудларини алмаштириш усуллари	Эркин алмаштириш	Тизимли алмаштириш	—	—

Дарҳақиқат, янгилик ёки новаторлик деб аталиши учун янги гоё куйидаги талабларни бажариши керак:

- биринчидан, вақтнинг тежалиши;
- иккинчидан, харажатлар даражасини камайиши;

<sup>43</sup> Маховикова Г.А. Инновационный менеджмент. М.: Учебное пособие. Литрес. 2010. с. 487



- учинчидан, экологик хавфсиз, атроф муҳит ҳимояси бўйича талаб стандартларига жавоб бериши<sup>44</sup>.

Инновация янгилик даражасига кўра базис, яхшиловчи ва псевдоинновацияларга ажратилади. Базис инновациялар йирик ихтироларни амалга оширади ва техника ривожининг янги авлодлари ва йўналишларини шакллантириш учун асос ҳисобланади. Яхшиловчи инновациялар кичик ва ўрта ихтироларни жорий қилиш билан боғлиқ ва оммалашув босқичларида ҳамда илмий-техник циклнинг барқарор ривожига устунлик беради. Псевдоинновациялар техника ва технологияларнинг эскирган турларини қисман яхшилашга йўналтирилган.

Инновация пайдо бўлиш сабабларига кўра икки турга ажратилади: реактив ва стратегик. Реактив инновациялар фирманинг барқарорлигига йўналтирилган бўлиб, рақобатчилар томонидан радикал инновацион ўзгаришларга реакция сифатида амалга оширилади. Стратегик инновациялар олдини олишга қаратилган ва истиқболда сезиларли рақобатдош устунлик олишга йўналтирилган.

Инновация тушунчаси “илмий тадқиқот фаолияти” тушунчасига нисбатан бир мунча кенг бўлиб, ўз ичига истеъмол қийматининг яратилиши, инновацион маҳсулот маркетинги, бозорда инновацион маҳсулотни тижоратлаштирилиши, охириги истеъмолчилар эҳтиёжига янги маҳсулотни мослаштирилиши ва шу кабиларни олади.

Шу билан бирга, илмий тадқиқот фаолияти технологик янгилик яратишда асосий детерминант ҳамда инновацион жараёнларнинг бошқа барча босқичларида ҳамроҳ бўладиган инновацион маҳсулотларни яратиш жараёнида бош бўғин ҳисобланади. Агар инновацион маҳсулот иқтисодий агентлар фаолиятининг натижаси бўлса, илмий тадқиқот фаолияти унинг

<sup>44</sup> Rakhmonov D.A. and Sulaymanov S.A. "Essence of the notion Innovation and its financing bases." International Journal of Engineering Technologies and Management Research, 2019. 6(2). 86-90. DOI: 10.5281/zenodo.2593760.

бош асосидир. ИТТКИлар инновациянинг учкунлари ҳисобланади<sup>45</sup>. Шунинг учун аксарият мамлакатларда солиқ рағбатлари объекти бўлиб айнан илмий тадқиқот фаолияти майдонга чиқади.

Ўз навбатида инновацион фаолиятга тўхталиб ўтамиз. Й.Шумпетернинг фикрича, инновацион фаолият - ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида янги ёки такомиллаштирилган жараён ва технологияларни қўллашни, янги турдаги маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқишни яратишга қаратилган фаолият деб тушунилади<sup>46</sup>. Шунингдек, инновацион фаолиятга ҳам қатор олимлар томонидан таърифлар келтирилган (1.5-жадвал).

1.5-жадвал

#### Инновацион фаолиятга берилган таърифлар

Муаллиф	Инновацион фаолиятга берилган таърифлар
Шумпетер Й.	Ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида янги ёки такомиллаштирилган жараён ва технологияларни қўллаш, янги турдаги маҳсулотлар, ишлар, хизматларни яратишга қаратилган фаолият деб тушунилади <sup>47</sup>
Нестеров А.	Бозорда сотиладиган, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнда, шунингдек, у билан боғлиқ қўшимча тадқиқотлар ва ишланмаларнинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотда якунланган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ёки илмий-техник ютуқларнинг натижаларини амалга оширишга йўналтирилган жараён <sup>48</sup>
Базилевич В.	Йирилган билимлар, технологиялар ва ускуналарни тижоратлаштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорий комплекс тадбирлар <sup>49</sup>
Агарков С. А., Кузнецова Е. С., Грязнова М.	Инновацион лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек, инновацион инфратузилмани барпо этишга ва унинг фаолиятини таъминлашга йўналтирилган (шу жумладан илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорий) фаолият <sup>50</sup>

<sup>45</sup> Лукин А.Е. К разработке программы долгосрочного социально-экономического развития России. проблемы перехода к инновационной экономике // Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики, N 1 (33), 2010. стр. 1-10

<sup>46</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. Москва: ЭКСМО, 2007. 864 б.

<sup>47</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. Москва: ЭКСМО, 2007. 864 б.

<sup>48</sup> Нестеров А.К. Роль налогов в инвестиционной и инновационной деятельности предприятий [Электронный ресурс] // Образовательная энциклопедия Odiplom.ru. Менеджмент. 2013. стр. 1-13.

<sup>49</sup> Базилевич В.Д. Неортодоксальная теория Й.А.Шумпетера // История экономических учений: У 2 ч.-3-е издание. -К.: Знания, 2006. -Т. 2. -С. 320. -575 с. -ISBN 966-346-150-0. 12. 1. 2

<sup>50</sup> Агарков С. А., Кузнецова Е. С., Грязнова М. О. Инновационный менеджмент и государственная инновационная политика. М.: Академия Естествознания, 2011.



Завлин П. Н., Казанцев А. К., Миндели Л. Э.	Амалиётда фойдаланилган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнда, бозорда истеъмолга киритилган янги ёки такомиллаштирилган махсулотда, ижтимоий хизматларга янги ёндашувда ғоялар трансформацияси билан боғлиқ фаолият тури <sup>51</sup>
Бунин М.С., Эйдис А.Л.	Илмий, лойиҳа-конструкторлик, технологик фаолият, тажриба ишланмалари, ишлаб чиқаришда инновацияларни ўзлаштириш бўйича ишлар ва улар реализациясига доир фаолиятларнинг турли шаклларида намён бўладиган турли хил хусусиятлар ва муносабатлар <sup>52</sup>
Ильенкова С. Д., Гохберг Л. М., Ягудин С. Ю.	Илмий-техник ғоялар, ихтиролар ва ишланмаларни амалиётда фойдаланишга яроқли бўладиган натижага қадар етказилган фаолият <sup>53</sup>
Медынский В. Г., Шаршукова Л. Г.	Янги махсулот турларини яратишда, илм-техникада эришилган натижалар асосида ускуна ва меҳнат предметларини, технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллариини такомиллаштиришда, илмий техник прогрессни (ИТП) режалаштириш, молиялаштириш ва мувофиқлаштиришда, иқтисодий дастаклар ва рағбатлантиришни такомиллаштиришда, ИТП интенсив ривожлантиришни кучайтиришга ва уни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс ўзаро боғланган тадбирларни тартибга солиш бўйича чора тизимини ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган омиллар ва бошқарув органлари, турли усуллар ҳаракати ва ўзаро ҳаракатининг мураккаб динамик тизими <sup>54</sup>
Румянцева З. П., Соломатина Н. А., Акбердина Р. З.	Инновацион фаолият – ишлаб чиқиладиган махсулот ва уни ишлаб чиқариш услубининг янги ёки яхшиланганини олиш ҳамда рақобатбардош товар ва хизматларда жамият эҳтиёжини қондириш мақсадида илмий, илмий-техник натижалардан ва интеллектуал салоҳиятдан амалий фойдаланишга қаратилган фаолиятдир <sup>55</sup>
Уткин Э. А., Морозов Н. И., Морозова Г. И.	Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларининг инновацияларга ўзгартирилиши ҳамда улардан ишлаб чиқариш кучларини, ташкилий иқтисодий муносабатлар ва ҳўжалик тизимларидаги ўзаро ҳаракатларни янгилаш учун самарали фойдаланилиши бўйича фаолиятдир. Ягона илмий-инновацион жараён пайдо бўлишида илмий ва илмий-техник фаолиятнинг давоми, трансформацияси ва инновациялар ҳўжалик фаолиятида фойдаланилиши ҳисобланади <sup>56</sup>
Сайфуллин Н. Ф.	Ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришларга олиб келадиган, жамиятга сифати янги имкониятларни очиб берадиган янгилликларни яратилишида ва жорий қилинишида намён бўлади. Турли хил бошқарув қарорлари натижасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ёки ҳар қандай у ёки бу жараён ёки ҳодисада сезиларли ва кескин ўзгаришлар рўй беради <sup>57</sup> .

<sup>51</sup> Завлина П.Н., Казанцева А.К., Миндели Л.Э. Инновационный менеджмент. Справ. Пособие. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЦИСН, 1998. 4.

<sup>52</sup> Бунин М.С., Эйдис А.Л. Понятие «инновационной деятельности». Научные и практические проблемы инновационных процессов в АПК. 9-зак. 240. стр. 61-66. <https://studref.com/542468/agropromyshlennost/>

<sup>53</sup> Ильенкова С. Д., Гохберг Л. М., Ягудин С. Ю. Инновационный менеджмент. М. Банки и биржи. ЮНИТИ. 1997.-327 стр.

<sup>54</sup> Медынский В. Г., Шаршукова Л. Г. Инновационное предпринимательство. М.: Инфра-М. 1997.-240 с.

<sup>55</sup> Румянцева З. П., Соломатина Н. А., Акбердина Р. З. Менеджмент организации. М.: Инфра-М, 2006. с. 90

<sup>56</sup> Уткин Э. А., Морозов Н. И., Морозова Г. И. Инновационный менеджмент. М.: Акалис, 1996. 356 с.

<sup>57</sup> Сайфуллин Н. Ф. Козволюция инноваций и качество жизни // Качество жизни. Россия XXI в. III Всероссийск. конф. –М. 2002, Отчет по качеству жизни в 2009 г. стр. 226-232.

Жумладан, В.Базилевич инновацион фаолиятни йиғилган билимлар, технологиялар ва ускуналарни тижоратлаштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорий комплекс тадбирлар<sup>58</sup> дея таъриф берган бўлса, С.Ильенкова, Л.Гохберг, С.Ягудинлар илмий-техник ғоялар, ихтиролар ва ишланмаларни амалиётда фойдаланишга яроқли бўладиган натижага қадар етказилган фаолият<sup>59</sup> дея таъриф беришган. Фикримизча, инновацион фаолият деганда янгиллик яратишни ва у асосида амалий натижа олишни таъминлайдиган фаолиятдир.

Модернизация атамасига ва уни инновацион фаолиятга дахлдорлигига ҳам тўхталиб ўтсак. Чунки, тадқиқотимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга доир солиқ имтиёзлари ҳам кўриб чиқилади. Модернизация атамаси инглиз тилидаги «modern» сўздан олинган бўлиб, замонавий, илғор ва янгиланиш маъноларини англатади. Кенг маънода эса, модернизация – бу объектнинг янгиланиши, уни янги талаблар ва нормаларга, техник шароитларга ҳамда сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштирилишидир (1.6-жадвал).

1.6-жадвал

### Модернизацияга берилган таърифлар

Муаллиф	Модернизацияга берилган таърифлар
Абалкин Л.	Модернизация объекти кўлаמידан келиб чиққан ҳолда ўзида аниқ мuddатли параметрлар ва чегараларга эга бўлган қисқа ёки ўрта мuddатли лойиҳалар. Иқтисодий соҳада модернизация маълум бир йўналишда бир силтаниб олға кетиш асосида технологиялар импортини англатади <sup>60</sup>
Аганбегян А.	Иқтисодий модернизация деганда миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигига йўналтирилган таркибий, технологик ва институционал ўзгаришлар деб тушуналади. Умумий жамият тизимининг такомиллаштирилишига йўналтирилган технологик, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ўзгаришлар мажмуи <sup>61</sup>

<sup>58</sup> Базилевич В.Д. Неортодоксальная теория Й.А.Шумпетера // История экономических учений: У 2 ч.-3-е издание. –К.: Знания, 2006.- Т. 2. –С. 320.-575 с. ISBN 966-346-150-0. 12. 1 2

<sup>59</sup> Ильенкова С. Д., Гохберг Л. М., Ягудин С. Ю. Инновационный менеджмент. М. Банки и биржи. ЮНИТИ. 1997.-327 стр.

<sup>60</sup> Абалкин Л. Собственность, хозяйственный механизм, производительные силы // Экономическая наука современной России. 2000, № 5 (экспресс-выпуск).

<sup>61</sup> Аганбегян А.Бел. Кризис. Беда и шанс для России. М.: АСТ, Астрель, Харвест, 2009;



Вишнякова С.	Модернизация бу турли янгиларни жорий қилиш ёрдамида замон талабларига мувофиқ ниманидир ўзгартириш, бир мунча замонавий шароитларга ўтиш жараёнидир <sup>62</sup>
Асаул А.	Модернизация - намуна деб эътироф этилган мамлакатлардан орқада қолишни кескин ва сифат жиҳатидан қасқартиришга олиб келади. Маълум бир мамлакатнинг айрим ривожланган мамлакатлардан иқтисодий ва технологик қолоқликни енгиб ўтиш бўйича чора-тадбирлар тизими <sup>63</sup>
Аганбегян А.	Объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш ҳамда уни янги талаблар ва меъёрлар, техник шароитлар, сифат кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш, замон талабларига мувофиқ ўзгартириш <sup>64</sup>
Вахабов А.	Аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга ўтказиш воситасидир <sup>65</sup>
Ходиев Б., Шодмонов Ш., Гафуров У.	Тор маънода "объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш", яъни асосан техника, технологияга оид тушунча. Кенг маънода "жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи" сифатида ифодаланади <sup>66</sup>
Саидова Г.	Анъанавий жамиятнинг илғор, sanoat жиҳатдан ривожланган жамиятга айлантириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янгилаш, уни замонавий талаблар ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, у микродаражада амалга оширилади <sup>67</sup>
Шимов В.Н., Александрович Я.М., Богданович В.В.	Корхонани янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида замонавийлаштириш, унинг бошқарув ва молиявий жиҳатдан бозор шароитида муваффақиятли ишлашга мослашишидир <sup>68</sup>
Низом-1688	Асосий воситалар объектни технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ёки бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ишлар <sup>69</sup> .

<sup>62</sup> Вишнякова С.М. Профессиональное образование. Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. — М.: НМЦ СПО. 1999.

<sup>63</sup> Асаул А. Н. Модернизация экономики на основе технологических инноваций / А. Н. Асаул, Б. М. Карпов, В. Б. Перевязкин, М. К. Старовойтов. — СПб: АНО ИПЭВ, 2008. — 606 с. 9.

<sup>64</sup> Аганбегян Абел. Экономика России на распутье... Выбор посткризисного пространства. М.: АСТ, Астрель, Харвест, 2010.

<sup>65</sup> Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва улардан Ўзбекистонда ижодий фойдаланиш йўналишлари. // "Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хорж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012. - Б.5

<sup>66</sup> Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш - миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. - Т.: ТДИУ, 2008. - 53 б.

<sup>67</sup> Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий - необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. - Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

<sup>68</sup> Шимов, В.Н. и др. Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. / - Мн.: БГЭУ, 2005. - с.562.

<sup>69</sup> Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бино ва

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлигига тўхталар эканмиз, аксарият олимлар томонидан илмий-техник ва инновацион фаолият иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда унинг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи иқтисодий ривожланишнинг энг асосий омиллари сифатида кўриб чиқилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, J.Bernstein, I.Nadirilarнинг эконометрик ҳисоб-китоблари натижаларига кўра, АҚШнинг юқори технологик тармоқларида хусусий секторнинг тадқиқот ва ишланмаларга киритилган инвестициялар ҳажмининг 1 фойзга ўсиши ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотларнинг ўзгарувчан харажатлар бирлигининг 0,07-0,24 фойзга пасайишига олиб келган<sup>70</sup>.

Я.Никонова аҳоли жон бошига ЯИМ маълумотлари ва Глобал инновацион индекс аҳамиятини таҳлил қилар экан, ривожланишнинг инновацион моделини жорий қилган мамлакатларнинг аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси бир мунча юқорилигини кўрсатмоқда, деган хулосага келади<sup>71</sup>. Шунингдек, глобал рақобатбардошлик дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражасига боғлиқлиги статистик аҳамиятга эга. Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш инновацион ривожланишни молиялаштириш ҳажмига боғлиқлигини муаллиф исботлаб берди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солиш қобилиятига эга. Ўзини ўзи тартибга солишнинг мавжудлиги эса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви заруратини истисно этадигандай кўринади. Бироқ, ҳозирги кунга қадар бозор

инновацион реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Аъло вазирлиги томонидан 2007 йил 11 июнда 1688-сонли давлат рўйхатидан ўтказилган низом.

<sup>70</sup> Bernstein J., Nadiri I. Product Demand, Cost of Production, Spillovers, and the Social Rate of Return to R&D // NBER Working Paper. 1991. № 3625.

<sup>71</sup> Никонова Я. И. Оценка влияния инноваций и их финансирования на экономический рост национальной экономики // Международный научно-исследовательский журнал.-№ 11(53) 2016. Часть 1.-С.53-59.



шаклидаги иқтисодиётда давлатнинг роли масаласи мунозаралигича қолмоқда.

Масалан, фақатгина табиатан “мукамал” бозор мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида ташқаридан тартибга солиш чораларини қўллаш заруратида эмас, балки давлат ва жамиятнинг сиёсий институтлари ҳаракатлари, барқарор иқтисодий ва бозор муносабатларининг вужудга келишида дастлабки шарт сифатида намоён бўлади. Давлат манфаатлари бозор иқтисодиётининг барча босқичларида иштирок этади. Буни ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг амалиёти шак-шубҳасиз намоиш этмоқда.

Машхур америкалик олим Дж.Стиглиц фикрига қўшилар эканмиз, бозор механизмнинг қодирсизлиги иқтисодиёт ривожига давлат аралашуви заруратининг асосий сабаби ҳисобланади<sup>72</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш заруратида қатор далилларни келтириш мумкин:

1. Бозор субъектлари учун ахборотларни мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги ва бунинг оқибатида бозор тўлиқ мувозанатга эриша олмаслиги;
2. Бозор измида бўлмаган омилларга мувофиқ жамият неъматларини қайта тақсимланиши зарурати;
3. Етарли ҳажмда кўплаб бозор турларининг (масалан фьючерс ва суғурта) мавжуд эмаслиги;
4. Такмиллашган реал рақобатнинг мавжуд эмаслиги;
5. Фундаментал илм-фан, муҳофаа хизматлари ва шу каби бошқа жамият неъматларини яратилиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ аҳамиятли соҳаларнинг мавжудлиги.

<sup>72</sup> Мармилова Е.Н. Современные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Актуальные проблемы налоговой политики: сб. ст. участников VII Междунар. науч.-практ. конф. молодых ученых и студентов (Минск - Москва - Екатеринбург - Харьков, апр., 2015 г.) / М-во образования Респ. Беларусь; Белорус. гос. экон. ун-т; сост. Е.Ф. Киреева. - Минск: БГЭУ, 2015. - С. 222-226.

Албатта, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор иқтисодиёти ишлашини яхшилашга олиб келган тақдирдагина унинг оқлаган деб ҳисобланади. Замонавий шароитда давлат ва унинг ҳукумати иқтисодиётни тартибга солиш бўйича ўзига муайян функциялар рўйхатини қабул қилади. Мазкур функциялар ўзида миллий хўжалик юритувида ички ва ташқи шароитларни белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг муайян йиғиндисини ифода этади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати икки турдаги сабаблар билан изоҳланади. Биринчиси жамоа ва жамият манфаатларини қондириш зарурати билан боғлиқ бўлса, иккинчиси жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш ва унинг кенгайиши заруратидаги қарама-қаршиликларни объектив юзага келиши билан боғлиқдир.

Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати биринчи навбатда умумий иқтисодиёт ва жамият учун инновацион жараёнларни аҳамияти ортиб бораётганлигидан келиб чиқади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши экстенсив ва интенсив омилларнинг уйғунлигига асосланади.

Солиқлар воситасида рағбатлантириш аксарият ҳолларда инвестицион, инновацион, экологик фаолиятни амалга оширишни, ишлаб чиқаришни модернизация қилишни ва кенгайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилади. Бунда, айнан инвестицион - инновацион жараёнлар корхоналар ва умуман иқтисодиёт рақобатбардошлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади.

Инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришда инновацион кластер ташкил этишнинг ҳудуд учун энг асосий иқтисодий афзалликлардан бири бу инвестицион



жозибадорликнинг ўсиши, солиқ тўловчилар ва солиқ солиш базасининг ортишидир<sup>73</sup>.


Замонавий даврда оборотга жалб қилинган янги ресурслар ҳисобига иқтисодий ўсишнинг имконияти кучли чекланган. Шунинг учун ҳал қилувчи омиллар интенсив омиллар ҳисобланади. Шу тарзда инновациялар макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, улар ижтимоий барқарорликка, атроф муҳитга, халқаро техник ҳамкорлик интенсивлигига, миллий хавфсизлик даражасига ва жаҳон ҳўжалиги тизимида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади. Давлат инновацион жараёнларни тартибга солиши керак, чунки ҳозирги кунда айнан у иқтисодиёт ривожини истиқболларини белгиламоқда.

Шу билан бирга, алоҳида ХЮС томонидан кўламли инновацияларни амалга оширишда молиявий ресурслар концентрациясининг имкони йўқлиги, инновацион лойиҳалар натижаларининг ноаниқлиги, қўйилмалар қопланиши даврининг узоклиги, инновацион фаолиятнинг турли субъектлари томонидан ИТТКИларга такрорий харажатлар қилиниши, аксарият фундаментал тадқиқотларни тижоратлаштириб бўлмаслиги ва алоҳида корхоналар томонидан илмий-техник ютуқларга монопол эга бўлиши инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга зарур бўлган асосий сабаблар ҳисобланади (1.1-расм).

Инновацияларни жорий қилиш жараёнларига давлат аралашувининг зарурати илмий ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, юқори харажатлар ва якуний натижанинг номаълумлиги билан изоҳланади. Бозор узок муддатли рискли инвестиция муаммосини ҳал қилишга қодир эмас, шу сабаб бу функцияларни давлат ўз зиммасига олади.

<sup>73</sup> Отажонов Ш. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. ТДИУ. Т.: 2018. 95 б.



### 1.1-расм. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга зарур бўлган асосий сабаблар<sup>74</sup>

С.Гулямов фикрига кўра, Ўзбекистоннинг, халқни турмуш даражасини ошириш учун инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги муаммоларини ечиш зарурдир. Инновацион иқтисодиёт келгуси авлод фаровонлиги учун барча турдаги ресурсларни инновация ва юқори сифат орқали иқтисод қилиб етказиш. Инсон интеллектуал ривожланиш индекслари таҳлили орқали Ўзбекистон аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичларини ва иқтисодиётни бугунги кўрсаткичларида ўсишига ҳамоҳанг равишда ресурсларни камайиши тенденцияларини ҳисобга олиш керак<sup>75</sup>.

Фикримизча, инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида давлатнинг иштироқи асосан илмий ва кичик илмий-техник тадбиркорликни меъёрий молиялаштириш, кичик илм-сигимкор фирмаларга маблағ сафарбар этаётган хусусий инвесторларни суғурталаш, солиқ имтиёзларини татбиқ этиш,

<sup>74</sup> Муаллиф томонидан мавзуга оид адабиётлар таҳлили асосида тузилган.

<sup>75</sup> Гулямов С. Инновационное развитие Узбекистана: проблемы и пути их решения. // Иқтисодиёт ва таълим. Инновация ва инвестиция. 2018. № 2.43-47 б.



хусусий фирмалар ва университетлар томонидан яратилаётган кўшма тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаш, илмий-техник ахборот хизматлари ва халқаро илмий-техник ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда илм-фаннинг моддий техника базасидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга ошириш каби шаклларда намоён бўлиши керак.

Илмий иқтисодий муҳитда давлатнинг тартибга солиш функцияси турлича талқин қилинади. Баъзи бир олимлар давлатнинг маълум бир жараёнлар, иқтисодий ҳодисаларнинг ўзгариши ёки уларнинг алоқаларини таъминлаш ёки қўллаб-қувватлаш мақсади билан фаолият кўрсатаётган иқтисодий тизимга мақсадли йўналтирилган таъсир этиш шакли деган фикрга таянадилар. Баъзилари давлатни тартибга солиш функциясини иқтисодий дастаклар ёрдамида халқ хўжалиги ривожига таъсир этиши сифатида, яна бошқалари эса иқтисодий сиёсатни ўз назарияси, услублари ва амалиётини амалга ошириш механизми сифатида кўриб чиқади.

Давлатнинг тартибга солиши ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва инновацион ривожланишнинг стратегик йўналишларини танлаб олинишига асосланади. Ресурслар чекланган шароитда, улардан келажакда энг юқори иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий самара олиш имкониятини берувчи фойдаланиш йўналишларини танлаб олиш асосий вазифа ҳисобланади. Бу танлов иқтисодиётни ривожлантириш истиқболли йўналишларини акс эттирувчи устуворликлар тизими сифатида амалга оширилади.

Замонавий иқтисодиёт ривожини инвестиция ва инновацияларсиз таъминлаб бўлмаслиги маълум. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларини инновацион-инвестицион фаолият билан шуғулланиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш ҳар қандай замонавий давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётини жадал

ривожлантириш, инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш бугунги кунда ва яқин келажакда давлат ҳал қилиши лозим бўлган жуда муҳим ва долзарб масаладир.

Дарҳақиқат, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йилнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида "...илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, "ноухау"лар соҳасига ҳам кенг жалб қилиш"ни<sup>76</sup> белгилаб бердилар. Республикамизда муваффақиятли олиб борилаётган ислохотлар иқтисодиётимизни юқори суръатларда ривожлантиришда фан-техника ютуқларидан юксак даражада фойдаланиш ва инновацион фаолликни ошириш заруратини юзага чиқарди, бу эса пировард натижада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. Тошкент // Халқ сўзи. 28.12.2018.



## 1.2. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишга оид назарий ёндашувлар

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш, хусусан, рағбатлантиришни назарий англаш ва амалий қўллаш тарихи солиққа тортиш назариясининг тадрижий ривожланиши билан боғлиқ.

Давлатчилик пайдо бўлган илк даврларда солиқлардан фақатгина давлат даромадларини шакллантиришнинг муҳим ва доимий манбаи сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирга келиб солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий унсури бўлиб хизмат қилиб келмоқда.



### 1.2-расм. Инвестициялаш назарияси ривожига сезиларли ҳисса қўшган иқтисодиёт мактабларининг намоёндалари<sup>77</sup>

Инглиз иқтисодчи олими У. Стаффорд ўзининг "Беглое обсуждение английской политики" (1581 йилда чоп этилган) асарида фақатгина экспорт тармоқларига аҳамият бериш керак,

<sup>77</sup> Муаллиф томонидан мавзуга оид адабиётлар таҳлили асосида тузилган.

дея таъкидлаган. Шунингдек, хомашёни эмас, балки қайта ишланган маҳсулотларни четга олиб чиқиш керак. Ер ҳўжалиги билан мамлакатнинг барча ишчиларини банд қилиб ва иш ҳақи билан таъминлаб бўлмайди. Саноат – бир мунча муҳим ишдир. Вироқ, давлат таъқиқлар билан эмас, балки бож ва солиқлар билан ҳаракат қилиши керак,<sup>78</sup> дея таъкидлаган.

Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантиришни тадқиқ этган муаллифлар орасида қатор олим ва иқтисодчиларни эътироф этишимиз мумкин. Хусусан, иқтисодиётга солиқларнинг таъсири А. Смит томонидан кўриб чиқилган. Д. Рикардо ҳам ўзининг «Начала политической экономии и налогового обложения» асарида солиқларнинг иқтисодиётга таъсир этиш муаммоларини тадқиқ этган<sup>79</sup>. Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш бўйича фаол тадқиқотчи инглиз иқтисодчи олими Дж. Кейнс бўлган. Ушбу назариянинг марказий ғояси солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг ягона воситаси бўлиб, уни муваффақиятли ривожланишининг таркибий қисмларидан бири дея эътироф этилган<sup>80</sup>.

Кейнснинг ишларида солиқларга иқтисодий тизим ичига ўрнатилган қайишқоқ механизм сифатида принципаал янги ёндашув кузатилди. Солиқлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан иқтисодий жараёнлардаги тебранишларни текислаш учун самарали инструмент сифатида кўриб чиқила бошланган. Кейнсчилик назариясига мувофиқ бозор иқтисодиёти муносабатлари такомиллашган ва ўзини-ўзи тартиблаб турувчи тизим ҳисобланмайди. Фақат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иш билан бандликни энг юқори даражага ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин. Давлатнинг роли, энг аввало, шундан иборатки, у кризис даврида ялпи талабни ошириши ва шу билан ишлаб чиқаришни

<sup>78</sup> Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: ДЕЛО, ВИТА-ПРЕСС, 1996. – 544 б.

<sup>79</sup> Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. I. (В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Предисловие И.А.Столярова. – М.: МП «ЭКОНОМ», 1991. – 475 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэксгиз, 1962. – 684 с.

<sup>80</sup> Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. – Москва: Гелиос АРВ, пер. с англ. 1999. – 352.



ва инвестицияни фаоллаштириши, ишсизликни эса камайтириши лозим. Ушбу назария ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилишини таъминлаш учун, демакки, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун «самарали талаб»ни яратиш зарурлигини исботлайди. Умумий талаб динамикасини фаол давлат аралашуви орқали бошқаришни таклиф қилди.

Кейнснинг фикрига кўра, давлат нафақат пул-кредит, балки фискал сиёсат орқали истеъмол қилишни рағбатлантиришга таъсир кўрсатиши керак. Иқтисодиётнинг инқироз босқичида иш билан бандлик пасаяди, демак, ишсизлик бўйича давлатнинг нафақага сарфлайдиган харажатлари катта бўлади. Бунда солиқларни оширишга тўғри келади, давлат шу орқали талабни оширади, иқтисодиёт кўтарилиши вақтида солиқларни тегишли равишда пасайтириш зарур.

Кейнснинг фикрича, иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад, демак, истеъмол ортади. Аммо, истеъмол даромадга нисбатан секинроқ ортади, чунки даромад ортиши билан жамғаришга интилиш кучаяди. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, одамлар одатда даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам ўстиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Оқибатда даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбатан камайиб боради. Охирида эса самарали талаб камаяди. Талаб шу тарзда ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бандлик даражасига таъсир этади.

Бу борада неоклассиклар назарияси намояндалари, жумладан мазкур назария асосчиларидан бири А.Маршалл эркин рақобат, табиийлик, иқтисодий, хусусан ишлаб чиқариш жараёнларининг барқарорлиги устуворлигига асосланади<sup>81</sup>. Ушбу назариянинг кейнс концепциясидан фарқи иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларига бошқача ёндашувдан иборат. Агар кейнсчилар мактаби динамик тенглик

<sup>81</sup> Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. -М.: Изд-во «ДЕЛО», «ВИТА-ПРЕСС», 1996.-544 б.

барқарор эмас ва шу туфайли давлат иқтисодий жараёнларга бевосита аралашуви зарур деб ҳисоблаган бўлса, неоклассик йўналишга кўра ташқи тузатиш чоралари эркин рақобат қонунлари таъсирига халақит берувчи тўсиқларни бартараф қилишгагина йўналтирилган бўлиши керак. Давлат аралашуви ташқаридан ҳеч бир ёрдамсиз иқтисодий тенгликка олиб келишга қодир бўлган табиий ўзини-ўзи тартибга солувчи қонунлар билан бирга бозорни чекламаслиги керак.

XX асрнинг 70-йилларида шаклланган иқтисодиётнинг таклиф назарияси (М.Уэй-Денбаум, М.Бернс, Г.Стейн, А.Лаффер) фискал сиёсат аҳамиятини кескин қайта кўриб чиқади. Бу назария Кейнс назариясидан фарқли ўлароқ солиқларни иқтисодиёт ривожига ва тартибга солиш омилларидан бири сифатида кўриб чиқади. Уларнинг фикрича, юқори солиққа тортиш тадбиркорлик ва инвестицион фаолликка салбий таъсир кўрсатади ҳамда охир оқибат солиқ тушумларининг камайишига олиб келади<sup>82</sup>. Бу назария доирасида солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш ва корхоналарга имкони борича солиқ имтиёзларини тақдим этиш таклиф қилинади. Солиқларни камайтириш йўли билан иқтисодиётни юқори самарали рағбатлантиришга эришилади, бу эса ўз навбатида юқори иқтисодий ўсишга сабаб бўлади.

Неоклассиклар назариясининг йўналиши бўлган таклиф иқтисодиёти назарияси вакиллари иқтисодий либерализм ғоялари тарафдорлари ҳисобланади. Назарий жиҳатдан концепция капитал ва давлат молиялари тўплаш каби макроиқтисодий муаммоларни таҳлил қилишга макроиқтисодий ёндашув тамойилларини қўллаш билан тавсифланади.

Таклиф иқтисодиёти назарияси вакиллари тартибга солишнинг «зарарли» шаклларини йўқ қилишни, давлатнинг тартибга соладиган фаолиятини камайтиришни, шунингдек,

<sup>82</sup> Мирилова Е.Н. Роль налогов как экономических рычагов стимулирования инновационных процессов // Экономические и юридические науки. Финансы и налогообложение. № 5 Минск. 2016. стр. 109-115.



тадбиркорликнинг бозор асослари мустаҳкамланишини талаб қилади.

Таклиф иқтисодиёти назарияси вакиллари жамиятнинг иқтисодий гуллаб-яшнашини хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва нархлар механизмини такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш бўйича чоратадбирлар кўшимча тизимини яратиш, тадбиркорлик манфаатларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимини қайта кўриб чиқиш билан боғлайди.

Неоклассиклар назариясининг яна бир йўналишидан бири ҳисобланган монетаризм назариясидир. Бу назарияда М.Фридман томонидан солиқ сиёсатининг тартибга солиш таъсирини энг аввало инфляциян жараёнларни барқарорлаштиришга йўналтиришни илгари сурган. Неокейнс назарияси вакиллари И.Фишер ва Н.Калдор томонидан солиқлар воситасида тартибга солишнинг асосий инструментлари сифатида солиқ объекти ва солиқ солиш базаси кўриб чиқилган<sup>83</sup>. Бу назарияда инвестициялар ва бошқа йўналишларга йиғилган жамғармаларни солиқлар воситасида истеъмолга ўзгартириш ғояси алоҳида ўринга эга.

А.Лаффер эса солиққа тортиш меъёри хусусидаги назарияни ишлаб чиқиб, солиқ ставкаларининг маълум миқдоргача ошиб бориши бюджет даромадларининг кўпайишига хизмат қилади, лекин солиқ ставкалари меъёридан ошиб кетса, бюджет даромадлари аксинча камайиб боради деган хулосага келган<sup>84</sup>. Фикримизча, солиқ ставкаларини маълум миқдоргача пасайтириб бориш солиқ солинадиган базани кенгайтириш ҳисобига бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин, лекин солиқ ставкалари меъёридан ортиқ пасайтириб юбориш ва ставка пасайиши ҳисобига эришилган натижалар сарҳисоб қилинмаслик бюджетга сезиларли йўқотишларга олиб

<sup>83</sup> Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. - М.: Изд-во «ДЕЛО», «ВИТА-ПРЕСС», 1996. - 544 б.

<sup>84</sup> Барулин С.В., Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России // Финансы. - М., 2003. - №4. - С.34-37.

келади.

Иқтисодиётни тартибга солиш борасида Г.Менкьюнинг фикрлари кейнсчилар ғоясига яқин бўлсада, баъзи фарқли жиҳатлари мавжуд. Унинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг 10 та тамойилидан бири шундан иборатки, рағбат инсонга ижобий таъсир этади. Агар миллий қонунчилик мамлакат аҳолисини жамғаришга рағбатлантирса, фуқаролар ўз даромадларининг катта қисмини жамғаришга йўналтирадилар. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажақдаги турмуш даражасини ошишига олиб келади<sup>85</sup>. Менкью нафақат хусусий, балки жамият жамғармаларини кўриб чиқар экан, жамғармаларни рағбатлантирувчи солиқ қонунчилиги кутилмаган натижаларга олиб келади деган хулосага келган.

Маълум бир солиқларнинг ўзгартирилиши ва капиталдан даромадларга солиқларнинг камайтирилиши бюджет тушумларини қисқартиради ва ўз навбатида бюджет тақчиллигини оширади. Миллий жамғармалар ҳақиқатда ривожланиши учун солиқ ўзгаришлари хусусий жамғармаларни шундай рағбатлантириши керакки, бунда энг камида бюджет тақчиллиги ўзгармаслиги керак. Акс ҳолда бундай рағбатлантириш фақатгина вазиятга салбий таъсир этиши мумкин. Паст солиқ ставкалари инсонларнинг интенсив меҳнат қилишга ва жамғармаларининг меъёри ошишига бир мунча рағбатлантиради.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиққа тортиш воситасида солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаси ва фаолият турларини ривожлантириш учун муайян рағбатлар шаклланиши билан ифодаланади. Функция ушбу тоифа ва фаолият турлари учун солиқ имтиёзлар тизими орқали амалга оширилади: солиққа тортишнинг имтиёзли режимлари, пасайтирилган солиқ ставкалари, солиқ кредити ва таътиллари,

<sup>85</sup> Менкью Н. Г. Принципы экономики. - Санкт-Петербург: Питер ком, 1999. - 784 с.



турли озод қилишлар, чегирмалар ва ҳ.к<sup>86</sup>. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини амалга ошириш механизми ҳисобланган солиқ имтиёзлари солиқ сиёсати мақсадларига эришишда солиқ сиёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқса, солиққа тортиш жараёнида солиқ элементи сифатида намоён бўлади.

Солиқларни рағбатлантириш функцияси ҳақида сўз борганда, бу борада Қ.Яҳёевнинг фикрига тўхталиш ўринлидир. Унинг фикрича, солиқларнинг рағбатлантириш ва бошқариш функцияси доимо қатъий бўлмай такрорланиб турмаганлигидан солиқ функцияси эмас, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги вақтинчалик солиқ вазифаси, деб қараши керак. Чунки, имтиёзларни доимий қилиб белгилаб бўлмайди, акс ҳолда солиқ категориясига путур етказилиб, у йўқ бўлиб кетиши мумкин<sup>87</sup>. Бу борада профессор фикрига қўшилар эканмиз, солиқ имтиёзлари нафақат муайян муддатга, балки аниқ шартлар асосида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ш.Гатаулиннинг фикрига кўра, солиқлар, имтиёзлар ва санкциялар воситасида давлат техник жараёни, ишчи ўринлар сонини оширишни, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга капитал қўйилмаларни рағбатлантиради. Давлат томонидан солиқлар ёрдамида техник жараёни рағбатлантирилиши энг аввало техник қайта жиҳозлаш, реконструкция, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ускуналарга йўналтирилган даромадларнинг қисми солиқлардан озод бўлишида намоён бўлади<sup>88</sup>.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, техник ишлаб чиқаришнинг янги ғоя ва янгиликлар генератори кичик венчур фирмалари бўлди. Замонавий ривожланган мамлакатлар солиқ тизими турли хил имтиёзлар орқали кичик илм-фан тадқиқот

<sup>86</sup> Майбуров И.А. и др. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. - 487 с.

<sup>87</sup> Яҳёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Қайта ишланган. ТМИ. Фан ва технологиялар маркази. Тошкент. 2003. 247 б.

<sup>88</sup> Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. Издательский дом «Мир экономики и права» Тошкент.: 1996. стр. 303.

фирмалари фаолиятини рағбатлантиради. Хусусан, ИТТКИ-ларига сарфланган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириниш, капитал ўсишидан даромадларни солиққа тортишдаги имтиёзлар, капитал жалб қилишда кичик фирмаларга узок муддатли қимматли қоғозлар жойлаштириш ва ниҳоят, корпорациялар даромадларини прогрессив солиққа тортишдир.

Т.Маликов солиқларнинг фаолликка таъсири ҳақида тўхталиб, солиқлар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкинлигини таъкидлаб ўтган<sup>89</sup>. Шунингдек, профессор томонидан солиқ имтиёзларининг қатор салбий жиҳатлари илмий асосланган<sup>90</sup>. Жумладан, солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришилмаган дея таъкидлаган.

Б.Ташмуродова томонидан солиқ юкини пасайтириш тадбиркорликни фаоллаштириш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи муҳим иқтисодий омили<sup>91</sup> сифатида эътироф этилган. Ўз навбатида, солиқ юкини пасайтириш аксарият ҳолатларда солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилиб келинган.

Ш.Тошматовнинг фикрига кўра, давлат томонидан фойданинг юқори солиққа тортилиши ХЮСларнинг тадбиркорлик фаолиятлари секинлашувига олиб келади. У корхоналар фойдасини солиққа тортишда фақат фискал услублар билангина эмас, балки хусусий тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятларини ҳам рағбатлантириш зарур, дея таъкидлаган<sup>92</sup>. Ш.Тошматов корхоналар фойдасининг ўсиши

<sup>89</sup> Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия. 2002. 53 б.

<sup>90</sup> Маликов Т.С. Солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари. "Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Т. Молия. 2011. 438 б.

<sup>91</sup> Ташмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2007. -28 б.

<sup>92</sup> Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқларнинг ролини кучайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, БМА. - 2008. 321 б.



республикамизда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғланганлигини илмий асослаб берган.

Шунингдек, Ш.Тошматовнинг фикрича, давлат томонидан инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлашнинг дунёда энг кўп тарқалган усули сифатида солиқлар воситасида рағбатлантиришни келтириш мумкин<sup>93</sup>. Солиқлар воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда ушбу фаолиятга ХЮСлар томонидан молиявий қўйилмаларни йўналтиришга қизиқишларини оширилиши қўллаб-қувватланади.

Бу борада С.Воронин солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ва бошқа зарур чораларни амалга ошириш асосида юқори даражада қайта ишланган ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рақобатбардошлигига кўмак берувчи шароитларни яратиш лозим дея таъкидлайди<sup>94</sup>. Инновациялар яратилиши ва жорий қилиниши ҳисобига юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида инновацион фаолиятни фаоллаштиришга ва бу асосда иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошишига ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги белгиланган устуворликларга эришишга кўмак беради.

И.Алимарданов ва бошқаларнинг фикрича, жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг ўсиш суръати ва халқнинг турмуш даражаси, унинг халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан самарали фойдаланаётганлигига бевосита боғлиқ<sup>95</sup>. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида, республикада ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳамда

<sup>93</sup> Тошматов Ш.А. Ражаббаев Ш.М. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. Т.: Молия. 2015. 160-б.

<sup>94</sup> Воронин С.А. Налоговый механизм стимулирования инноваций и необходимость его совершенствования в Узбекистане. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. Ташкент. 2017. Стр. 11.

<sup>95</sup> Алимарданов И. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматларини экспорт қилишда солиқлар орқали рағбатлантириш масалалари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" Т.: № 2, 2016. 1-8 б.

солиққа тортиш механизмини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Д.Ғозибеков эса солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ дея таъкидлаган. Унинг фикрича, солиқ кредитлари воситасида иқтисодиётнинг реал секторида нодавлат тузилмалари инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш зарурдир<sup>96</sup> дея таъкидлаган. Аммо фикримизча, солиқ кредитлари воситасида инвестицияларни нафақат иқтисодиёт тармоқларига, балки илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга ҳам кенг жалб этиш зарурдир.

И.Ниязметов фикрига кўра, халқаро солиқ амалиётида синалган, илғор хорижий тажрибаларга таянган аниқ тамойиллар асосида солиққа тортишни имкон қадар соддалаштириш ва унификациялаш ҳамда солиқ механизмларининг қайишқоқлигини таъминлаш орқали мамлакат солиқ тизимини барқарорлаштириш, самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш долзарб масаладир<sup>97</sup>. Дарҳақиқат, бу масалаларни ҳал қилишда энг аввало солиққа оид қонун ҳужжатларини аниқлиги, шаффофлиги ва барқарорлигини таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, И.Ниязметов томонидан республика солиқ тизими турли солиқ режимларига асосланганлиги оқибатида солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари ўртасида нотекис тақсимланганлиги, шу сабабдан солиққа тортишнинг махсус режимларини босқичма-босқич бекор қилиб, барча тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган солиқ режимига ўтказиш орқали солиқ тизимини унификациялаш зарурлиги, бунда умумбелгиланган солиқ режимидаги солиқлар сонини қисқартириш ва юкини

<sup>96</sup> Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия. 2003.

<sup>97</sup> Ниязметов И. Солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш ва такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги. / Солиқлар ва солиққа тортиш. / Молия. 2015. №4 ТМИ. 92-98 б.



камайтириш лозимлиги илгари сурилган<sup>98</sup>. Ҳақиқатдан ҳам соғлом рақобатни шакллантириш учун имтиёзли солиқ режимларини қайта кўриб чиқиб, солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари ўртасида текис тақсимланишини таъминлаш лозим.

Шу билан бирга, И.Ниязметов фикрига кўра, ҳар қандай иқтисодиёт ривожига солиқ тизимининг қандай шакллантирилганлиги муҳим роль ўйнайди. Бунда, солиқ тизими солиққа тортишнинг адолатлилиги, аниқ ва соддалиги, бюджетга етарлилиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали тартибга солишга қодирлиги ҳамда қайишқоқлиги каби фундаментал талабларга жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган бўлиши даркор<sup>99</sup>. Албатта, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали тартибга солишда солиқ имтиёзлари муҳим аҳамият касб этади, демак солиқ имтиёзларини қўллашда умумэътироф этилган тамойиллар ва фундаментал талабларга мувофиқ уларни белгилаш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

К.Орзибеков эса ўз тадқиқотларида Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион фаоллигига боғлиқ деган фикрга келган<sup>100</sup>. Унинг фикрига кўра, бугунги кунда инновация жараёнларига тўсиқ бўлувчи сабабни солиққа тортиш механизмларининг мукамал эмаслиги билан изоҳлаган. Чунки амалдаги солиқ қонунчилигида ХЮСларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари деярли мавжуд эмаслиги илмий асослаган. Тадқиқотчининг солиққа тортиш

<sup>98</sup> Ниязметов И. Солиқ тизимини унификациялаш орқали солиқ юкини адолатли тақсимлаш. // Бизнес-эксперт. Солиқ. 2017. № 11 3-10 б.

<sup>99</sup> Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарор-лигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. Молия. Тошкент. 2018. 32 б.

<sup>100</sup> Орзибеков К. Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш масалалари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар". № 4, 2015. 1-7 б.

механизмлари мукамал эмаслиги фикрига қўшилиш мумкин, ammo инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари деярли мавжуд эмас деган фикрига тўлақонли қўшилиб бўлмайди. Чунки, 2015 йил 1 январь ҳолатига Солиқ кодексининг 141, 145, 208, 282-моддаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 июлдаги ПҚ-916-сонли, 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ-1631-сонли ва 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли қарорларида айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган механизмлар ўз аксини топган.

М.Забалуева тадқиқотларида иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш - солиқ тўловчининг ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағларни ошириш ҳисобига эришилиши илмий асослаб берилган<sup>101</sup>. Шу тариқа корхоналарнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш ҳам уларнинг ихтиёрида солиқ тўлангандан кейин қоладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

М.Орлова ва Ф.Мухаметовлар томонидан инновацион солиқ имтиёзларининг самарадорлиги масалалари ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг инструментлари кўриб чиқилиб<sup>102</sup>, бу инструментлар самарадорлиги пухта баҳоланмасдан, инновацион фаолиятни ривожлантирувчи замонавий солиқ механизмини шакллантириб бўлмайди деган хулосага келинган.

Бард, Павлова, Пансков, Черник каби замонавий иқтисодчи олимлар, шунингдек чет эл солиқ тизими таҳлили билан шуғулланган Никитин, инвестицион ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари билан шуғулланувчи Марголин, Фоломьев ва Яковец каби замонавий муаллифлар - ўзларининг ишларида солиқлар воситасида тартибга солишни инвестицион ва инновацион фаолиятни

<sup>101</sup> Забалуева М.А. «Налоговое стимулирование инвестиций в инновационное развитие экономики России» -М.: "ИНФРА". 2005. -213 б.

<sup>102</sup> Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности. Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. 2016. Стр. 1-5.



фаоллаштиришдаги механизмларидан бири сифатида кўриб чиқадилар<sup>103</sup>.

Таъкидлаш жоизки, солиқ назарияси ривожланиши билан бирга солиқларнинг иқтисодиётдаги роли ва функционал мақсади ҳам ўзгариб борган. Яъни, мутлақ фискал функциясини тан олинисидан тортиб, то солиқлар воситасида тартибга солиш, шу жумладан солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг англанлиши билан ҳам ўзгариб борган.

Солиқлар воситасида рағбатлантириш таърифнинг ўзига тўхталадиган бўлсак, И.Мельникова томонидан қуйидагича таъриф берилган. Унинг фикрига кўра, солиқлар воситасида рағбатлантириш иқтисодий муносабатлар субъектлари томонидан инновацион фаолиятни амалга оширишлари учун уларга қулай шароит яратадиган солиқ имтиёзи ва афзалликларини тақдим этиш бўйича комплекс чораларни ўзида ифода этади<sup>104</sup>. П.Свободанинг фикрича, инновацион фаолиятни давлат томонидан бевосита молиялаштириш орқали рағбатлантиришдан кўра, билвосита солиқ механизмлари воситасида рағбатлантириш самаралироқ ҳисобланади<sup>105</sup> деган фикрга муаллифнинг эконометрик таҳлиллари асосида келинган.

Н.Зинчикнинг фикрига кўра, солиқлар воситасида рағбатлантириш - бу давлат учун устувор йўналишлар бўйича жамиятга фойдали ҳамда рағбатлантириладиган фаолиятни ХЮСлар томонидан амалга оширилишида, уларнинг манфаатдорлигини кучайтиришга йўналтирилган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий ҳаракатлардир<sup>106</sup>. Шунингдек, мазкур ХЮСларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

<sup>103</sup> Русских Е.В. Повышение стимулирующей роли налогов в обеспечении инвестиционной активности предприятий. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. Москва, 2005. стр. 247.

<sup>104</sup> Мельникова И.Н. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в Беларуси / И.Н.Мельникова // Центр системного анализа и стратегических исследований НАН Беларуси [Электронный ресурс]. - 2011. - Режим доступа: <http://ru.forsecurity.org>. - Дата доступа: 15.09.2015.

<sup>105</sup> Svoboda P. The impact of tax incentives on research and development. Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis, Czech.2017. 65(2): 737-743.

<sup>106</sup> Зинчик Н.С. Методы развития инновационной деятельности промышленных предприятий на основе налогового стимулирования: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Н.С. Зинчик. - СПб., 2011. - 171 л.

тўлов муддатларини ўзгартириш юзасидан қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чоралардир.

Ҳ.Абдурахмоновнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича таклиф қилинган услубиёти жами қўлланилаётган солиқ имтиёзлари самарадорлигининг комплекс таҳлилин аналга оширишга имкон беради. Натижада кам самарали имтиёзлардан воз кечиш, солиққа тортишни минималлаштиришга қаратилган имкониятларни йўққа чиқариш орқали солиқ имтиёзларини янада оптималлаштиришга эришиш мумкин<sup>107</sup>. Фикримизча, бунга эришиш учун энг аввало барча солиқ имтиёзлари ва преференцияларни йўқламадан ўтказиш лозим. Бундан ташқари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда корхонанинг самарали фаолиятини амалга оширишни таъминловчи (инфратузилма, солиқ маъмурчилиги, банк хизматлари ва ресурсларнинг етарлилиги) омилларни ҳисобга олиш зарур.

Н.Ашурованинг фикрига кўра, аксарият ҳолларда имтиёз беришдан бюджет зарар кўрмайди, унинг қиймати бошқа солиқ тўловчилар зиммасига тушади холос. Имтиёз бериш билан кифояланмасдан, унинг ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилиши, солиқ, пул-кредит сиёсати, давлатнинг иқтисодий бошқарув сиёсати билан мувофиқлаштирилиши лозим. Солиқ механизми солиқ имтиёзларининг ишлаши учун шароит яратиши, асосий йўналиш илмий-техника тараққиётини юксалтиришга ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга, кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилиши лозим<sup>108</sup>. Фикримизча, корхона давлат томонидан тақдим этилган солиқ имтиёзидан фойдаландими, у давлат олдида ҳисоб бериши керак, яъни корхона ихтиёрида солиқ имтиёзи ҳисобига қоладиган маблағ эвазига унинг фойдаси

<sup>107</sup> Абдурахмонов Х. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. // Солиқлар ва солиққа тортиш. Молия. 2015. № 6 ТМИ. 80-84 б.

<sup>108</sup> Ашурова Н. Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадларининг узвийлиги. // Солиқлар ва солиққа тортиш. Молия. 2015. №4 ТМИ. 82-86 б.



ошиши орқали иқтисодиётга наф келтириши зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги адабиётлар таҳлиладан келиб чиқиб, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг қуйидаги алоҳида жиҳатларини келтириш мумкин. Солиқ юки даражасининг иқтисодий фаолиқка тескари мутаносиблиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда турли хил самарали механизмлардан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, солиқларнинг мажбурийлиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда устунлик берса, иккинчи томондан солиқ тўловчиларнинг солиқларни яширишга бўлган интилишининг мавжудлиги туфайли солиқ назорати самарали ташкил этилганлиги етарли даражада натижа беради. Бундан ташқари, солиқларнинг бошқа мажбурий тўловлардан энг муҳим фарқли жиҳати эквивалентсизлик хусусиятидир. Ушбу хусусият солиқлар орқали иқтисодиётни самарали тартибга солиш учун давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий товарларнинг муносиб бўлишини талаб этади.

### 1.3. Инновацион–инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзининг роли

Ҳозирги кунда иқтисодий ўсишнинг асоси ҳисобланган тадбиркорлик, инвестицион ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашда солиқларнинг роли ортиб бормоқда. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда, хусусан инновацион ва инвестицион фаолиятга рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари давлат қўлидаги энг самарали таъсир кўрсатиш воситаларидан бири ҳисобланади. Зеро, амалга оширилаётган солиқ ислохотлари шароитида корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишда солиқ имтиёзлари марказий ва асосий бўғинни эгаллайди.


Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашда солиқ тизимининг роли инновацион маҳсулот, модернизация ва янги технологияларга талаб учун шарт-шароитларни яратишда намоён бўлса, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлашда эса иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилишда намоён бўлади. Шунингдек, солиқ тизими меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келадиган, ИТТКИларнинг натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилинишига йўналтирилган солиқ тўловчилар фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги керак.

Маълумки, назарий жиҳатдан солиқларнинг тан олинган асосан тўртта функциялари мавжуд: фискал, тартибга солиш, қайта тақсимлаш ва назорат функцияларидир. Солиқларнинг тартибга солувчи функциянинг икки функцияности функциялари мавжуд: рағбатлантирувчи ва чеклаб турувчи. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси асосан ва аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари ва преференциялари воситасида амалга оширилади.

Е.Баклыкованинг фикрига кўра, инновацион ривожланишни тартибга солиш, хусусан рағбатлантириш инструментларидан бири солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини камайтириш ёки



кечиктириш мақсади бўлган солиқ имтиёзлари ҳисобланади<sup>109</sup>. Айни вақтда солиқ имтиёзлари таснифига қисқача тўхталиб ўтиш жоиздир:



1.3-расм. Солиқ имтиёзларининг асосий таснифи<sup>110</sup>

*Солиқ солишнинг имтиёзли режимлари* – маълум бир иқтисодий фаолият турлари ёки алоҳида ҳудудий бирликлари учун белгиланган мезонларга жавоб берадиган айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиққа тортишнинг бир мунча қулай шароитлари яратилган режимлар тушунилади. Булар

қаторига махсус солиқ режимлари ҳамда эркин ва махсус иқтисодий ҳудудларнинг режимларини келтирса бўлади.

*Озод қилиш* – айрим тоифадаги ёки белгиланган мезонларга жавоб берадиган солиқ тўловчиларни солиққа тортишдан тўлиқ ёки қисман озод қилувчи имтиёзлар тушунилади.

*Истисно қилиш* – бу солиқ солиш объектининг маълум бир қисмини солиққа тортишдан истисно қилиш тарзидаги имтиёзлар тушунилади.

*Чегирмалар* – бу солиқ солиш базаси миқдоридан муайян вазиятда камайтиришга имкон берадиган солиқ имтиёзлари тушунилади.

### 1. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш шакли бўйича.

*Сийловлар* – бу солиққа оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда табақалаштирилган (пасайтирилган) ёки ноллик солиқ ставкаларидан фойдаланишга имкон берувчи солиқ имтиёзлари тушунилади.

Навбатдаги солиқ имтиёзлари гуруҳи - қонунчиликда белгиланган тартибда солиқларни тўлов муддатини ўзгартириш бўйича афзалликлар олиш имконини берувчи солиқ имтиёзларидир. Буларнинг бир нечта шакларини келтириш мумкин: кечиктириб тўлаш, бўлиб-бўлиб тўлаш, солиқ кредити, инвестицион солиқ кредити, солиқ таътиллари.

*Кечиктириб тўлаш* деганда, ваколатни органлар томонидан солиқ тўловчининг солиқ қарздорлигини тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда кейинчалик бир вақтда тўлаш шarti билан солиқларни тўлов муддатини ўзгартириш тушунилади.

*Бўлиб-бўлиб тўлаш* деганда, ваколатни органлар томонидан тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, солиқ тўловчининг солиқ қарздорлигини кейинчалик босқичма-босқич, яъни солиқ суммаси қисмларини муайян тўлов муддатларига бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан солиқларни тўлов муддатини ўзгартириш тушунилади.

<sup>109</sup> Баклыкова Е.А. Механизмы налогового регулирования инновационного развития предприятий в условиях членства России в ВТО. Российское предпринимательство. Москва. № 20 (266) / 2014. стр. 158-164.

<sup>110</sup> Майбуrow И.А и др. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 487 с.



*Солиқ кредити* тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда солиқ бўйича тўлов муддатини ўзгартиришни ўзида ифода этади. Бу шакл тўлов муддатини кечиктириш билан жуда ўхшаш, бироқ, ваколатли орган қарори билан расмийлаштирилиши, солиқ тўловчи билан шартнома асосида тузилиши, тўлов муддатининг ўзгартириш имконияти, қарздорлик суммасини қоплаш тартибини ўзига хослиги, асослар доираси ва фоиз ставкаси билан фарқланади.

*Инвестицион солиқ кредити* – бу солиқнинг тўлов муддатини шундай ўзгартиришки, бунда ташкилот муайян асослари мавжуд бўлган тақдирда, маълум бир муддат ва меъёрларда ўзларининг солиқ бўйича тўловларини кейинчалик босқима-босқич кредит ва ҳисобланган фоиз суммаларини тўлаб бериш шarti билан камайтиришдир.

*Солиқ таътиллари* – қонунчиликда белгиланган маълум бир муддатга солиқларни тўлашдан озод этишдир.

Замонавий шароитда Ўзбекистон солиқ тизими самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу борада И.Ниязметов томонидан солиқ тизимининг самарадорлиги солиқ тизимига қўйиладиган асосий фундаментал талаблардан бири эканлиги илмий асосланиб, икки муҳим жиҳати келтирилган<sup>111</sup>:

биринчидан, солиқ ундириш ёки солиққа тортиш жараёнлари давлат ва солиқ тўловчилар учун имкон қадар арзон, яъни кам харажат бўлиши ҳамда ортиқча оврагарчиликларга олиб келмаслиги даркор;

иккинчидан, давлат солиқ механизми воситасида иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни автоматик тарзда самарали тартибга солиб бориш имкониятига эга бўлиши керак. Яъни, солиқ воситасида давлат молиявий маблағлари, ишлаб чиқариш омиллари ҳамда меҳнат ва табиий ресурсларни самарали бошқара олиши лозим.

<sup>111</sup> Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. –Т.: Молия, 2017. - 195 б.

Фақатгина иқтисодиётнинг барча тармоқларига инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда инновацияларни доимий жорий қилиш шароитларида иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Инновация корхоналарда рўй берадиган ишлаб чиқариш, бошқарув ва бошқа жараёнларни такомиллаштиришни ўз ичига қамраб олади. Фақатгина ўз фаолиятларини доимий такомиллаштириб бориш корхоналарнинг узоқ муддатли истиқболни мувафаққиятли таъминлайди.

Корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкил этиш ва бошқарувни такомиллаштириш, янги технология ва усуналарни жорий қилиш билан бирга, солиқ юкини енгиллаштириш ҳисобига даромадларни оширишга интилади. Фикримизча, бу вазифа қуйидаги йўналишлар бўйича ҳал қилинади:

1) корхонада мақбул солиқ юки миқдорини таъминловчи фаолият турини танлаш;

2) ХЮС нуқтаи назаридан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг оптимал усули ва муддатларини белгилаш;

3) фойдани тақсимлаш ва фойдаланиш йўналишларини танлаш, корхона учун қулай солиқ оқибатларига имкон берувчи молиявий ресурсларни инвестиция қилишни амалга ошириш.

Солиқлар назариясида солиқ имтиёзларини қўллашнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги масалалари доим мунозарали ҳисобланган. Классик мактаб намояндалари, монетаризм ва институционал йўналишларнинг тарафдорлари солиқ имтиёзларига турлича ёндашган. Замонавий тадқиқотчиларда ҳам бу масалалар бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Неокейнс йўналишлари тарафдорлари иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли муҳимлигини тан олишар экан, солиқ функциялари ичида рағбатлантириш функциясидан фаол фойдаланишни илгари сурадилар, солиқ тўловчиларнинг муайян категориялари учун ИТТКИлар ҳамда инновацион



фаолиятга солиқ имтиёзларни қўллашни қўллаб-қувватлашади<sup>112</sup>. Бироқ, тадқиқотчиларнинг кўпчилик қисми солиқ имтиёзларидан фойдаланишга салбий фикр билдиришганини ҳам кўриш мумкин. Масалан, эркин рақобат ва минимал давлат аралашуви тарафдорлари бўлган неоклассик назарияси намояндалари корхоналарга солиқ имтиёзларини тақдим этилиши нархнинг ахборот берувчи ва тартибга солувчи функцияси деформациясига олиб келади, эркин рақобат тамойилларига зарар етказиши ва бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмини бузади, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, айнан бозор қонунлари ҳамда эркин рақобат тадқиқотлар ва инновацияларга рағбат яратади, ХЮСларга солиқ имтиёзлари тақдим этилиши солиқ тизимининг ожизлигидан далолат беради, унинг асосий функциялари, айниқса, фискал функциясига путур етади.

Бу борада профессор Т.Маликов томонидан келтирилган солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатларига тўхталсак мақсадга мувофиқ бўлади<sup>113</sup>:

солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришилмаган;

солиқ имтиёзларининг самарадорлиги муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очиқ-ойдин ва енгил, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган;

солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади;

солиқ имтиёзига эга бўлган компаниялар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

имтиёзга эга бўлмаган компаниялар ҳар қандай йўл билан бўлсада, уни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар;

бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади. Шундай бўлсада, 1.4-расмда келтирилган мезонлар орқали солиқ имтиёзларини объектив зарурлигини асослашимиз мумкин.



1.4-расм. Солиқ имтиёзлари зарурлигининг асосланиши<sup>114</sup>

Демак, солиқ имтиёзлари зарурлиги солиқ тўловчининг ногиронлиги, ҳарбий мавқеи ва бошқа ижтимоий ҳолати, яъни ижтимоий тенгсизликни текислаш, кичик бизнес, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларни ривожлантириш, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш, хориж сармоясини жалб қилиш, экспортни ривожлантириш, ижтимоий ёки иқтисодий муҳим товарлар импортини қўллаб-қувватлаш,

<sup>114</sup> Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. –Т.: Молия, 2017. – 195 б.

<sup>112</sup> Клавдиенко В.П. Национальные инновационные системы в странах БРИКС // Общество и экономика. 2015. № 8–9. С.121–138.

<sup>113</sup> Маликов Т.С. Солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари. “Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Т.: Молия. 2011. 438 б.



давлатлар ўртасидаги солиқ муносабатларида ўзаролик принципида, яъни икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш каби муҳим вазифаларни амалга оширида намоён бўлади.

Бу борада баъзи неолиберал йўналиш вакиллари эса давлатнинг иқтисодийга “юмшоқ” аралашувини ёқлайдилар ва солиққа тортишнинг турли нейтрал моделларини таклиф этадилар. Амалиётда ҳам илмий тадқиқотлар ва инновацияларни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишга нисбатан турли мамлакатларда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Германия, Финляндия, Швейцария, Болгария, Мексика ва Эстонияда давлат бизнес-секторда ИТТКИларни рағбатлантиришда солиқ механизмдан деярли фойдаланилмайди<sup>115</sup>. Бу давлатлар кўпинча бевосита молиялаштириш схемаларини афзал кўрадилар.

Бошқаларда эса солиқ имтиёзларидан фойдаланиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, яъни тадбиркорлик секторидаги тадқиқотлар ва инновацияларни давлат томонидан умумий қўллаб-қувватлашдаги улуши ушбу мақсадларга тўғридан-тўғри маблағ ажратилишига нисбатан сезиларни даражада ортиб бормоқда. Мисол учун, Голландия, Австралия, Ирландия, Япония, Канадада илмий тадқиқотлар ва инновацияларга солиқ имтиёзлари билан давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш ўртасидаги нисбат тахминан 80 фоизга 20 фоизни ташкил этади<sup>116</sup>.

Аммо, назарий талқинлардаги зиддиятлар ҳамда амалиётдаги қарама-қаршиликларга қарамасдан, хўжалик жараёнларини тартибга солишда, шу жумладан корхона ва ташкилотларнинг инновацион-инвестицион фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган давлатлар сони ортиб бораётганини жаҳон тажрибаси кўрсатмоқда.

<sup>115</sup> Rothbard M. Man, Economy, and State with Power and Market // 2-nd Edition. Ludwig von Mises Institute. Alabama. 2009. P. 1154–1155.

<sup>116</sup> Юсупов В.П. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае. // Общество и экономика, МГУ им. М.В. Ломоносова. № 7, 2018. стр. 39-50.

Инновацион фаолликни ошириш вазифасининг ҳал қилиниши бозор ва инновацион жараёнга давлат томонидан тартибга солиш механизми орқали таъминланади. Бу жараёнга давлатнинг аралашуви инновацион фаолият соҳасида ноқулай тенденцияларни, ҳудуд ва тармоқларнинг инновацион жозибасизлигини, ХЮСлар пассивлигини олдини олиш ва бартараф этиш учун зарур бўлади.

Солиқ тизимининг инновацион фаолликни қўллаб-қувватлашдаги роли инновацион маҳсулот талаби учун, модернизация учун, яъни технологияга инвестиция учун шарт-шароитлар яратиш билан ифодаланади. Шунингдек, солиқ тизими меҳнат унумдорлигига олиб келувчи ИТТКИлар натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилишга йўналтирилган, солиқ тўловчиларнинг инновацион фаолиятлари учун тўсиқлар яратмаслиги керак. Бунда, масала янги солиқ имтиёзларини жорий қилишда эмас, балки инновацион корхоналарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини такомиллаштириш, солиққа тортиш механизмни ўзгартириш ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқлар воситасида тартибга солиш билвосита хусусиятга эгаллиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига йўналтирилганлиги сабабли самарали ҳисобланади. Бундай тартибга солиш иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилади. Хусусан, тадбиркорлик ва инновацион фаолликни ривожлантириш учун рағбатлар тақдим этади, иқтисодийнинг устувор тармоқларига капитал тўпланишига имкон беради, ИТТКИлари ва кадрлар салоҳиятини ривожланишини рағбатлантиради, шунингдек, инвестицион фаолиятни ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларни йўналтиради ва ривожлантиради.

Замонавий олимлар ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция ва инновацияларнинг етакчи ролини



қайд этадилар. Бунда, инвестицион ва инновацион жараёнларнинг бориши кўпинча давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади.




1.5-расм. Тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг асосий мақсадлари<sup>117</sup>

Шу сабаб, тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг асосий мақсадларини 1.5-расм орқали кўриб чиқар эканмиз, узоқ муддатли иқтисодий ўсишни ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш мақсади муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақсадни бош мақсад дея эътироф этишимиз жоиз, чунки ушбу мақсад қолган мақсадларнинг пировард якуний натижаси ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш зарурки, инновацион жараёнларни солиқ усуллари орқали рағбатлантириш тобора оммалашиб бормоқда. Зеро, солиқлар воситасида рағбатлантириш тушунчаси хориж

<sup>117</sup> Муаллиф томонидан мавзуга оид адабиётлар таҳлили асосида тузилган.

адабиётларида, асосан, илмий тадқиқот ва ишланмаларга (ИТИ - R&D tax incentives) қўлланилиши қайд этилмоқда. Бу саноатда замонавий ускуналар ва юқори технологиялар ҳамда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни биринчи навбатга қўйиш билан боғлиқ.



1.6-расм. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантириш ва бюджетдан бевосита молиялаштириш<sup>118</sup>

(2018 йил 1 январь ҳолати, ЯИМга нисбатан фоизда)

1.6-расм гувоҳлик беришича, Россия Федерациясидан ташқари барча 16 та давлатлар томонидан илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни бюджетдан бевосита молиялаштиришга

<sup>118</sup> OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2017, OECD Publishing, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайтлари ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.



нисбатан солиқлар воситасида рағбатлантиришга кўпроқ эътибор қаратилган. Ўзбекистонда эса 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, илмий тадқиқот ва ишланмаларни бюджетдан бевосита молиялаштириш ЯИМга нисбатан 0,2 фоизни ташкил этган бўлса, солиқлар воситасида рағбатлантириш 0,02 фоизни ташкил этмоқда.

Солиқларга фақатгина бюджетга зарур тушумларни таъминловчи восита сифатида қаралиши бир мунча тор ёндашув бўлиб, бу категория моҳиятини тўлиқ ифода этмайди. Солиқлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишда муҳим инструмент ҳисобланар экан, жамият ишлаб чиқаришига сезиларли таъсир кўрсатади, унинг ўсиш суръатларини чеклаб туради ёки рағбатлантиради, жамғариш ва истеъмолга рағбатларни кучайтиради ёки кучсизлантиради, шунингдек, аҳоли тўлов қобилиятини оширади ёки пасайтиради.

Самарали солиқ сиёсатини олиб бориш учун солиқларнинг роли ва функцияларининг аҳамияти муҳимдир. Шубҳасиз, солиқларнинг фискал функцияси асос ҳисобланади, лекин замонавий шароитда аксарият давлатларнинг иқтисодиётлари ривожланишининг инновацион йўлга ўтишида инновацион-инвестицион жараёнларни рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари ҳам самарали инструментлардан бири бўлмоқда.

Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ механизмдан, шу жумладан солиқ имтиёздан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, солиқ юки даражасининг иқтисодий фаолликка тескари мутаносиблиги солиқ механизми орқали рағбатлантиришда турли хил самарали манёврлардан фойдаланиш имконини беради. Энг асосийси солиқларнинг мажбурийлиги, эквивалентсизлиги ва солиқ назоратини самарали ташкил этилганлиги солиқлар воситасида рағбатлантиришда бир томондан устунлик берса, иккинчи томондан бу борада етарли даражада натижа беради.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион ва инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг роли корхоналарнинг инновацион ва инвестицион фаоллигини ошириш, инновацион-инвестицион жараёнларни жадаллаштириш, инновацион фаолиятга инвестицияларни фаол жалб қилиш ва умумий инвестициялар оқимини кучайтириш ҳамда ҳақиқий инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уларни тижоратлаштирилишини таъминлашда самарали рағбатлантириш билан изоҳланади.



## II БОБ

### II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари

2.2. Ўзбекистонда корхоналар инновацион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили

2.3. Корхоналар инвестицион фаолияти учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили

## ИККИНЧИ БОБ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг фундаментал ҳуқуқий асоси албатта Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>119</sup> ҳисобланади. Хусусан, Конституциянинг 18-моддаси иккинчи хатбошида «Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги» белгиланган.

Навбатдаги ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексидир<sup>120</sup>. Кодекснинг 30-моддаси биринчи хатбошида солиқ имтиёзлари Солиқ кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилган.

Мазкур модданинг иккинчи хатбошида эса мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёз бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Солиқ кодексида инновацион, инвестицион ва илмий тадқиқот фаолиятига доир қатор солиқ имтиёзлари

<sup>119</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. ЎРКХТ. 2014 й. 16-сон, 176-модда.

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. (01.01.2020 йил ҳолатига) Lex.uz on-line. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.



белгиланган. Жумладан, айнан инновацион фаолиятни бевосита рағбатлантиришга доир фақат битта, яъни 208-моддаси 9-банди мавжуд бўлиб, бунда бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишлари ҚҚСдан озод қилиниши белгиланган. Инвестицион ва илмий тадқиқот фаолиятига мўлжалланган солиқ имтиёзларини эса 2.1-жадвалда кўришимиз мумкин.

## 2.1-жадвал

### Солиқ кодексига назарда тутилган инвестицион ва илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантиришга доир солиқ имтиёзлари<sup>121</sup>

Солиқ тури	Имтиёз мазмуни
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	Солиқ солинадиган фойда ишлаб чиқаришни модернизациялашга, шунингдек, ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги суммага камайтирилади. (159-модда, 3-банди)
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	Халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган органнинг хулосаси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахснинг грант берувчидан олган гранти суммасига солиқ солинмайди. (179-модда, 18-банди)
Ер солиғи	Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинган. (282-модда, 2-қисми, 26-банди)
Ягона солиқ тўлови	Янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тести ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бироқ ЯСТнинг солиқ солинадиган базасининг кўпи билан 25 фоизга камайтирилиши белгиланган. (356-модда, 3-қисми, 1-банди).
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлардан ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалардан (ихтироларга, санонат намуналарига ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларига бўлган патентлардан юзага келадиган ҳуқуқлардан)

	фойдаланганлик учун тўловлар солиқ солинадиган фойдадан чегирилади. (145-модда, 25-банди)
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	Фаолияти билан боғлиқ илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатлар (асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно) солиқ солинадиган фойдадан чегирилади. (145-модда, 36-банди)

Бундан ташқари, инновацион жараёнларни кучайтириш ҳамда иқтисодиётимизга инвестицияларни фаол жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган ва ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам қатор имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли фармонида мувофиқ ташкил этилган «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига ва Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли фармонида мувофиқ ташкил этилган «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази ва резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилган.

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Lex.uz on-line. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.



2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларида назарда тутилган инновацион фаолиятни рағбатлантиришга мўлжалланган солиқ имтиёзлари<sup>122</sup>

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Имтиёз мазмуни
1	ПҚ-1631, 26.10.2011 й. Буюк Британиянинг Кембридж университети иштирокида Тошкент шаҳрида Юқори технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида (ПҚ-3674 19.04.2018 й.)	2020 йил 1 январга қадар: - ўқув-экспериментал Юқори технологиялар маркази барча солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўлашдан; - Юқори технологиялар марказининг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ тўлашдан озод этилган
2	ПҚ-2602 19.09.2016 й. Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида	2022 йилнинг 1 январига қадар: - Марказ барча солиқларни, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан; - Марказнинг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолият доирасида олинган даромадлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ тўлашдан; - Марказ - Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилган
3	ПҚ-2769 10.02.2017 й. Геномика ва биоинформатика соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, инновация ишларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Геномика ва биоинформатика марказига бепул берилadиган мол-мулк қиймати, шунингдек, мақсадли тушаётган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилмайди
4	ПФ-5068 05.06.2017 й. Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида	«Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига ва Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий

	ПФ-5099 30.06.2017 й. Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида	тўловлардан озод этилган Инновация маркази резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилган
6	ПҚ-3416 30.11.2017 й. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқ ва тўловлар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган
7	ПФ-5308 22.01.2018 й. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида	2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади: - юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартларни биргалиқда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар; - венчур фондлардан биргалиқда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартлар; - илмий тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан олинган даромадлар бўйича; - янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;
8	ПҚ-3697 05.05.2018 й. Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ўз фаолиятларини тижорат асосида амалга оширади ва ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади
9	ПҚ-3698 07.05.2018 й. Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича	2022 йил 1 январга қадар муддатда илмий тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги (Пенсия жамғармасига ажратмалар бундан мустасно) солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод этилади

<sup>122</sup> Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Lex.uz)



	кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	
10	ПҚ-3894 02.08.2018 й. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси 2022 йил 1 январга қадар муддатда ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади
11	ПҚ-3975 16.10.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги оролбўйи халқро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида	Халқро инновация маркази 2021 йил 1 январга қадар муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади
12	ПҚ-2042 20.09.2013 й. Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида	Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2020 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан
13	ПҚ-916 16.07.2008 й. Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий ИТТКИларини бажариш қисмида даромад солиғи, ЯСТ, ҚҚС ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ЯИТдан ташқари) тўлашдан озод этилган

Шу билан бирга, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини тартибга солишга, шу жумладан рағбатлантиришга доир ҳам қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармонида асосан Эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчилари:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ЯСТ ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ОИИРС, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан озод этилган.

### 2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларида назарда тутилган инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга мўлжалланган солиқ имтиёзлари<sup>123</sup>

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Имтиёз мазмуни
1	ПФ-4853, 26.10.2016 й. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ЭИЗлар ва уларнинг иштирокчилари ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ОИИРС, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан: 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга; 3 млн. АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга; 5 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга; 10 млн. ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 % кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ЯСТ ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга озод этилган
2	ПФ-4820 24.04.2015 й. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятдан олган даромадлари даромад солиғи, тўлов манбандан олинadиган даромад солиғи, шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта

<sup>123</sup> Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (Lex.uz)



		бадалларидан озод этилган
3	ПФ-4848 05.10.2016 й. Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилган
4	ПФ-4434 10.04.2012 й. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 млн. АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ҚҚС (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ОИИРС, ЯИТ, ЯСТ, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашининг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёр ва қондаларини қўллашга ҳақли
5	ПФ-3932 29.10.2007 й. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси — барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан, ЯИТ; шунингдек, 2008—2017 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар — ҚҚС тўлашдан озод этилган.
6	ПҚ-3923 19.09.2007 й. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида	2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 2018 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилиши, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилиши белгиланган
7	ПФ-3750 05.05.2006 й. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш	«Микрокредитбанк» 2018 йилнинг 1 январигача фойда ва мулк солиқлари тўлашдан ҳамда банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган

	тўғрисида	
8	ПФ-3594 11.04.2005 й. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва тегишли рўйхат бўйича иқтисодий тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ, мулк солиғи, ОИИРС, ЯСТдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 млн. АҚШ долларида — 3 йил муддатга; 3 млн.дан ортиқ АҚШ долларида 10 млн. АҚШ долларида — 5 йил муддатга; 10 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади. Мазкур имтиёزلарни қўллануш муддати давомида имтиёزلардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш белгиланган
9	ПФ-2598 28.04.2000 й. Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида	Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари: геология-разведка ишларини ўтказиш даврида мақсадли давлат жамғармаларига барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни; нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини олиб бораётган хорижий компанияларга материаллар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш билан шуғулланувчи республиканинг резидент корхоналари ва ташкилотлари ҚҚС; нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўша корхоналар нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғини тўлашдан озод қилинган
10	ПҚ-2454 21.12.2015 й. Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинган
11	ПҚ-2282 07.01.2015 й. 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида	«Ўзсаноатмашинпэкс» ДАК қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга сотилганида ҚҚС тўлашдан; ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — «тайёр холда топшириш» шarti билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши доирасида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ инжиниринг компанияси билан шартномалар тузган пудрат ташкилотлари билан шартнома асосида ўзлари бажарадиган ишлар ҳажми бўйича ЯСТни тўлашдан; қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар - Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида Дастур доирасида



		«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга сотиладиган қурилиш материаллари ва усуналари ҳажми бўйича қўшилган ҚҚСдан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ва ЯСТни тўлашдан; Ўзбекистон Республикасининг норезидент-юримдик шахслари (лойиҳаларнинг ижрочилари) фойда солиғи тўлашдан; мазкур лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган хорижий жисмоний шахслар — жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўлашдан; лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ОТБ ва ИТБнинг қарз маблағлари ҳисобига сотиб олиннадиган товарлар (ишлар, хизматлар) — ҚҚСдан тўлашдан озод қилинган
12	ПҚ-2137 03.03.2014 й. Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида	Қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган кундан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилиши, бунда бўшайдиган маблағлар янги қурилиш техникаси, усуналар, машиналар ва механизмлар, кичик механизация воситалари, технологик усуналар, шунингдек, асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар харид қилишга мақсадли равишда йўналтирилиши белгиланган
13	ПҚ-2068 15.11.2013 й. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида	«Ўзсаноатмашимпэк» ДАТК четдан олиб кириладиган томга ёпиладиган металл тунукалар учун божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), шунингдек, импорт бўйича олиб келинган ёғоч-тахта, томга ёпиладиган металл тунукаларни ва ёғоч-пайраха қириндиларидан тайёрланган плиталарни «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига сотилганида ҚҚС тўлашдан; субпудрат ташкилотлари — якка тартибдаги уй-жойларни «калити билан топшириш» шarti асосида қуриш доирасида, «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси билан шартномалар тузган пудрат ташкилотлари билан шартнома бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажми қисмида ЯСТ тўлашдан; рўйхат бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар — барча турдаги солиқлардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларига (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно) тўланадиган мажбурий ажратмалардан; Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси 2016 йилнинг 1 январига барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган
14	ПҚ-1083 30.03.2009 й. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида	«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2017 йилнинг 1 январига озод этилиб, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини

		қўлайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилиши белгиланган
15	ПҚ-1167 03.08.2009 й. Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси 2017 йилнинг 1 январига барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган
16	ПҚ-1051 29.01.2009 й. Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажми бўйича пудрат ташкилотлари 2017 йилнинг 1 январига: солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно;
17	ПҚ-1050 28.01.2009 й. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2018 йил 1 январига бўлган даврда тегишли мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қўйидаги қўрғинда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилиши белгиланган;
18	ПҚ-1047 26.01.2009 й. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга 2016 йил 1 январига ЯСТ ставкасини 50 фоизга камайтириш шаклида солиқ имтиёзи берилиши, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилиши белгиланган
19	ПФ-5600 21.12.2018 й. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	ЭИХлар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шarti сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили якунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоиздан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиниши, мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг ЭИЗ иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади;
20	ПҚ-3694 04.05.2019 й. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва	Халқ банки ва Микрокредитбанк 2023 йил 1 январга қадар барча солиқлардан озод этилиши, бунда мазкур имтиёзни бериш натижасида бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Халқ



«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	банки ва Микрокредитбанк устав капиталидаги давлат улушини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилиши белгиланган
--	--

Инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг ҳуқуқий базаси кенг шаклланган бўлсада, солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларида баъзи номувофиқликлар ва зиддиятлар учратиш мумкин. Жумладан, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 30-моддаси биринчи хатбошида солиқ имтиёзлари Солиқ кодексига, қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилиши, иккинчи хатбошида эса «Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги» белгиланган.

Бироқ, Конституциянинг 18-моддаси иккинчи хатбошида «Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилиши ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги», Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси иккинчи хатбошида эса «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари - қонунлардир» дея белгиланган<sup>124</sup>.

Шу билан бирга, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси учинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат

<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни. ЎРҚХТ. 2014 й., 50-сонли, 588-модда.

ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатларидир» дея белгилаб қўйилган.

Ваҳоланки, солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ҳаттоки, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган Вазирлар Маҳкамасининг фармойишларида ҳам белгиланган. Буларга қуйидаги мисолларни келтиришмиз мумкин.

Масалан, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 30-моддасида солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида (қонуности ҳужжат ҳисоблансада) назарда тутилиши белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли фармони билан «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида деярли барча солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармонлари ҳамда 5137-Ф, 5361-Ф ва 4010-Ф-сонли фармойишларини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан солиқ имтиёзларини тақдим этиш ваколати бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқ белгиланмаган. Аммо, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор солиқ имтиёзлари тақдим этиб келинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги 224-сонли қарори билан "JV Man Auto-Uzbekistan" МЧЖ шаклидаги қўшма қорхонаси 2020 йил 1 январга қадар фойда ва ҚҚС солиқларидан озод қилинган бўлса, 2018 йил 16 январдаги 41-Ф-сонли фармойиши (норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди) билан "Aria community investments" МЧЖ ЯСТдан озод қилинган. Худди шундай, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 332-сонли, 2018



йил 30 августдаги 703-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги 347-сонли, 2004 йил 22 сентябрдаги 440-сонли қарорларини ва 2018 йил 2 мартдаги 171-Ф-сонли фармойишларни ҳам мисол қилиш мумкин.

Демак, солиққа оид қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосини мувофиқлаштириш, яъни солиқ имтиёзлари қайси ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан ва қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тақдим этилишининг аниқ белгилаб қўйиш зарур бўлади.

#### 2.4-жадвал

#### Ўзбекистонда солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналарнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кесимидаги таҳлили<sup>125</sup>

Норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар	2014	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси	15742	16659	17719	24734	56411
Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунилари	34	71	55	25	105
Ўзбекистон республикаси Президенти фармонлари	2978	3307	3499	4814	2620
Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари	47369	41487	9155	12341	17257
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари	45	28	71	17	67
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	1673	1244	367	7132	8241
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари	0	0	3	0	2
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Вазирлик ва идораларнинг қўшма қарорлари асосида)	0	0	0	42	12

Бунинг учун Солиқ кодексининг 30-моддаси биринчи хатбошига қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

солиқ имтиёзлари Солиқ кодексида, солиққа оид бошқа қонун ҳужжатларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида ҳамда

<sup>125</sup> Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 8-моддаси (Солиқ солишнинг адолатлилиги принципи) иккинчи хатбошида «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди» деб белгиланган. Бироқ, амалиётда якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар тақдим этилишига йўл қўйилиб келинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 февралдаги ПҚ-800-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 июндаги 167-сонли ва 2011 йил 30 декабрдаги 347-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўлади.



2.1-расм. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан қўлланилган солиқ имтиёзлари таҳлили<sup>126</sup>

Солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартибини солиқ солишнинг адолатлилиқ принципи талабларини таъминлаш мақсадида индивидуал хусусиятга эга бўлган солиқ

<sup>126</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф таҳлили.



имтиёзларини тақдим этиш амалиётидан воз кечиш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, 2012-2018 йиллар мобайнида тақдим этилган иқтисодиётдаги жами солиқ имтиёзларида ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар улуши ўртача 30 фоизни ташкил этса, ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тақдим этилган иқтисодиётдаги имтиёзларда алоҳида қарорлари билан саноатга тақдим этилган имтиёзлар улуши 78 фоизни ташкил этмоқда (2.1-расм).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси иккинчи хатбошида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт»лиги, Солиқ кодексининг 2-моддаси учинчи хатбошида «Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак»лиги белгиланган. Бу ҳам ўз навбатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-бирига номувофиқлигидан далолат беради.

Барчамизга маълумки, солиққа оид ўзгаришлар ошкора ва шаффоф бўлиши кераклиги қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Солиқ кодексининг солиқ солишнинг аниқлиги принципи деб номланган 7-моддаси иккинчи хатбошига мувофиқ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши кераклиги белгиланган. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципи деб номланган 10-моддаси иккинчи хатбошига мувофиқ барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги

кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон-бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги ҳам белгилаб қўйилган. Аммо, амалда солиқ имтиёзлари “махфий” банд билан ҳам тақдим этилган ҳолатлари учраб туради. Бу, бир томонидан, солиққа оид қонун ҳужжатларини аниқлиги, ошкоралиги, шаффофлигига зид бўлса, бошқа томондан тенгсиз рақобатга олиб келади.

Ўз навбатида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида ҳам солиқ юкини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозим. Зеро, берилган имтиёз рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганини эътироф этдилар<sup>127</sup>. Бу хусусда, И.Ниязметов ҳам тўхталиб, имтиёзларнинг фақат айрим фаолият турлари ёки тадбиркорлик субъектларига ёхуд фуқароларнинг айрим тоифаларига берилиши албатта қолган бошқа солиқ тўловчиларнинг зиммасидаги солиқ юкининг янада оғирлашувига сабаб бўлишини илмий асослаган<sup>128</sup>.

Ўзбекистон шароитида солиқлар орқали рағбатлантиришда солиқ тизимининг асосан уч муҳим инструментидан кўпроқ фойдаланилади: ставкалар, солиқ солиш базаси ва имтиёзлар. Мамлакатимизда асосан қуйидаги солиқ имтиёзи шакллари кенг фойдаланиб келинмоқда:

солиқ тўловчилик мажбуриятидан озод қилиш шаклидаги имтиёзлар;

солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш шаклидаги имтиёзлар;

солиқ чегирмалари ва солиққа тортилмайдиган минимумлар;

пасайтирилган (имтиёзли) ёки “0”ли солиқ ставкалари;

<sup>127</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлиса мурожаатномаси. Тошкент // Халқ сўзи. 28.12.2018.

<sup>128</sup> Ниязметов И.М. Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини белгилашни назарий принципларга мослаштириш. «Солиққа тортишнинг замонавий метод ва механизмларини жорий этиш, бу брада бошқа мамлакатларнинг ялғор тажрибасидан фойдаланиш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг тезислар тўплами. Солиқ академияси, Тошкент, 2017 йил. (422 б.) 73-75 бет.



солиқ тўлови муддатини кечиктириш, солиқ суммасини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш ёки кечиб юбориш тарзидаги энгилликлар;

солиқ таътили ва бошқача шаклдаги энгилликлар.

Бугунги кунда корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари солиққа оид қонун ҳужжатларида етарлича белгилаб қўйилган. Бироқ, инновацион фаолият ва бу фаолиятга доир асосий тушунчалар қонунчилик билан белгиланмаган. Яъни, инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришда рағбатлантириш объектига аниқлик киритилмаган. Бу эса солиқ имтиёзларидан оқилона ва лозим даражадаги шаффофлик билан фойдаланишга имкон бермайди.

Қолаверса, давлат томонидан инновацион-инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланадиган солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари самарадорлиги пухта баҳоланмасдан замонавий солиқ механизмини шакллантириш имконияти йўқ. Солиқлар воситасида рағбатлантиришни самарали инструментларининг танланиши давлатнинг устувор вазифаларига мувофиқ бўлиши зарур. Солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари самарадорлиги деганда, нафақат солиқ тўловчига, балки давлатга ҳам самарали бўлиши керак.

Юқоридаги таҳлилларимиздан келиб чиқиб, хулосага келиш мумкинки, солиқ имтиёзларининг ҳуқуқий асосларидаги зиддиятлар мавжудлиги ҳамда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартиби солиққа тортиш принципларига номувофиқлиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Шунинг учун корхоналарнинг инновацион ва инвестицион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида самарали тартибга солиш ва рағбатлантиришни таъминлаш учун дастлаб солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий

асосларидаги номувофиқликлар ва зиддиятларни бартараф этиш лозим.

Солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва қўллашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзидан юқори турувчи қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникасига, солиққа оид қонун ҳужжатларининг ошкоралиги, аниқлиги ва умумэътироф этилган солиққа тортиш тамойилларига мувофиқлиги таъминланган тақдирдагина корхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида самарали тартибга солиш ва рағбатлантиришга эришиш мумкин.



## 2.2. Ўзбекистонда корхоналар инновацион фаолиятини солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили

Ҳозирда республикамизда иқтисодий сифат жиҳатидан янгилаш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар корхоналар иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришда фан-техника ютуқларидан юксак даражада фойдаланиш ва инновацион фаолликни ошириш заруратини юзага чиқарди. Бу эса пировард натижада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Зеро, бутун дунёда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида тан олинган илмий техника тараққиёти корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари кенг бўлишига қарамадан, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда мазкур соҳа ривожига тўсиқ бўлувчи қатор муаммолар мавжуд. Бугунги кунга келиб, инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларидан фойдаланиш кам самарали ҳисобланмоқда, чунки қуйидаги қатор муаммолар мавжуд:

- солиқлар воситасида рағбатлантириш чоралари тизимида уйғунлик мавжуд эмаслиги. Чоралар алоҳида-алоҳида киритилади ва инновацион фаолият сегментларини алоҳида-алоҳида қамраб олади;

- солиқ тўловчи томонидан ИТТКИлар ёки инновацион фаолиятни у томонидан амалга оширганлиги далилини исботлаш мураккаблиги;

- ташкилот-воситачилар, яъни илм-фан ва корхоналар ўртасидаги алоқаларни ўрнатишга кўмак берувчи ташкилотлар учун солиқлар воситасида рағбатлантириш деярли мавжуд эмаслигидир.

Инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида давлатнинг иштироки асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- илмий ва кичик илмий - техник тадбиркорликни меъёрий молиялаштириш;

- кичик илм-сиғимкор фирмаларга маблағ сафарбар этаётган хусусий инвесторларни суғурталаш;

- солиқ имтиёзлари;

- хусусий фирмалар ва университетлар томонидан яратилаётган қўшма тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаш;

- илмий-техник ахборот хизматлари ва халқаро илмий-техник ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда илм-фаннинг моддий техника базасидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.


Солиқ имтиёзлари замонавий дунёда фойдаланиладиган тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш учун инновацион фаолиятни билвосита рағбатлантиришнинг энг самарали дастакларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилган.

Энг аввало мамлакатимизда 2011-2018 йиллар мобайнида солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичларига эътибор қаратамиз.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун белгиланган ушбу солиқ имтиёзларини 2.2-расм орқали кўриб чиқар эканмиз, 2011-2018 йиллар давомида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сони умумий солиқ имтиёзларидан фойдаланган юридик шахслар сонига нисбатан ўртача 0,38 фоизни ташкил этган бўлса, умумий имтиёзлар суммасида атиги 0,07 фоизни ташкил этган. Бу эса инновацион



фаолиятни солиқ имтиёзлари воситасида рағбатлантириш даражаси пастлигидан далолат бермоқда.



2.2-расм. 2011-2018 йилларда юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили<sup>129</sup> (фоизда)

Шу билан бирга, инновацион фаолиятни рағбатлантиришга доир алоҳида Ўзбекистон Республикасининг фармон ва қарорлари асосан 2017 йилдан буён қабул қилина бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу рўйхатга Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 141-моддаси 6-қисми 4-банди ва 145-моддаси 36-бандида фаолият билан боғлиқ ИТТКИлари учун харажатлари солиқ солинадиган фойдадан чегирилишини қўшишимиз мумкин.

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумот<sup>130</sup> (млн.сўм)

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2015		2016		2017		2018	
	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси
ҚК-208-м. 9-б.	18	1206,4	7	1764,9	8	1620,9	5	1111,9
ПҚ-1631 26.10.2011 й	2	913,8	3	442,1	1	196,1	0	0
ПҚ-2042 20.09.2013 й	70	2884,5	90	5989,3	78	12881,5	32	19939,7
ПФ-5068 05.06.2017 й	0	0	0	0	1	229,5	3	189,9
ПФ-5099 30.06.2017 й	0	0	0	0	67	2093,1	248	38137,3
ПФ-5308 22.01.2018 й	0	0	0	0	0	0	13	6462,8
ПҚ-3894 02.08.2018 й	0	0	0	0	0	0	5	15,2
ПҚ-3698 07.05.2018 й	0	0	0	0	0	0	2	118,3
ПҚ-3416 30.11.2017 й	0	0	0	0	0	0	1	5,3

Шу билан бирга, 2.5-жадвал кўрсатишича, айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 208-моддаси 9-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари фойдаланувчилари ва имтиёз миқдори йилдан-йилга камайиб борганлигини кузатиш мумкин.



2.3-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар<sup>131</sup>

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

<sup>131</sup> www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти / Инновацион фаолият /



Бундан ташқари, инновацияларни жорий қилган умумий ташкилотларда инновацияларни жорий қилган хусусий кичик корхоналар улуши 2010 йилда 33,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 68,2 фоизни ташкил этмоқда (2.4-расм).



2.4-расм. Инновацияларни жорий қилган ташкилотлар ва инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми<sup>132</sup>

Қолаверса, ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш тарзида солиқ имтиёзи тақдим этилгандан кўра, мазкур солиқ тури бўйича пасайтирилган ставкани қўллаш самарали ҳисобланади. Буни "INTER-INNOVATION" хусусий корхонаси фаолияти кўрсаткичлари орқали қўйидаги 2.6-жадвалда солиштириш орқали тасвирланган.

Кирим қилинган ҚҚСни тўлиқ ҳисобга олиниши, амалдаги солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган ҳолда

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган/ Инновацион фаолият / www.stat.uz

қўлланилиши натижасида, корхона рентабеллигини 3,3 фоизга ўсишига ва 3,1 млн.сўм бюджетга қўшимча тушумлар тушишига олиб келади.

2.6-жадвал

ҚҚСдан озод қилиш ва пасайтирилган ставка қўллаш бўйича имтиёзларнинг қиёсий таҳлили<sup>133</sup> (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	ҚҚС бўйича вариантлар	
	Амалдаги ҳолат	Пасайтирилган ставка (10 %)
Товар (маҳсулот, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	44 399,3	44 399,3
Сотилган товар (маҳсулот, иш ва хизмат) ларнинг таннари	39370,5	39370,5
Реализацияга ҚҚС	0,0	4439,9
Харажатларга олиб борилган ҚҚС	1307,4	0,0
Чегираладиган ҚҚС суммаси:	0,0	1307,4
Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	546,4	1853,8
Ҳисобланган фойда солиғи	0,0	0,0
Соф фойда (6 қатор - 5 қатор)	546,4	1853,8
Рентабеллик (7 қатор / 2 қатор x 100)	1,4 %	4,7 %
Бюджетга тўланадиган ҚҚС	0,0	3132,5

Бундан ташқари, 2.5-жадвалдаги солиқ имтиёзларини қўйида келтирилган жадваллар асосида таҳлил қилишни давом этар эканмиз, корхоналар томонидан 2015-2018 йиллар мобайнида ўтган йилга нисбатан фойдаланилаётган имтиёзлар ҳажми ортиб борган бўлсада, ушбу корхоналарнинг ялпи тушуми (товароборот) ва соф фойдасида ижобий ўзгаришларга эришилмаган.

Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришга оид қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва қабул қилиниб келинмоқда. Бироқ, уларнинг самарадорлиги, хусусан, солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва инновацион жараёнларга таъсирини кўриб чиқиш зарур, яъни соҳага доир тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажмининг эришилган натижалар ҳажмига қиёсий таҳлил қилиш керак.

<sup>133</sup> Корхона электрон ҳисоботлари асосида муаллифнинг шартли ҳисоб-китоби.



Мисол учун инновацион фаолиятга мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари инновацион фаолият натижаларидан илгарилаб кетмоқда. Хусусан, 2010-2017 йилларда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари ўртача 96,6 фоизни ташкил этган бир вақтда, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари 42,8 фоизни, инновацион фаолиятга харажатлар ҳажмининг ўсиш суръатлари 24,9 фоизни, инновацияларни жорий қилган корхоналарнинг ўсиш суръатлари 9,4 фоизни, инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сони 39,1 фоизни ташкил этмоқда.



2.5-расм. Инновацион фаолият натижалари таҳлили<sup>134</sup>

<sup>134</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

Яъни, тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг инновацион фаолияти натижаларига ижобий таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, инновация деб эътироф этилиши учун инновацион маҳсулот амалиётга татбиқ этилиши ва тижоратлаштирилиши зарурдир. Аммо, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналарда инновацияларни жорий қилган корхоналарнинг салмоғи 2010 йилда 52 фоизни, 2011 йилда 33 фоизни, 2012 йилда 58 фоизни, 2013 йилда 22 фоизни, 2014 йилда 48 фоизни, 2015 йилда 40 фоизни, 2016 йилда 39 фоизни, 2017 йилда 50 фоизни, ўртача 8 йилда эса 43 фоизни ташкил этмоқда. Ўз навбатида, 57 фоиз корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги ҳам паст даражада деган хулосага келиш мумкин. Фикримизча, инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари айнан ушбу 43 фоизга тақдим этилиши адолатли бўлар эди.

2.10-жадвал

Инновацион фаолият натижалари ва солиқ имтиёзлари таҳлили<sup>135</sup>

2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	Ўртача 7 йилда (%)
Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари							
-27	169,5	26,9	52,6	13,9	33,2	73,5	42,8
Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган имтиёзларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари							
33,3	62,5	184,6	37,8	60,7	108,5	285,4	96,6
Инновацияларни жорий қилган корхоналарнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари							
-1,3	31,5	-0,5	6,9	11,9	9,7	17,2	9,4
Жами инновацияларни ишлаб чиқарган корхоналарда инновацияларни жорий қилган корхоналар салмоғи							
33,3	57,9	22,2	47,5	39,9	39,4	50,5	43
Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналарнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари							
54,6	-24,3	149,1	90,1	33,3	11,2	-0,8	39,1
Инновацион фаолиятга харажатлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари							
40,9	-16,2	138,6	-18,9	47,1	-53,5	61,8	24,9

<sup>135</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.



Шунингдек, инновацион фаолиятга мўлжалланган солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналарнинг рентабеллик ва тўловга қобилиятлилиқ даражасини Адлия вазирлигидан 2019 йил 24 январда 1469-рақам билан рўйхатдан ўтказилган низомда белгиланган тартиб асосида амалга оширишни лозим топдик. Чунки инновацион фаолиятга харажатларнинг лозим даражада амалга оширилиши корхоналарнинг рентабеллик ва тўловга қобилиятлилиқ даражасига боғлиқ.

Тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффиценти:

$$Тққ = \frac{A2}{П2 - Умм} \text{ бунда,}$$

A2 — жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва б.), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 — мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлими, 770-сатр;

Умм — узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия баланси 490-сатр).

Агар тўловга қобиллик коэффиценти ҳисобот даври сўнгида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, корхона тўлов қобилиятига эга эмас деб ҳисобланади<sup>136</sup>.

Харажатларнинг рентабеллилиқ коэффиценти:

$$Хрк = \frac{Стф}{X} \text{ бунда,}$$

Стф — Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 5-устуни, ёки Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 6-устуни «-» белгиси билан;

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг "Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори. ЎзР АВ 14.04.2005 № 1469.

X — жами харажатлар, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклдан сатрлар (020 «6-устун» + 040 «6-устун» + 170 «6-устун» + 230 «6-устун») йиғиндиси.

Активларнинг рентабеллилиқ коэффиценти:

$$Арк = \frac{Стф}{Ўб} \text{ бунда,}$$

Стф — Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 5-устуни, ёки фойда солиғини тўлагунга қадар зарар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклнинг 240-сатр 6-устуни «-» белгиси билан;

Ўб — баланснинг жами активи ёки пассивининг ўртача қиймати бўлиб, ўртача арифметик ёки ўртача хронологик формула бўйича ҳисобланган. Агар ҳисобот даври учун рентабеллик коэффиценти:

нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса, корхона зарар кўриб ишлаётган;

0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабеллик (монопол корхоналардан ташқари) ҳисобланади<sup>137</sup>.

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг "Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори. ЎзР АВ 14.04.2005 № 1469.



## 2.11-жадвал

Илмий тадқиқот ва инновация ишлари бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзининг корхона рентабеллигига таъсири таҳлили<sup>138</sup>, (млн.сўм)

Кўрсаткичлар	2016	2017	Фарқи
<i>СК 208-м. 9-б. Солиқ имтиёзи</i>		440,2	
Товар айланмаси	2 184,5	2 484,9	300,4
Соф фойда	8,6	12,7	4,1
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	2 717,1	2 502,8	- 214,3
Иш ҳақи Фонди	1 328,9	1 591,9	263,0
Ишчи сони	144	153	9
Тақсимланмаган фойда	8,7	12,8	4,1
<b>Тўлов қобилиятлилик даражаси 390/(770-490)</b>	<b>2,5</b>		<b>тўлов қобилиятига эга эмас</b>
Жорий активлар жами (390-сатр)		3 141,2	
Жами мажбуриятлар (770-сатр)		1 277,70	
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (490-сатр)		0,0	
<b>Рентабеллик даражаси <math>(220+/-230) / (020+040+170+230)*100</math></b>	<b>1,7</b>		<b>рентабелли</b>
Фойда солиғини тўлагувчи қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)		50,4	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарихи (020-сатр)		1 571,5	
Давр харажатлари, жами (040-сатр)		1 404,4	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (170-сатр)		0,0	
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар (230-сатр)		0,0	

Умумий ҳолати бўйича 2.12-жадвал далолат беришича, солиқ имтиёзларидан 2016-2017 йилларда 180 та юридик шахслар томонидан жами 32911,1 млн.сўмлик имтиёзлардан фойдаланилган. Қўлланилган имтиёзларнинг корхоналар фаолиятига таъсири тўлиқ ижобий деб бўлмади. Хусусан, жами 32,9 трлн.сўм имтиёзлардан фойдаланган корхоналарнинг 6,6 фоизи паст рентабелли, 20,5 фоизи зарар кўриб фаолият кўрсатаётганлар бўлса, 48,3 фоизи тўлов қобилиятига эга бўлмаганларни ташкил этмоқда.

<sup>138</sup> Муаллифнинг корхона электрон солиқ ҳисоботлари асосидаги таҳлили.

## 2.12-жадвал


Солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар молиявий натижаларининг 2016-2017 йиллардаги умумий таҳлили<sup>139</sup>

Имтиёздан фойдаланган солиқ тўловчилар сони	Солиқ имтиёзи суммаси (млн.сўм)	Тўловга қобилиятлиги (сони)		Харажатларнинг рентабеллик даражаси (сони)			Активларнинг рентабеллик даражаси (сони)	
		Тўлов қобилиятга эга	Тўлов қобилиятга эга эмас	Рента-белли	Паст рента-белли	зарар кўриб ишлаётган	Рента-белли	паст рента-белли
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 9-банди								
8	8 138,6	5	3	4	2	2	5	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.10.2011 йндаги ПҚ-1631-сонли қарори								
1	3 331,4	0	1	1	0	0	1	0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2017 йндаги ПФ-5068-сонли қарори								
1	414,4	1	0	1	0	0	1	0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.09.2013 йндаги ПҚ-2042-сонли қарори								
83	16 336,9	44	39	59	7	17	64	19
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.06.2017 йндаги ПФ-5099-сонли қарори								
87	4 689,8	43	44	66	3	18	78	9
<b>ЖАМИ</b>								
180	32911,1	93	87	131	12	37	149	31
Умумий сонига нисбатан		51,6%	48,3%	72,7%	6,6%	20,5%	82,7%	17,2%

Аксарият ҳолларда берилаётган у ёки бу солиқ имтиёзлари фақатгина унинг жорий қилиниши босқичида баҳоланади. Кейинчалик ундан келадиган бюджет йўқотишлари етарлича баҳоланмайди, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган иқтисодий самарадорлик таҳлил қилинмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли қарорига асосан миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2020 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар, Республика йўл фондига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

<sup>139</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил.





2.6-расм. Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларга тақдим этилган имтиёзлар таҳлили<sup>140</sup>

2.6-расмда кўрсатилганидек, қўлланилган мазкур солиқ имтиёзи суммаси ўтган йилга нисбатан ўртача беш йилдаги ўсиш суръати 46 фоизни ташкил этган бўлса, ЭХМ учун янги яратилган дастурлар сонининг мос даврга нисбатан ўсиш суръати ўртача 23 фоизни ташкил этмоқда, ваҳоланки имтиёздан фойдаланаётган корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Демак, бу мисолда ҳам солиқ имтиёзларининг ўсиш суръати яратилган дастурий маҳсулот сонининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетмоқда. Яъни, янги дастурий маҳсулотлар яратишни жадаллаштириш мақсадида тақдим этилган солиқ имтиёзлари етарли натижа бермаётганлигини кузатиш мумкин.

<sup>140</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Интеллектуал мулк агентлигининг расмий сайтидаги маълумотлари асосида таҳлили.

Шунингдек, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 141-моддаси 6-қисми 4-банди ва 145-моддаси 36-бандида фаолият билан боғлиқ ИТТКИлари учун (асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно) харажатлари солиқ солинадиган фойдадан чегирилиши белгиланган. Асосий фаолият тури илмий тадқиқот ва ишланмалар бўлган, яъни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифига мувофиқ статистикага хос рақами 95400, 95110, 95120, 95130, 95140 ва 95160 бўлган юридик шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ ИТТКИлари учун чегирилган харажатлари билан эришилган натижалар таҳлил қилинганда куйидаги ҳолат аниқланди (2.13-жадвал).



2.7-расм. Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИлари учун чегирилган харажатлар таҳлили<sup>141</sup>

<sup>141</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Интеллектуал мулк агентлигининг расмий сайтидаги маълумотлари асосидаги таҳлили.



Ўтган йилга нисбатан ўртача беш йилда ихтиролар сони 2,7 фоизга, саноат намуналари сони 11,2 фоизга ўсиб, фойдали моделлар сони эса 3,8 фоизга камайган бўлса, чегирилган харажатлар ҳажми 11,6 фоизга ўсган. Бу мисолимизда ҳам солиқлар воситасита рағбатлантириш ҳажмларига нисбатан эришилаётган натижалар даражаси пастлигидан далолат бермоқда.

### 2.13-жадвал

Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИлари учун чегирилган харажатлар ва эришилган натижалар таҳлили<sup>142</sup>

Йил	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари			
	Ихтиролар сони	Фойдали моделлар сони	Саноат намуналари сони	Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИлари учун чегирилган харажатлар
2014	-26%	-27%	6%	-86%
2015	19%	28%	-30%	165%
2016	16%	4%	28%	-18%
2017	4%	-24%	52%	-3%
2018	-0,1%	-0,3%	0,0%	-0,4%
Ўртача ўсиш суръати	2,7%	-3,8%	11,2%	11,6%

Бундан ташқари, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмига таъсир этиш даражасини аниқлаш мақсадида, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 208-моддаси 9-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармонлари ҳамда 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли ва бошқа қатор қарорларига асосан 2015 йилда 88 та, 2016 йилда 100 та, 2017 йилда 152 та, 2018 йилда 306 та корхоналарга илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларининг уларнинг ялпи тушумига (2-шакл 010-сатр) ва таннархига (2-шакл 020-

сатр) таъсир этиш юзасидан регрессион (Poisson regression) таҳлиллар амалга оширилди.

Амалга оширилган таҳлиллар натижаси инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари статистик жиҳатдан аҳамиятли, лекин иқтисодий жиҳатдан кам аҳамиятлилиги, яъни солиқ имтиёзларининг мазкур фаолият турига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат берди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
YAST	1.36e-06*** (2.75e-10)	1.36e-06*** (2.75e-10)
QQS	1.41e-07*** (0)	1.41e-07*** (0)
Foyda		-0.0155 (4.977)
YIT	3.50e-06*** (1.71e-09)	3.50e-06*** (1.71e-09)
Mulk		4.15e-07 (1.50e-06)
Maktab		-0.000939 (0.0141)
Constant Tannarx		13.64*** (0.170)
Constant lnalpha		2.448*** (0.0631)
Observations	294	646
Number of nom	100	409

Standard errors in parentheses

\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

### 2.8-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг таннархига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари<sup>143</sup>

Масалан, 2.8-расмдаги регрессион таҳлил натижасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзини корхоналарнинг таннархига (2-шакл 020-сатр) таъсир этиш даражаси пастлиги, яъни, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун фойда солиғи бўйича тақдим этилган

<sup>142</sup> Муаллиф таҳлили.

<sup>143</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.



солиқ имтиёзлари ҳисобига корхона ихтиёридаги қоладиган маблағларнинг инновацион маҳсулотларни (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар ҳажмига таъсир этиш даражаси пастлиги аниқланди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
YAST	9.69e-07*** (1.14e-10)	9.69e-07*** (1.14e-10)
QQS	1.26e-07*** (0)	1.26e-07*** (0)
Foyda		-5.14e-05 (5.23e-05)
YIT	2.85e-06*** (9.16e-10)	2.85e-06*** (9.16e-10)
Mulk		1.82e-07 (9.49e-07)
JShDS		-0.00340* (0.00199)
Maktab		-0.00726 (0.00899)
Constant Yalpi_tushum		14.60*** (0.108)
Constant Inalpha		1.543*** (0.0560)
Observations	362	647
Number of nom	125	409

Standard errors in parentheses  
\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

### 2.9-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг ялпи тушумига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари<sup>144</sup>


Худди шундай, 2.9-расмдаги регрессион таҳлил натижаси ҳам гувоҳлик беришича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг ялпи тушумига таъсири ижобий деб бўлмайди. Яъни, солиқ имтиёзлари корхоналарнинг маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушумига, шунингдек, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда.

<sup>144</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

### 2.3. Корхоналар инвестицион фаолияти учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили

Инвестицион фаолият мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда ва бюджетнинг даромад базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни солиқлар орқали тартибга солишда ҳам солиқ сиёсатининг асосан икки муҳим инструментида кўпроқ фойдаланилган: ставкалар ва имтиёзлар.

Корхоналарнинг иқтисодий, инвестицион ва инновацион фаоллигини сезиларли оширишда фойда солиғи ҳам адолатли, ҳам самарали ҳисобланади.




### 2.10-расм. Ўзбекистонда фойда солиғи ставкалари пасайтирилиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар таҳлили<sup>145</sup>

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2019 йиллардаги "Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.gov.uz](http://www.mf.gov.uz) расмий сайти (давлат бюджети ижроси) ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Мисол учун фойда солиғи ставкасидан 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди. 2018 йилга келиб эса фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирга 14 фоизни ёки 2017 йилга нисбатан 1,5 фоизга, 2019 йилда 12 фоизни ёки 2018 йилга нисбатан 2 фоизга камайтирилди.

Солиқлар орқали тартибга солишнинг иккинчи инструменти имтиёз ҳисобланади. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари ривож учун фискал рағбатлар самарадорлигини пасайтирувчи бир қатор муаммолар мавжуд.



2.11-расм. 2011-2018 йилларда юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили<sup>146</sup> (фоизда)

Энг аввало мамлакатимизда 2011-2018 йиллар мобайнида солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичларига ўрнатиб қаратамиз.

Ушбу давр ичида корхоналар фаолиятига инвестициялар жалб қилиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни рағбатлантириш учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар сони умумий солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан ўртача 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, имтиёзлар суммасида атиги 2,6 фозни ташкил этмоқда. Бу инвестициялар оқимини кучайтиришга ва корхоналар инвестицион фаоллигини оширишга мўлжалланган солиқ имтиёзлар ҳажми камлигини кўрсатмоқда.

Тақдим этилганлари ҳам етарли даражада натижа бермаяпти. Буни асосий сабабларидан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳаларида имтиёзлардан фойдаланишни мониторинг қилиш тизими мавжуд эмаслигидир.

2.14-жадвал

Саноатдаги солиқ имтиёзлари таҳлили<sup>147</sup>

Сана	Саноатдаги солиқ имтиёзлари (умумий солиқ имтиёзларига нисбатан %да)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (2017 йилги нархларда трлн.сўмда)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши (фоизда)	ЯИМдаги саноат улуши (ЯИМга нисбатан %да)
01.01.2012	42,5	26	41,6	20	24
01.01.2013	52,2	107	50,7	22	24
01.01.2014	49,5	30	61,1	20	24,2
01.01.2015	51,3	21	75,2	23	24,1
01.01.2016	58,2	29	91,7	22	33,5
01.01.2017	58,7	21	111,3	21	33,7
01.01.2018	53,0	51	144,2	30	34,1
Ўртача	52,2	41	-	22	28

Солиқ ва божхона имтиёзлари эришилган (таннархни камайиши, меҳнат унумдорлиги ўсиши ва фойданинг ўсиши, бандлик, ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш, ишлаб

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


<sup>147</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



чиқариш ҳажмини ўсиши, энергияни тежалиши, экспорт ҳажмини ўсиши ва бошқалар) натижалардан қатъий назар, тақдим этилади.

Имтиёзлар таҳлили шуни кўрсатдики, улар «имтиёзлар – модернизация - натижалар» тамойилида тақдим этилмаган. Мазкур ҳолат тармоқлар ривожига солиқ имтиёзларининг таъсирига баҳо беришни қийинлаштиради. Масалан, солиқ имтиёзларининг ўсиш суръати саноатдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетмоқда. Хусусан, 2011-2017 йилларда саноатдаги корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 41 фоизни ташкил этган бир вақтда саноатдаги маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 22 фоизни ташкил этган, яъни солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижалар ижобий деб бўлмайди. (2.14-жадвал).

Шунингдек, саноат тармоғида эришилган бир қатор натижаларга 2.12-расмда акс эттирилган кўрсаткичлар орқали тўхталар эканми, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ва модернизацияга инвестициялар, машина, ускуна, инвентарларга йўналтирилган инвестициялар, саноатдаги бандлар даражасини ҳамда янги объектлар ва кейгайтириш ҳисобига ташкил этилган иш ўринлари йилдан-йилга камайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса саноатдаги солиқ имтиёзлар салмоғи 50 фоиздан зиёд бўлиб, йилдан-йилга ўсиб бораётганлигига қарамасдан, саноат ривожига солиқ имтиёзларининг таъсирчанлиги ва натижадорлик даражаси пастлигини англатади.



2.12-расм. Асосий капитал ва такрор ишлаб чиқаришга инвестициялар ҳамда саноатдаги бандлар таҳлили<sup>148</sup>

Демак, солиқ имтиёзлари самарадорлигини тўхтатувчи омиллардан яна бири бу уларнинг аксарияти аниқ мақсадлар ва шартлар асосида тақдим этилмаслиги, натижага йўналтирилмаслиги ҳамда солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижалардан келиб чиқиб имтиёз тақдим этилмаслиги ёки қайтарилмаслиги каби омиллардир. Солиқ имтиёзлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни "O'ZBEKISTON" АЖ мисолида ҳам кўриб чиқамиз.

<sup>148</sup> Садиқов А.М. ва бошқалар - Тенденции социально-экономического развития Узбекистана. 2014-2016/ Т. 2017 - 112 с., Турдиев Д.Р. ва бошқалар - Экономика Узбекистана информационно-аналитические бюллетени за 2012-2017 гг. / ISSN2091-5063., Т. 2018. © Center for Economic Research; [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.



2.15-жадвал  
"O'ZBEKISTON" АЖнинг молиявий натижалари таҳлили<sup>149</sup>

Кўрсаткичлар	2016 (млрд.сўм)	2017 (млрд.сўм)	Фарқи
Имтиёз	1305,7	1289,3	-16,4
Товар айланмаси	3709,7	6417,3	2707,6
Соф фойда	-2094,7	75,7	
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	939,9	826,5	-113,4
Иш ҳақи Фонди	208,8	265,7	56,9
Ишчи сони	9165	9144	-21
Тақсимланмаган фойда	-1059,5	-983,8	75,7
Тўлов қобилиятлилик даражаси	0,7 - тўлов қобилиятга эга эмас		

Корхонанинг молиявий натижаларини (2-шакл) 2.15-жадвал орқали таҳлил қилар эканмиз, жамият 2016 йилда 3709,7 млрд.сўм товар айланмасини амалга ошириб, 1305,7 млрд.сўм имтиёзлардан фойдаланган ҳолда фаолиятини 2094,7 млрд.сўм зарар билан якунлаган бўлса, 2017 йилда 6417,3 млрд.сўм товар айланмасини амалга ошириб, 1289,3 млрд.сўм имтиёзлардан фойдаланган ҳолда фаолиятини атиги 75,7 млн.сўм фойда билан якунлаган. Жамиятни товар айланмаси 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 73 фоизга кўп амалга оширилган.

Демак, жамият 2016 йилда тўла қувват билан ишланганлиги сабабли 2017 йилга нисбатан 2016 йилда имтиёздан 16,4 млн.сўмга кўп фойдаланишига қарамасдан йилни зарар билан якунлаган. Бунга корхонада солиқ менежментини талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, жумладан, молиявий фаолиятни оқилона режалаштирилмаганлиги, солиқ рисклари етарли инobatга олинмаганлиги, тўла қувват билан ишламаслик, ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаб етарли даражада ўрганилмаганлиги ва товар сифатидаги камчиликлар каби омиллар сабаб бўлган деб ҳисоблаймиз.

<sup>149</sup> Жамиятнинг молиявий натижалари (2-шакл) тўғрисидаги электрон ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.16-жадвал  
Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзи шакллари таҳлили<sup>150</sup>

Кўрсаткичлар	Вариантлар				
	Базис	Фойда солиғидан тўлиқ миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш	Фойда солиғидан 50% миқдорда солиқ имтиёзи тақдим этиш	50% миқдорда фойда солиғи ставкасини пасайтириш	Солиқ солинадиган фойдадан (30% ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини чегириш
Тушум	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0
Харajatлар	18,0	18,0	18,0	18,0	18,0
Ялпи фойда	42,0	42,0	39,5 (42,0-2,5)	42,0	29,4 (42-12,6)
Имтиёз	-	5,0	2,5 (50%*5,0)	-	12,6 (30%*42)
Фойда солиғи суммаси (12% ставка б-ча)	5,0	5,0	5,0	2,5 (50%*5,0)	3,5 (29,4*12%)
Соф фойда	37,0	42,0	34,5	39,5	38,5
Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ҳисобланган жами сумма	37,0	42,0	37 (34,5+2,5)	39,5	51,1 (38,5+12,6)

Шу ўринда эътироф этиш керакки, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сезиларли даражада оширишда фойда солиғи ҳам адолатли, ҳам самарали ҳисобланади. Шунинг учун энг аввало фойда солиғи мисолида солиқ имтиёзларини тақдим этиш шакллари таҳлил қайси бири самаралироқ эканлигини кўриб чиқамиз. 2.16-жадвалдаги таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, солиқ солинадиган фойдадан йўналтирилган инвестиция суммаси чегирилган тақдирда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси 51,1 млн.сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш (42,0 млн.сўм), фойда солиғидан 50% миқдорда озод қилиш (37,0 млн.сўм), фойда солиғи ставкасини 50%га пасайтириш (39,5 млн.сўм) вариантларидан кўра капитал қўйилмаларни молиялаштиришда афзалроқ ҳисобланмоқда.

Демак, солиқ солинадиган фойдадан ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган маблағлар суммасини

<sup>150</sup> Муаллифнинг шартли таҳлили



камайтириш тарзидаги (Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 159-моддаси 3-бандида назарда тутилган) имтиёз бошқа имтиёзларга нисбатан капитал кўйилмаларни молиялаштириш манбаси шаклла-нишида, имтиёз ҳисобига корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар мақсадли ишлатилишида ва умуман корхонанинг инвестицион фаоллигини оширишда самаралироқ ҳисобланмоқда.



2.13-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган маблағлар солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзининг фойдаланиш даражаси<sup>151</sup>

Бироқ, 2.13-расмдан кўриниб турибдики, мазкур солиқ имтиёздан фойдаланган солиқ тўловчилар жами солиқ имтиёзларидан фойдаланган умумий солиқ тўловчиларга нисбатан ўртача беш йилда 0,18 фоизни, солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзи суммаси умумий солиқ имтиёзлари суммасига нисбатан ўртача беш йилда 0,26 фоизни ташкил этмоқда ва бунда йилдан-йилга камайиб

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

бораётганлигини кўрамиз. Бунинг асосий сабаби ҳисобланган амортизация суммаси модернизацияга йўналтирилган маблағлар суммасидан юқори бўлган тақдирда солиқ солинадиган фойдадан камайтирилмайди. Бу эса мазкур имтиёзни ХЮСлар томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида қўлланилишида муҳимлигини пасайтиради. Бу каби ҳолатни қўйидаги 2.17-жадвалдаги шартли мисолда кўришимиз мумкин.

2.17-жадвал

Солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзидаги имтиёзни қўлланилиши таҳлили<sup>152</sup>

Корхона номи	Ҳисобот йили	Кўрсаткичлар номи (млн.сўмда)				
		Солиқ солинадиган фойда	Инвестицияга йўналтирилган умумий маблағлар	Ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси	Солиқ солинадиган фойда суммасининг 30%	Солиқ солинадиган фойдани инвестиция суммасига камайтириш суммаси
"Асп" корхонаси	2016	502,5	407,1	841,9	150,8	0,0
"Бек" корхонаси	2016	6861,8	6236,9	4410,8	2058,5	1826,1

"Асп" корхонасининг ҳисобот даврига ҳисобланган амортизация суммаси 841,9 млн.сўмни ташкил қилганлиги, яъни йўналтирилган инвестиция суммасидан юқори бўлганлиги сабабли корхона Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 159-моддаси 3-бандида назарда тутилган солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзида имтиёздан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. "Бек" корхонасида эса аксинча, имтиёздан фойдаланилган, аммо йўналтирилган инвестиция суммасидан ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси чегирилмаган тақдирда, солиқ солинадиган фойданинг меъёри 30 фоиздан кўп бўлмаганлиги сабабли 6861,8 млн.сўм солиқ солинадиган фойдадан 2058,5 млн.сўм камайтирилган. Бу жамиятнинг инвестицияга йўналтирилган маблағининг 33 фоизини

<sup>152</sup> Корхоналарнинг электрон солиқ ҳисоботлари асосида муаллифнинг шартли таҳлили.



ташкил этади ва сезиларли натижаларга эришиш имконини бермайди.

Таъкидлаш жоизки, катта ҳажмдаги инвестицияларга қарамасдан, саноат тармоқларида асосий фондларнинг эскирганлик даражаси ошиб бормоқда ёки юқориликча сақланиб қолмоқда. Мисол учун 2.18-жадвалдаги корхоналарнинг 2016-2018 йиллар бўйича солиқ ҳисоботлари танлов асосида таҳлил қилинганда, ҳисобот давридаги ҳисобланган амортизация суммаси ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтириладиган маблағлар суммасидан юқори бўлганлиги сабабли солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзи қўлланилмасдан қолган. Бу, бир томондан, имтиёзнинг муҳимлигини пасайтирса, иккинчи томондан, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сусайтиради.

Шунинг учун мазкур имтиёзнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида модернизацияга йўналтирилган суммадан ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси чегирилмасдан, солиқ солинадиган фойдадан камайтирилиши ҳамда солиқ солинадиган фойданинг 30 фоиз меъёри 50 фоиз этиб белгиланиши корхоналар инвестицион ва инновацион фаоллигини оширишда сезиларли натижа беради деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида тақдим этилаётган солиқ имтиёзларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтамиз. 2011-2017 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган инвестиция, шу жумладан жалб қилинган хорижий инвестициялар учун берилган умумий солиқ имтиёзлари ўртача 33 фоизга ўсган бўлсада, ушбу давр мобайнида умумий инвестициялар ўртача 12 фоизга, хорижий инвестициялар 14 фоизга ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 13 фоизга ўсган (2.14-расм).



2.14-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ва тақдим этилган имтиёзларнинг ўсиш суръатлари<sup>153</sup>

Мазкур ҳолат ҳам корхоналар инвестицион фаолияти учун мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ушбу фаолиятга таъсир этиш даражаси пастлигини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, 2.19-жадвалда келтирилган солиқ имтиёзларининг асосий шarti инвестиция киритиш бўлиб, 2016 йилга нисбатан 2017 йилдаги кўрсаткичларда камайиш кузатилмоқда. 2015-2016 йилларда тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажмига нисбатан киритилган узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмалар ҳажми паст даражада бўлса, 2017-2018 йилларда сезиларли ижобий кўрсаткичларга эришилган. Лекин, солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмаларни амалга

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



оширган корхоналар сони жуда ҳам паст даражани ташкил этмоқда.

2.19-жадвал

Инвестицион фаолият учун тақдим қилинган солиқ имтиёзлари, узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмалар таҳлили<sup>154</sup>

давр	Имтиёз (4853, 3594, 4434)		Узоқ муддатли инвестициялар		Капитал қўйилмалар	
	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм
2015	99	55,1	5	13,6	35	110,4
2016	95	163,2	17	138	39	298
2015 йилга нисбатан 2016 йилда	-4	108,1	12	124,4	4	187,6
2017	77	160,6	12	98,6	29	237,5
2016 йилга нисбатан 2017 йилда	-18	-2,6	-5	-39,4	-10	-60,5
2018	213	266,2	38	3479,9	84	50471,4
2017 йилга нисбатан 2018 йилда	136	105,6	26	3381,3	55	50233,9

Бундан ташқари, мазкур солиқ имтиёзларидан фойдаланган баъзи корхоналар йил якунлари бўйича ўз фаолиятларини зарар билан якунлаган. Масалан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4853-сонли фармони асосан 140 та корхоналар томонидан 92618,1 млн.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган, бироқ, 39 таси (28 фоизи) 3274,3 млн.сўмлик имтиёзлардан фойдаланган ҳолда йил якуни бўйича 20663,9 млн.сўм зарар билан чиққан. Худди шундай 2017 йилда 21 та корхона томонидан 51573,5 млн.сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган, шундан 8 таси (38 фоизи) 2843,4 млн.сўм имтиёзларидан фойдаланган ҳолда йил якуни бўйича 13128,4 млн.сўм зарар билан чиққан (2.20-жадвал).

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.20-жадвал

Инвестицион фаолият учун корхоналарга тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва уларнинг молиявий натижалари таҳлили<sup>155</sup>

Йил	Кўрсаткич	ПФ-4853		ПФ-4434		ПФ-3594		СК-159		СК-356	
		ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм	ЮШ сони	Суммаси млрд.сўм
2015	Умумий	28	7,7	11	9,8	50	28	107	41,9	905	28,7
	Имтиёз	6	0,3	1	0,01	15	15,9	3	0,18	115	1,9
	Зарар	6	2,4	1	0,03	15	67,6	3	17,4	115	43,1
2016	Умумий	38	86,9	10	6,4	40	64,3	92	41,8	766	29,1
	Имтиёз	2	0,2	1	0,01	8	24,3	0	0	20	0,14
	Зарар	2	1,4	1	0,16	8	82,1	0	0	20	4,1
2017	Умумий	21	51,6	9	10,6	47	98,4	3	0,5	691	33,6
	Имтиёз	8	2,9	1	0,66	16	46,1	0	0	158	10,2
	Зарар	8	13,1	1	17,6	16	488,7	0	0	158	526,4
2018	Умумий	140	92,6	2	6,9	71	166,7	12	3,1	105	4,1
	Имтиёз	39	3,3	1	0,01	14	7,3	0	0	15	0,43
	Зарар	39	20,6	1	0,46	14	56,7	0	0	15	16,3

Қолаверса, амалга оширилган регрессион (Poisson regression) таҳлиллар натижаси инвестицион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари статистик жиҳатдан аҳамиятли, лекин иқтисодий жиҳатдан кам аҳамиятлилиги, яъни солиқ имтиёзларининг мазкур фаолият турларига таъсир этиш даражаси ҳам пастлигидан далолат берди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Yol	1.11e-08***	1.11e-08***
foyda	(0)	(0)
	-3.77e-09	-3.78e-09
	(1.07e-08)	(1.07e-08)
Yait	-7.99e-05	-0.00687
	(0.00142)	(0.00641)
Mulk	-8.83e-05	-0.0215
	(1.566)	(640,255)
yer	0	4.71e-07
	(1.58e-06)	(1.52e-06)
Constant Uzoq_muddatli_invest		16.19***
		(0.583)
Constant lnalpha		4.645***
		(0.136)
Observations	43	440
Number of nom	17	333

Standard errors in parentheses  
\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

2.15-расм. Инвестицион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини узоқ муддатли инвестицияларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижаси<sup>156</sup>

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари, корхоналарнинг электрон солиқ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>156</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли ва 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли фармонларига асосан 2015 йилда 69 та, 2016 йилда 85 та, 2017 йилда 74 та, 2018 йилда 212 та корхоналарга инвестицион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг узоқ муддатли инвестицияларга ва капитал қўйилмаларига таъсири бўйича регрессион таҳлиллар амалга оширилди. Масалан, 2.15-расмдаги регрессион таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, фойда солиғи бўйича инвестицион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг узоқ муддатли инвестицияларга (1-шакл 030-сатр) таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда, яъни фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзи ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар реинвестиция қилиш даражаси паст бўлмоқда.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Yol	-2.56e-08*** (0)	
Foyda	8.14e-07*** (7.86e-10)	8.25e-07*** (7.86e-10)
YaIT	5.34e-07*** (7.21e-11)	5.34e-07*** (7.21e-11)
Mulk	-8.54e-08*** (0)	
Yer	6.40e-05*** (2.35e-07)	
Yast	-1.63e-08*** (6.17e-11)	-1.63e-08*** (6.17e-11)
Constant Kapital_qoilylma		18.84*** (0.354)
Constant lnalpha		3.730*** (0.0887)
Observations	108	440
Number of nom	44	333

Standard errors in parentheses  
\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

**2.16-расм. Инвестицион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини капитал қўйилмаларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари<sup>157</sup>**

<sup>157</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

Бироқ, 2.16-расмдаги регрессион таҳлил натижасида эса фойда солиғи бўйича инвестицион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг капитал қўйилмаларига (1-шакл 100-сатр) ҳам статистик жиҳатдан ҳам иқтисодий жиҳатидан аҳамиятлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 159-моддаси 3-бандига ва 356-моддаси 3-қисми 1-бандига асосан 2015 йилда 1002 та, 2016 йилда 857 та, 2017 йилда 694 та ва 2018 йилда 118 та корхоналарга инвестицион фаолият учун солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг узоқ муддатли инвестицияларига ва капитал қўйилмаларига таъсир этиш даражаси статистик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлилиги маълум бўлди. Мисол учун, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган инвестиция суммалари фойда солиғи ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзларини корхоналарнинг узоқ муддатли инвестицияларга (1-шакл 030-сатр) ижобий таъсир этиш даражаси статистик ва иқтисодий жиҳатидан аҳамиятлилигини кўрсатмоқда (2.17-расм).

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Tax_benefit	9.11e-08*** (0)	9.11e-08*** (0)
Constant invest		15.07*** (0.209)
Constant lnalpha		4.242*** (0.0526)
Observations	518	2,667
Number of nom	215	1,596

Standard errors in parentheses  
\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

**2.17-расм. Солиқ имтиёзларининг узоқ муддатли инвестицияларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари<sup>158</sup>**

<sup>158</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.



Худди шунингдек, 2.18-расмдаги регрессион таҳлил натижасида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган инвестиция суммалари фойда солиғи ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзларини корхоналарнинг капитал қўйилмаларга (1-шакл 100-сатр) таъсир этиш даражаси статистик жиҳатидан ва иқтисодий жиҳатидан аҳамиятлилигини кузатишимиз мумкин.

VARIABLES	(1) Fixed Effects	(2) Random Effects
Imtiyozmingsom	-2.21e-07***	-2.21e-07***
Constant Kapitalqoiylma	(0)	17.58*** (0.182)
Constant lnalpha		3.972*** (0.0449)
Observations	749	2,666
Number of nom	305	1,596

Standard errors in parentheses  
\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

### 2.18-расм. Инвестицион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини капитал қўйилмаларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари<sup>159</sup>

Амалга оширилган регрессион таҳлилларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, аниқ шартлар асосида тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг инвестицион фаолиятга ижобий таъсир этиш даражаси юқори бўлмоқда. Яъни, мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этиш шарти сифатида бир томондан инвестиция ҳажми белгиланиши бўлса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган инвестициялар ҳисобига янги технологик жиҳоз харид қилинган пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилиш шартидир.

<sup>159</sup> Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

## III БОБ

### III БОБ. КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

#### 3.1. Солиқ имтиёзлари воситасида инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибаси

#### 3.2 Инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўллари

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												



КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ  
ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Солиқ имтиёзлари воситасида инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибаси

Инновацион ва инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш муаммолари ва мазкур фаолиятни ривожлантиришни тадқиқ этишда, илғор хориж тажрибаси ҳамда амалиётини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ имтиёзлари иқтисодий тартибга солишнинг жаҳонда энг кенг тарқалган билвосита усулларида бири ҳисобланади. Улар нафақат алоҳида иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўсиши, илм-фан ва техника соҳасига хусусий капитал жалб қилинишини таъминлайди.

3.1-жадвал

Жаҳоннинг 103 та ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида кенг тарқалган инвестицион солиқ имтиёзларнинг шакллари<sup>160</sup>

Имтиёз шакллари	Африка (23 мамлакат)	Осиё (17 мамлакат)	Лутин Америка ва Кариб қўрғоғи (12 мамлакат)	Марказий ва Шарқий Европа (25 мамлакат)	Ғарбий Европа (20 мамлакат)	Бошқа мамлакатлар (6 мамлакат)	Жами мамлакатлар (103)
Солиқ кредити	16	13	8	19	7	4	67
Солиқ таътиллари	12	8	6	6	10	5	47
Солиқ чегирмаси	4	5	9	3	5	0	26
Инвестицион солиқ кредити	15	13	11	13	7	4	63

Бугунги кунга келиб, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни фаол жалб этишда ва

<sup>160</sup> Султанов Г.С. и др. Стимулирование инвестиционной деятельности компаний налоговыми методами: мировая практика. // Научный журнал Фундаментальные исследования. ISSN 1812-7339 | ПИ №77-15598-2015.- № 9-2.-379-383-б.

инновацион фаолиятни ривожлантиришда самарали натижа бераётган солиқ имтиёзлари шаклларида солиқ таътиллари, солиқ чегирмалари, солиқ кредити, тадқиқот солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредити ҳисобламоқда. Ўз навбатида 3.1-жадвалда келтирилган инструментларнинг таснифланиши солиқ имтиёзларини имтиёзлаш усуллари бўйича фарқлаш имконини беради.

3.2-жадвал

Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментларининг таснифланиши<sup>161</sup>

	Солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари	Рағбатлантириш объекти	Инновацион фаолият босқичлари
Озод қилинлар	Солиқ таътиллари	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Солиқ ставкасини пасайтириш ёки ноль ставка	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Хорижий манбадан даромадга имтиёзлар	Трансфер технологиялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Алоҳида объектларни солиққа тортишдан чиқариш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион муқофот	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
Чегирмалар	Тадқиқот ва ишланмаларга жорий харажатларни ҳисобдан чиқариш	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион чегирмалар	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Асосий воситалар амортизациясининг махсус режимлари	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Зарарларни келажакка ўтказиш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тезлаштирилган амортизация	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Кўшимча солиқ чегирмалари	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
Кредитлар	Тадқиқот солиқ кредити	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми, хусусий бизнес ва тадқиқот муҳити ўртасидаги ҳамкорлик	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион солиқ кредити	Корхона технологик модернизациясига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тадқиқот фаолиятидаги иш хақи учун солиқ кредити	Инвестициялар ҳажми, инсон капиталига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши

<sup>161</sup> Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности // Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. 2015. Стр. 1-5.



Шунингдек, мазкур таснифда солиқ имтиёзлари инновацион фаолиятнинг аниқ бир босқичида рағбатлантириш объектига уларнинг таъсири тамойили бўйича таснифланади. Албатта, мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам мазкур инструментларнинг айримлари амалда мавжуд, лекин рағбатлантириш объекти қонунчилик билан белгиланмаган. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари инновацион фаолият босқичлари, яъни тадқиқот, жорий қилиниши ва тижоратлаштирилиши каби босқичларидан қатъи назар номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилинади.

Ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бири, бу солиқ кредити ҳисобланади. Солиқ кредити корхоналар фойда солиғининг инновацион фаолиятга қилинган харажатлар фоизи миқдоридан камайтирилади.

Давлат солиқ кредитидан рағбатлантириш дастаги сифатида фойдаланар экан, у нафақат корхоналарнинг инновацион фаолигини рағбатлантиради, балки солиқ кредитини қўллаш оқибатида узоқ муддатда баҳолайдиган инвестор сифатида ҳаракат қилади.

Солиққа тортишни кечиктириш корхоналарда ихтиро ишларини амалга оширишга ва бу учун зарур ускуналарни сотиб олишга маблағлар сарфланаётганда, аммо етарли фойда олмаётганда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилади.

Сингапурда интеллектуал мулк ва илм-сиғимкор тармоқларни ривожлантириш учун қулай тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат инвестицияларга асосланган иқтисодиётдан асосий рақобатдош устунлиги билим ҳисобланган инновацияларга таянган иқтисодиётга ўтмоқда. Биринчи навбатда илм-сиғимкор тармоқларга солиқ имтиёзлари сақланиб қолинган. Янги ва инновацион фаолият турларига нисбатан паст солиқ ставкалари қўлланиладиган қатта устунликлар тақдим этилган.

Шунингдек, Сингапурда ИТТКИлари, интеллектуал мулк ва лицензиялаш харажатларга солиқ чегирмалари кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда Сингапурдаги бизнес учун тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш сарфлари ва моддий харажатлар ҳажмига нисбатан 150 фоиз миқдорда ва бошқа харажатларга 100 фоиз миқдорда солиқ чегирмалари мавжуд<sup>162</sup>.

Сингапур солиқ ислохотларининг устувор вазифалари янги инновацион тармоқлар учун солиқ имтиёзларини сақлаб қолишдир. Шунингдек, мамлакат таянч устунликларга эга бўлган соҳаларда ўсишни таъминлаши керак, бироқ паст солиқ ставкалари, маъмурчилик ва ижрони соддашлатириш учун имтиёзлар тизимини қисқартириш ва рационаллаштиришни таклиф қилувчи бошқа мамлакатлар билан рақобатлашишга мажбур.

АҚШда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришда фискал сиёсатнинг асосий инструментларидан<sup>163</sup>:

а) фойдани солиққа тортиш жараёни доирасида инновацион фаолиятга солиқ чегирмалари;

б) тадқиқот ва тажриба фаолиятига солиқ сийловлари ҳисобланади. Мазкур инструментлардан ташқари АҚШ Солиқ кодексига инновацион фаолиятни рағбатлантиришда тор доирадаги қатор механизмлар мавжуд.

Юқоридаги илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш механизмлардан биринчисига таъриф беришга ўтар эканмиз, таъкидлаш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларда бўлгани каби солиқ солиш базасидан харажатларни чегириш тарзидаги имтиёз энг кенг қўлланиладиган механизмларидан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқот фаолиятга харажатлар асосий воситалар ёки номоддий активлар шаклида келажакда капиталлаштирилиши фақатгина амортизация ажратмалари

<sup>162</sup> The Singapore Tax System – IRAS. <http://www.iras.gov.sg>

<sup>163</sup> Лукин А. Е. К разработке программы долгосрочного социально-экономического развития России. Проблемы перехода к инновационной экономике Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики. Москва.: 2010. N 1 (33).



воситасида қопланиши мумкин. Агар номоддий активлар бўлса, харажатларни қоплаш имконини янада қийинлаштиради, бу активнинг мазкур турини фойдали ишлатилишининг маълум муддатга эга эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун илмий тадқиқот фаолиятига харажатларни дарҳол чегирилиши, бюджет жамғарилиши нуқтаи назаридан, нисбатан қиммат бўлмаган механизми бўлгани ҳолда тадқиқотларни амалга оширишда яхши рағбат ҳисобланади.

Иккинчи солиқлар воситасида рағбатлантиришда кенг қўлланиладиган механизм бу инновацион маҳсулотни яратиш жараёнида жалб этиладиган ва иқтисодий агентларга тақдим этиладиган солиқ чегирмаси ҳисобланади. Умуман олганда, солиқ чегирмаси солиқ солиш базасидан камайтириш тарзидаги солиқ чегирмасидан фарқли ўлароқ, қонун билан рухсат этилган умумий солиқ мажбуриятлардан ижтимоий қўллаб-қувватловчи ёки жамият учун муҳим бўлган маълум харажатларни тўридан-тўғри чегиришни ўзида ифода этади.

Солиқ чегирмаси таркибан учта илмий тадқиқот фаолияти учун алоҳида мўлжалланган:

1. Илмий тадқиқот фаолиятига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the incremental credit»).

2. Сертификатлаштирилган тадқиқот консорциумнинг фундаментал тадқиқотларига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда солиқ тўловчига 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for basic research payments»).

3. Энергетик консорциумга тўловлар доирасида 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for payments to an energy consortium»).

АҚШнинг солиққа оид қонун ҳужжатларида фундаментал илмий тадқиқотларга инвестициялар учун алоҳида солиқ

сийловлари) механизмлари сифатида ҳам ва тор доирадаги солиқ имтиёзларини таргетлаш сифатида ҳам илмий тадқиқот фаолиятини кенг кўламли рағбатлантириш механизмларига эга.

Шунингдек, халқаро амалиётда инновацион корхоналар учун кенг тарқалган имтиёзлардан қўйидагиларни келтириш мумкин<sup>164</sup>:

- фойда солиғи бўйича қўшимча солиқ сийловлари (ҳажм кўрсаткичлари асосида Буюк Британия, Бельгия ва Данияда, мослаштириш (комбинациялаш) асосида Австралия, Австрия ва Венгрияда қўлланилади);

- тадқиқот солиқ кредити (солиқ кредити шаклида - АҚШ, Япония, Мексика ва Жанубий Кореяда, тўлиқ ҳажмда - Италия, Канада, Норвегия ва аралаш шаклида - Франция, Испания, Португалияда қўлланилади);

- асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдаги алоҳида имтиёзлар («эркин» амортизация Ирландия ва Буюк Британияда, тезлаштирилган амортизация Франция ва Германияда);

- инвестицион солиқ кредити - АҚШ, Франция ва Россияда қўлланилади;

- инновацион маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғининг пасайтирилган ставкалари Германия, Буюк Британия, Швеция ва Италияда қўлланилади.

Бундан ташқари, қатор мамлакатларда, мисол учун Голландияда хусусий инновацион фаолиятни тадбиркорларнинг ижтимоий ажратмаларини ҳамда илмий ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий солиқларини камайтириш тарзидаги «тадқиқот солиқ кредити» орқали рағбатлантириш амалга оширилади. АҚШда юқори рискли инновацион маҳсулотларга узоқ муддатли инвестиция қилишга рағбатлантирувчи

<sup>164</sup> Шелюбская Н.В. Политика ЕС по стимулированию инновационной деятельности частного бизнеса // Наука. Инновации. Образование. 2010. № 9. С. 120-130.



қимматли қоғозлар сотувидан олинган даромадлар бўйича махсус солиқ имтиёзлари амал қилади<sup>165</sup>.

Ирландия, Хиндистон, Хитой, Исроил ва Тайван каби мамлакатларнинг инновацион соҳада ўз фаолиятларини амалга оширувчи компанияларга мислсиз солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича тажрибалари бу мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ҳамда қисқа муддатда уларнинг иқтисодиёт тузилмасини юқори технологиялик тармоқларга мўлжалланган иқтисодиётга ўзгартиришга олиб келди<sup>166</sup>.

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан инвесторларга асосан солиқ таътиллари, Ғарбий Европанинг саноати ривожланган мамлакатлари томонидан эса – инвестицион чегирмалар ва тезлаштирилган амортизация шаклидаги солиқ имтиёзлари тақдим этилиб келинмоқда.

Японияда солиқ чегирмалари ва амортизациянинг алоҳида тартиби ўрнатилган бўлиб, асосий воситалар, солиқ солиш базасидан харажатларнинг маълум бир турларига, шунингдек, усқунанинг тезлаштирилган амортизациядан ўтказиш имкониятини истисно қилиш қўлланилган. Бундан ташқари, капиталга нисбатан 100 млн.йендан ортмаган миқдорда тезлаштирилган амортизация меъёрлари билан бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тизими амал қилади.

Хорижий мамлакатларда инвестицион фаолликни ошириш мақсадида кенг қўлланиладиган кейинги солиқ имтиёз тури бу инвестицион солиқ чегирмаси ҳисобланади. Бу тадбиркорларни усқуналар паркинни кенгайтириш ёки эскирган усқуналарни қайта жиҳозлашга инвестиция қилиш учун рағбатлантиришга мўлжалланган. АҚШда ушбу имтиёз жорий қилинган вақтдаги энг юқори ставкаси камида 8 йил хизмат муддати бўлган ҳолда машина ва усқуналарга инвестиция қилинган маблағларнинг умумий қийматидан 7 фоизни, энг паст ставкаси эса активлар

учун фойдаланиш муддати 4-6 йил бўлгани ҳолда 2,33 фоизни ташкил этган.

Инвестицион солиқ чегирмаси корхонанинг солиқ солиш базасидан маълум бир инвестицион харажат турларини истисно этиш йўли билан ушбу харажат ёки солиқ суммасига нисбатан фоизларда солиқ юқини пасайтирилиши таъминланади. Аксарият мамлакатларда мазкур имтиёз ҳуқуқи янги техника фойдаланиши биланоқ автоматик тарзда юзага келиши қонунчилик билан мустаҳкамланган.

Ушбу имтиёзнинг эътиборли жиҳати шундаки, тегишли солиқ даврида солиққа тортиладиган фойдадан чегириладиган сумма мазкур фойдадан кам миқдорда бўлган тақдирда сийловга ҳуқуқи сақланадиган даврни аниқлаш ҳисобланади. Бунда Бельгия қонунчилиги энг либерал ҳисобланади, чунки бу давр чегараланмаган.

Шунингдек, Европа Иттифоқи аъзолари – мамлакатларида ҳам фойда солиғи бўйича тезлаштирилган амортизация, инвестицион солиқ чегирмаси ва инвестицион солиқ кредити каби имтиёзлардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

### 3.3-жадвал

#### Европа Иттифоқи аъзолари – мамлакатларида фойда солиғи бўйича фойдаланилаётган имтиёзлар<sup>167</sup>

Мамлакат	Тезлаштирилган амортизация	Инвестицион солиқ чегирмаси	Инвестицион солиқ кредити
Австрия	+	-	-
Бельгия	+	-	-
Буюк Британия	+	+	-
Греция	+	-	-
Дания	+	+	-
Италия	+	+	-
Испания	+	+	+
Люксембург	+	-	+
Голландия	+	+	-
Германия	+	-	-
Франция	+	-	+
Швеция	+	-	-

<sup>165</sup> Иванова Н.И. Налоговое стимулирование инновационных процессов М.: ИМЭМО РАН, 2009. 160 с.

<sup>166</sup> Калачева О.С. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в РФ на современном этапе. Юбилейный выпуск журнала «Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса». 2016. № 4 (37) стр. 157-159.

<sup>167</sup> Калашников А. Налоговое стимулирование инвестиционной деятельности: возможности совершенствования / Налогообложение. № 47. (350) 2013. -57-61 б.



## Фойда солиғи ставкалари

Корхоналар фойда солиғининг асосий ставкаси	12%
Корхоналар фойда солиғининг имтиёзли ставкалари	
Корхоналар тоифаси	Фойда солиғи ставкаси
Янги ва юқори технологик корхоналар	9 %
Дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар	8 %
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	8 %
Чизик кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемалар ишлаб чиқарувчилар	9 %
Илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар	9 %
Инновацион корхоналар	9 %
Кичик инновацион корхоналар	8 %

Бундан ташқари, кўплаб мамлакатларнинг инвестиция сиёсатида корхоналарнинг маълум бир инвестицион фаолият турини амалга ошириш ва кейинчалик солиқ солишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қайта реинвестиция қилиш ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга мўлжалланадиган ва қўлланиладиган солиқ имтиёзи туридан инвестицион солиқ кредити ҳисобланади.

Масалан, Францияда фойда солиғи суммаси ҳисобкитобидан бевосита чегирилиб, солиқ тўловлари камайтирилиши ҳисобига корхонанинг янги инвестицияларининг муайян бир қисмини молиялаштиришга имкон берадиган инвестицион солиқ кредити қўлланилиб келинади.

Мамлакатимиз корхоналарининг инновацион фаоллигини оширишда Хитойнинг илғор тажрибасидан фойдаланишимиз мумкин. Хусусан, Хитойда корхоналарнинг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришда кенг тарқалган инструментлардан фойда солиғининг имтиёзли ставкалари ҳисобланади<sup>168</sup>. Яъни, корхоналарнинг инновацион фаолияти турларидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи ставкаларининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш таклиф қилинади.

Мазкур 3.4-жадвалда келтирилган инновацион фаолият турлари ва инновацион корхоналарга фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш ўрнига 10, 9 ва 8 фоиз қилиб белгиланиши бир томондан бюджетда имтиёз ҳисобига ортиқча йўқотишлар олди олинса, бошқа томондан корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишда ва инновацион жараёнларни фаоллаштиришга олиб келади.

Бундан ташқари, Хитойда инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари ҳам тақдим этилади (3.5-жадвал). Мазкур солиқ имтиёзларига талабгорлар асосан икки тоифадаги солиқ тўловчилар бўлиши керак: янги ва юқори технологик корхоналар ҳамда илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар.

## 3.5-жадвал

Инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари<sup>169</sup>

Солиқ таътиллари тақдим этилувчи корхоналар	Солиқ таътилларининг муддати ва даври
Янги ва юқори технологик корхоналар	5 (2+3)
Дастурий маҳсул ишлаб чиқарувчи корхоналар	5 (2+3)
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Чизик кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемаларни ишлаб чиқарувчилар	10 (2+3)
Муқобил энергетика учун ускуна ва технология ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Энергия тежовчи ва табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар	6 (3+3)
Кичик бизнеснинг инновацион корхоналари	5 (2+3)

Мазкур мақомни нафақат мамлакатимиз корхоналари, балки чет эл корхоналари ҳам олишлари мумкин. Бироқ, мазкур

<sup>168</sup> People's Republic of China: Tax on Corporate Income. PWC. June. 2017. P. 5-9.

<sup>169</sup> Клавдиенко В. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае. // Общество и экономика. / Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова. № 7. 2018. стр. 39-50.



мақомни олувчи ташкилот-изланувчи нафақат тадқиқот ва инновацион фаолиятини амалга ошириш керак, балки қатор махсус талабларга мувофиқ бўлиши керак. Масалан янги ва юқори технологик корхоналар тоифаси учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- бир йилдан кам бўлмаган муддатда мамлакат резиденти бўлиши керак;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) учун асосий технологияларга интеллектуал мулк ҳуқуқига эга бўлиши керак;

- корxonанинг ИТТКИларига ва инновацион фаолиятга харажатлари умумий харажатлар ҳажмида камида 10 фоизни ташкил этиши керак;

- инновацион фаолиятга харажатлар корxonанинг жами йиллик даромадининг (фойда) камида 6 фоизини ташкил этиши керак;

- корxonанинг умумий ишчилари сонидан илмий-техник ходимлар улуши камида 30 фоизни ташкил этиши керак;

- корxonанинг умумий ишчилари сонидан тўғридан-тўғри инновацион фаолият билан банд бўлган дипломи мутахассислари улуши камида 10 фоизни ташкил этиши керак;

- корxonанинг тадқиқотлар ва инновацияларга харажатлари йиғиндисининг камида 60 фоизи мамлакатда амалга оширилиши керак;

- корxonанинг янги ва юқори технологик маҳсулотлар (хизматлар) реализациясидан олинган фойда улуши умумий фойдасида камида 60 фоизни ташкил этиши керак.

Илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхона мақомига эга бўлишнинг зарурий шарти, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қуйидаги устувор соҳалардан бирига киритилиши керак:

- электрон ахборот коммуникация технологиялари;

- биологик ва фармацевтик технологиялари;

- аэрокосмик ва авиация технологиялари;

- янги материаллар ишлаб чиқариш;

- юқори технологик саноат хизматлари;

- янги энергетика ва энергия тежовчи технологиялар;

- атроф муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилувчи технологиялар;

- саноат ва аграр секторнинг одатий тармоқларини модернизацияси учун янги ва юқори технологиялар.

Шунингдек, Хитой тажрибасига таянган ҳолда инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг самарали йўллари яна бири бу ИТТКИларига харажатлари бўйича юқори солиқ чегирмалари. Юқори солиқ чегирмалари солиққа тортиладиган даромаддан 1,5 баробар (150%) ошган ИТТКИларига харажатларига камайтирилади<sup>170</sup>.

Юқори солиқ чегирмасини ҳам Ўзбекистон мисолида қўллаш имконияти мавжуд, масалан, инновацион фаолиятга қилинган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш тарзида амалга ошириш мумкин. Фақат бу чегириш натижага йўналтирилган ва инновацион фаолияти харажатлари таркиби аниқ белгиланган тақдирда ўз самарасини беради.

Таъкидлаш жоизки, Хитойда инновацион бизнес учун солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кенгайтирилиши давлатнинг бюджет тизимига солиқ тушумлари камайишига олиб келмади. Аксинча, солиқ юкини пасайтирилиши хуфёна иқтисодиёт соясидан чиқишга имкон берди, бу эса корхоналар фойда солиғи бўйича тушумлар 2006-2016 йилларда 3,5 баробардан зиёдга ўсишига олиб келган<sup>171</sup>.

Россияда инновацион корхоналар учун солиқ имтиёзларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ имтиёзлар инновацион фаолият билан шуғулланувчи барча солиқ тўловчилар томонидан қўлланиладиган имтиёзлар ҳисобланади. Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса фақатгина алоҳида

<sup>170</sup> Securing of Global Investment and Innovation Incentives. China. Deloitte. UK. October. 2017. P. 36-39.

<sup>171</sup> China Statistical Yearbook. National Bureau of Statistics of China. 2016.



иқтисодий ҳудудларнинг резидентлари ҳисобланадиган ташкилотлар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳисобланади. Инновацион фаолиятни амалга оширувчи барча ташкилотларда қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг стандарт пакетини кўриб чиқамиз<sup>172</sup>:

1. ИТТКИларни амалга оширишда ҚҚСдан озод этиш;
2. Интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқларни сотганда ҚҚСдан озод этиш;
3. ИТТКИларга харажатларни соддалаштирилган ҳисоби;
4. Электрон ҳисоблаш техникасини сотиб олишга харажатларни ягона вақтдаги ҳисоби;
5. Илмий техник фаолиятда фойдаланиладиган асосий воситалар амортизациясининг тезлаштирилган тартиби. Ташкилотлар томонидан асосий воситалар амортизациясида учдан катта бўлмаган махсус коэффициентни қўллашлари мумкин;
6. Мақсадли молиялаштириш маблағларидан фойда солиғини озод қилиш;
7. Махсус дастурлар доирасида амалга оширадиган кичик ва ўрта бизнес субъектлари оладиган субсидиялар ҳисобининг тартиби;
8. Инвестицион солиқ кредити. Қайта молиялаштириш ставкаси бўйича  $\frac{3}{4}$  миқдоригача беш йилгача фойда солиғи тўлови муддатини кечиктириш;
9. ИТТКИларга харажатлар захирасини яратиш. Захира икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ва реализациядан даромадларни 3 фоиздан ортмаган ҳолда яратилади;
10. Энергияси самарадор бўлган асосий воситалар бўйича мулк солиғининг тўлови бўйича имтиёз. Фойдаланишга топширилган вақтдан бошлаб уч йилгача солиқни тўлаш кечиктирилади;

<sup>172</sup> Калачева О.С. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в РФ на современном этапе. Business. Education. Law. Bulletin of Volgograd business institute, 2016, november № 4 (37). Subscription indices - 38683, P8683. стр. 157-159.

11. Таълим ва тиббиёт ташкилотлари учун фойда солиғи бўйича ноль ставка;

12. Суғурта бадалларининг пасайтирилган тарифлари;

13. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш ҳуқуқига эга ташкилотлар рўйхати.

Мазкур солиқ имтиёзларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш мақсадида аввало уларнинг моҳиятига қисқача тўталиб ўтамиз. Солиқ кредити – бу маълум бир асослар бўлгандагина солиқ тўловчи томонидан бир йўла ёки қарздорлик суммасини босқичма-босқич тўлаш шарти билан солиқларнинг тўлов муддатини муайян муддатга ўзгартириш тушунилади<sup>173</sup>.

Белорусияда солиқ кредити бир ёки бир нечта солиқ ва йиғимларнинг (божлар) суммасига нисбатан тўлиқ ёки қисман тақдим этилади. Солиқ кредити иқтисодий ночор хавфи юзага келган тақдирда солиқ ва йиғимлар (божлар) ягона вақтда тўланиши шарти билан бир йилдан уч йилга қадар, агар товарларнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши мавсумий бўлган тақдирда бир ойдан бир йилга қадар тақдим этилади. Беларусияда солиқ кредитининг фоизи Беларусия Республикаси Миллий банкининг ушбу тақдим этилган кредитдан фойдаланган ҳар бир давр учун солиқлар ва йиғимларни қоплашда тўлов кунига амал қилувчи қайта молиялаштириш ставкасининг  $\frac{1}{360}$  га тенг бўлган  $\frac{1}{2}$  фоиз ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши белгиланган<sup>174</sup>.

<sup>173</sup> Меркулов М.М. Инвестиционный налоговый кредит: а стоит ли браться? Научная статья. Юридический департамент ЗАО "МҚД". 2017. Стр.1-10.

<sup>174</sup> Беларусия Республикаси Солиқ кодексининг 48-3-моддаси 4-банди. www.norma.uz



Солиқ кредитини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш  
жараёнини бир корхона мисолидаги кўриниши<sup>175</sup>

Кўрсаткичлар (ягона вақтда)		Миқдор					
Ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган фойда солиғи		10 000,0 минг сўм					
Солиқ кредитининг муддати		12 ой					
Солиқ кредити бўйича фоиз ставкаси (қайта молиялаштириш ставкасининг ½ кам бўлмаган ҳолда 1/360 тенг миқдорда, яъни $16 \cdot 0,5\% = 8/360$ )		0,02% кунига					
Кредит суммасига ҳисобланган фоиз ((10 000,0 * 0,02%) * 365)		730,0 минг сўм					
Ҳисобот даврида қайтариладиган жами кредит суммаси (10 000,0 + 730,0)		10 730,0 минг сўм					
Кредитни қайтариш графиги							
Кредит миқдори	Кредит фоизи	Ойлар					
		1	2	3	4	5	6...
10 000,0	0,02% кунига	1727,5	1727,5	1727,5	1727,5	1727,5	1727,5

Ўз навбатида, солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредитининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни куйидаги 3.7-жадвал ёрдамида амалга оширар эканмиз, фақатгина қарз олувчининг мақоми ва қарз олувчиларга бўлган умумий талабларда ўхшашликларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, кредитларга ҳисобланадиган фоизлар қайта молиялаштириш ставкасига асосан амалга оширилиши ҳам ўхшаш жиҳатлари деб эътироф этилса муболаға бўлмайди. Тақдим этиш муддати, кредит миқдори, кредит тақдим этиладиган солиқ турлари, кредиторнинг мақоми, кафиллик, қайтариш тартибида солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредитининг энг асосий фарқли жиҳатлари намоён бўлади. Мазкур кредитларнинг яна бир асосий фарқли жиҳатларидан бири қандай ҳолларда тақдим этилишидир. Солиқ кредити корхоналарга, асосан ночор аҳволга келиб қолганда ва молиявий қийинчиликлар юзага келганда тақдим этилса, инвестицион солиқ кредити йўналтирилган инвестиция ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилади.

<sup>175</sup> Муаллифнинг шартли мисоли.

Солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредитининг ўхшаш  
ҳамда фарқли жиҳатларининг қиёсий таҳлили<sup>176</sup>

Мезонлар	Солиқ кредити	Инвестицион солиқ кредити
	1 ойдан 6 ойгача	1 йилдан 5 йилгача
Тақдим этиш муддати	Алоҳида ҳолларда 1 йилдан 3 йилгача	Алоҳида ҳолларда 10 йилгача
Кредит миқдори	Вақтинча тўлашга имконияти бўлмаган ҳисобланган солиқ суммаси	30 % дан 100 % гача ишлар қиймати (мулк)
Кредит фоиз ставкаси	кунига 0,02% (МБ ҚМС - 1/2, 1/360)	йилига 8% дан 16% гача (МБ ҚМС)
Кредит тақдим этиладиган солиқ турлари	Барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	Фойда солиғи, маҳаллий солиқлар
Кредиторнинг мақоми	Худудий давлат солиқ хизмати органлари	Маҳаллий давлат ҳокимияти, худудий давлат солиқ хизмати ва молия органлари билан биргаликда
Қарз олувчининг мақоми	Солиқ тўловчи	Солиқ тўловчи
Кафиллик	Ҳа	Йўқ
Қайтариш тартиби	Ягона вақтда ёки босқичма-босқич	Босқичма-босқич
Олувчиларга умумий талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича жиноий ва маъмурий ишлар қўзғатилмаганлиги;</li> <li>- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарадорликлар мавжуд эмаслиги;</li> <li>- кредит олишга асос мавжуд бўлиши</li> </ul>	

Инвестицион солиқ кредити – бу солиқнинг тўлов муддатини шундай ўзгартиришки, бунда ташкилот муайян асослари мавжуд бўлган тақдирда, маълум бир муддат ва меъёрларда ўзларининг солиқ бўйича тўловларини кейинчалик босқичма-босқич кредит ва ҳисобланган фоиз суммаларини тўлаб бериш шarti билан камайтиришдир<sup>177</sup>.

Инвестицион солиқ кредити корхоналарга фойда солиғи ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича 1 йилдан 5 йилга қадар, алоҳида ҳолларда эса 10 йилга қадар тақдим этилади. Инвестицион солиқ кредити юзасидан тегишли шартнома

<sup>176</sup> Ҳориж тажрибаси манбалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>177</sup> Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 66-моддаси 1-банди. www.norma.uz - Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси.



корхонанинг аризаси асосида ваколатли давлат органи томонидан тузилади<sup>178</sup>.

Шартномада аниқ муддат, муайян шартлар ва тўлов муддати узайтириладиган солиқ турлари белгиланади. Инвестицион солиқ кредитини олган корхона шартномада назарда тутилган муддат мобайнида ҳар бир ҳисобот даврида тегишли ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида камайтиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Йиғилган солиқ суммаси шартномада назарда тутилган инвестицион солиқ кредити суммасига тенг бўлгунга қадар камайтиришлар амалга оширилиб келинади<sup>179</sup>. Камайтиришларнинг аниқ тартиби тузилган тегишли шартномада белгиланади (1-иловага қаранг).

Инвестицион солиқ кредити бюджетга ўтказилиши керак бўлган солиқ тури бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ бўйича тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси ташкилотнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Инвестицион солиқ кредити қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ва қуйидаги тартибда тақдим этилади<sup>180</sup>:

1) ташкилот томонидан илмий тадқиқот ёки тажриба конструкторлик ёхуд ўз ишлаб чиқаришини қайта техник жиҳозлаш ишларини, шу жумладан ногиронлар учун янги иш ўринларини ташкил этишни ва (ёки) товарлар ишлаб чиқаришни, ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни энергетик самарадорликни ошириш ёки атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган тақдирда, фақатгина ушбу келтирилган мақсадларда

фойдаланиш учун сотиб олинган ускуналарни 100 фоиз нархининг суммасига;

2) ташкилот томонидан инновацион фаолиятни ишлаб чиқаришга жорий қилган, шу жумладан янги технологияларни яратган ёки қўлланилаётганини такомиллаштирган, хомашё ёки материалларнинг янги турларини яратган тақдирда манфаатдор ташкилот билан ваколатли орган ўртасидаги битимда белгиланган суммасига;

3) ташкилот томонидан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўта муҳим буюртмасини ёки аҳолига ўта муҳим хизматлари бажарилган тақдирда манфаатдор ташкилот билан ваколатли орган ўртасидаги битимда белгиланган суммасига;

4) ташкилот томонидан давлат мудрофааси бўйича буюртмаси бажарилган тақдирда манфаатдор ташкилот билан ваколатли орган ўртасидаги битимда белгиланган суммасига;

5) ташкилот ҳукумат томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ 57 фоиздан юқори фойдали коэффициентга эга электр энергия ва иссиқлик энергия ишлаб чиқариш объектларга ва қайта энергия тикловчи манбаларга тегишли энг юқори энергетик сифат самарадорлигига эга объектлар барпо этиш, шу жумладан кўп қаватли уйлар ва (ёки) юқори энергетик самарадорликка эга бошқа объектлар, технологиялар учун инвестицияларни амалга оширган тақдирда фақатгина ушбу келтирилган мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олинган ускуналарни 100 фоиз нархининг суммасига;

6) ташкилот алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудудий ривожлантириш зона резидентлари реестрига киритилган тақдирда ҳудудий ривожлантириш зона резидентлари томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва фойдаланилган амортизация қилинадиган мулкни сотиб олиш, барпо этиш, ускунага қадар, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун капитал

<sup>178</sup> Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 66-моддаси 1-банди. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

<sup>179</sup> Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 66-моддаси 2-банди 2-хатбоши. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

<sup>180</sup> Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 67-моддаси 1, 2-бандлари. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)



қўйилмаларга харажатлар суммасининг 100 фоизгача бўлган суммасига.

Инвестицион солиқ кредитининг фоиз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасининг  $\frac{1}{2}$  фоиз ставкасидан кам бўлмаган ва  $\frac{3}{4}$  фоиз ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган<sup>181</sup>.

Инвестицион солиқ кредитини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш жараёнини бир корхона мисолида кўриб чиқамиз (3.8-жадвал). Масалан, «Синов» хусусий корхонаси инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш режасини тасдиқлаб, шу мақсадда ускуна сотиб олди. Мазкур ҳолат уни бюджетнинг тегишли даромад қисмида ҳисобга олинadиган фойда солиғи бўйича инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш юзасидан молия органларига ариза билан мурожаат қилишга ундади. Худудий молия идораси томонидан ижобий қарор қабул қилиниб, 2017 йил 1 январдан икки йилга 100,0 млн.сўмга инвестицион солиқ кредити тақдим этилиши ҳақида жамият билан тегишли шартнома тузилади.

### 3.8-жадвал

Инвестицион солиқ кредитини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш жараёни<sup>182</sup>

Кўрсаткичлар	Миқдор
Инвестицион солиқ кредити суммаси	100 000,0 минг сўм
Инвестицион солиқ кредитининг муддати	24 ой
Ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган фойда солиғи	8 333,4 минг сўм
Инвестицион солиқ кредитининг жами суммасига тенг бўлгунга қадар ҳар бир ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича камайтириб бориладиган сумма (ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммасининг 50 фоиздан ошмаган ҳолда, яъни $8333,4 \cdot 50\%$ )	4 166,7 минг сўм
Инвестицион солиқ кредити бўйича фоиз ставкаси (қайта молиялаштириш ставкасининг $\frac{1}{2}$ миқдори, яъни $9 \cdot 0,5\%$ )	4,5% йилга
Кредити суммасига ҳисобланган фоиз $(100\,000,0 \cdot 4,5\%) = 9000,0/24$	187,5 минг сўм
Кредит суммаси жамғарилгандан сўнг ҳар бир ҳисобот даврида қайтарилган жами кредит суммаси $(4166,7 + 187,5)$	4 354,2 минг сўм

Кредит фойда солиғи бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида мазкур солиқ тури бўйича умумбелгиланган тартибда аниқланган тегишли тўловлар суммасини 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси жамиятнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоиздан ошмаслиги керак. Жамият томонидан фойда солиғи бўйича тўловларини тегишли шартномада назарда тутилган, у томонидан тўланмаган (кредитнинг жамғарилган суммаси) суммаси, ушбу кредит суммасига тенг бўлгунга қадар ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чоракда) камайтириб борилади.

Агар кредитнинг жамғарилган суммаси рухсат этилган меъёрдан ошса, мазкур сумма билан рухсат этилган меъёр суммаси ўртасидаги фарқ кейинги ҳисобот даврига ўтказилади. Агар бутун солиқ даврида ёки солиқ даври ичидаги алоҳида ҳисобот даври натижалари бўйича жамият зарар кўрган бўлса, солиқ даври якунида ортиқча жамғарилган кредит суммаси кейинги солиқ даврига ўтказилади ва янги солиқ давридаги биринчи ҳисобот даврида жамғарилган кредит суммаси деб тан олинади.

Жамият ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чоракда) кейинги ҳисобот давридаги ойнинг биринчи беш куни мобайнида, солиқ идораларида ҳисобга олиш учун тақдим этиладиган, маблағлар жамғарилиши ва фоизлар ҳисобланиши бўйича солиқ идораси билан баённомалар расмийлаштиради.

Кредитнинг жамғариладиган маблағлари солиқ идорасидаги жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттирилади. Кредит фоизлари кредит тақдим этилган кундан бошлаб унинг тўлиқ қопланишига қадар солиқ идораси томонидан жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттирилган ҳолда ҳисобланади.

<sup>181</sup> Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 67-моддаси 6-банди 3-хатбоши. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

<sup>182</sup> Муаллифнинг шартли мисоли.



Кредитни қайтарилиши жамият томонидан ҳар бир ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича қилинган камайтиришлар суммаси, ушбу кредит суммасига тенг бўлгандан сўнг тегишли график асосида ҳар ойда (ҳар чоракда) икки йил ичида амалга оширилади.

Маблағларни қайтариш графиги шартнома тузилгунга қадар тегишли молия идораси билан келишилади ва зарур ҳолларда кредит суммаси тўлиқ жамғарилгандан сўнг аниқлик киритилиши мумкин. Фоишлар кредит тўлиқ олингандан сўнг жамият томонидан ҳар ойда келишилган тегишли график асосида тўланади (2-иловага қаранг).

### 3.2. Инновацион-инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўллари

Олиб борилган изланишларимиз давомида корхоналар инновацион ва инвестицион фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантиришга мўлжалланган солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи қатор омиллар мавжудлиги маълум бўлди (3.1-расм).

- 1 • Солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларида ноаниқликлар мавжудлиги
- 2 • Солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартиби солиқ солишнинг адолатлилиқ принципига номувофиқлиги
- 3 • Солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг амалдаги тартиби солиқ солишнинг аниқлилиқ ва ошкоралиқ принципларига номувофиқлиги
- 4 • Солиқ имтиёзлари аниқ мақсадлар ва шартлар асосида тақдим этилмаслиги
- 5 • Солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг (омилли таҳлил асосида) қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги
- 6 • Корхоналарда солиқ менежментини талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги
- 7 • Халқаро амалиётда синалган солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг замонавий шакллари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги

3.1-расм. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омиллар<sup>183</sup>

Хусусан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ваколатига эга органлар ва улар белгиланадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ноаниқлиги, имтиёзлар индивидуал тарзда ва “махфий” гриф остида тақдим этилиши, имтиёзлар аниқ шартлар асосида тақдим этилмаслиги ва натижага йўналтирилган ҳолда қайтариб олинмаслиги, имтиёзлар натижасини баҳолаш ва

<sup>183</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



мониторинг қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги, корхоналарда молиявий фаолиятни оқилона режалаштирилмаганлиги, хусусан, солиқ рисклари етарли инobatга олинмаганлиги, тўла қувват билан ишласлик, ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаб етарли даражада ўрганилмаганлиги, товарлар рақобатбардошлигини ошириш юзасидан чоралар кўрилмаганлиги ва уларнинг сифатидаги камчиликлар каби омиллар солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омиллар ҳисобланади.

Солиқ имтиёзларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосини мувофиқлиги, аниқлиги ва ошкоралигини таъминлаш инновацион ва инвестицион фаолиятни тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштиришнинг асосий йўллари билан бири ҳисобланади. Бунда, солиқ имтиёзларини тақдим этиш ҳамда қўллаш мезонларини белгилашда солиққа тортишнинг жаҳонда тан олинган фундаментал тамойилларига таяниш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, солиқ имтиёзларини жорий этишда қуйидаги умумэътироф этилган тамойилларига таяниш зарур деб ҳисоблаймиз:

**Солиқ имтиёзларининг қонуний белгиланиши.** Солиқ имтиёзининг мазкур тамойили юқорида таъкидланганидек, солиққа оид қонун ҳужжатлари билан белгиланади ва бекор қилинади.

**Якка тартибда (индивидуал) белгиланишига йўл қўйилмаслиги.** Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

**Камситиш хусусиятда белгиланишига йўл қўйилмаслиги.** Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

**Ихтиёрий қўлланилиши.** Солиқ тўловчилар солиққа оид қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловлар бўйича имтиёзлардан эркин танлов асосида ихтиёрий фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**Бошқа солиқ тўловчиларга юк бўлмаслиги.** Бир солиқ тўловчига тақдим этилган солиқ имтиёзлари бошқа солиқ тўловчига имкон қадар юк бўлмаслиги керак.

**Бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан устунлик берилиши.** Солиққа оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда ёхуд кечроқ тўлаш имкониятини яратилишини ифода этади.



3.2-расм. Солиқ имтиёзларининг тамойиллари<sup>184</sup>

Фикримизча, инновацион ва инвестицион фаолият учун тақдим этиладиган солиқ имтиёзларини қуйидаги тамойиллар асосида оптималлаштириш керак деб ҳисоблаймиз:

солиқ имтиёзларининг мулкый мавқе ёки айрим манфаатдор гуруҳлар субъектив баҳоларига боғлиқ ҳолда танланишига йўл қўйилмаслик;

давлат, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслик;

<sup>184</sup> Майбуrow И.А. и др. Налоги и налоогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015.- 487 с.



ноиктисодий тарзда мажбур қилиш, мажбурийлик ва маъмурий-буйруқбозликнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

маҳаллий даражадаги солиқ имтиёзларининг олий қонунчилик ҳокимияти томонидан белгиланган доирада бўлиши;

энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган корхоналарга имтиёзлар бериш;

инновацион-инвестицион солиқ имтиёзларининг умумдавлат аҳамиятига эга бўлган инвестицион дастурлар бажарилишини таъминлайдиган самарали ишловчи солиқ тўловчиларга берилиши.

Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришни кучайтириш учун аввало инновацион фаолият тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарур. Бунда, инновацион жараёнларга доир «инновация», «инновацион фаолият», «инновацион маҳсулот», «инновацион корхона», «венчур жамғармаси», «инновацион технологиялар», «инновацион инфратузилма», «инновацион риск», «инновацион лойиҳа», «инновацион дастур», «инновацион марказ», «технопарк», «технопарк резиденти», инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштирилиши ва инновацион фаолиятга қилинган харажатлар таркиби каби асосий тушунчалар ва уларнинг мезонлари аниқланади. Солиқ рағбатларини қўллашда рағбатлантириш объекти аниқ бўлиши натижасида инновацион фаолиятни солиқлар воситасида аниқ ва самарали рағбатлантиришга эришилади. Бундан ташқари, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга қилинадиган харажатлар таркиби Солиқ кодексига киритилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг (01.01.2020 йил ҳолатига) 179-моддаси 18-бандида халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган органнинг хулосаси бўлса, Республиканинг илмий-техника

ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахснинг грант берувчидан олган гранти суммасига жисмоний шахслар даромад солиғи солинмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ-1631-сонли (ПҚ-3674 узайтирилган) қарорида Буюк Британиянинг Кембридж университети иштирокида Тошкент шаҳрида Юқори технологиялар марказининг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2602-сонли қарорида Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказининг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолият доирасида олинган даромадлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилган.

Солиқ солишнинг адолатлилик тамойилидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тадқиқот натижаларини сифат жиҳатидан яхшиланиши ва амалиётга жорий қилинишининг жадаллашишини ошириш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган грант лойиҳаларда илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадлари илмий тадқиқот натижаларидан (жорий қилинганлигидан) келиб чиққан ҳолда ЖШДСдан озод қилиниши бўйича қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.



### 3.9-жадвал

#### Илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадлари ЖШДСдан озод қилиниши таҳлили<sup>185</sup>

ИТТКИларни бажарган тадқиқотчи-мутахассислар	01.01.2019			Натижаларни жорий қилинган тадқиқотчи-мутахассислар сони	Ўртача умумий иш ҳақи (млн.сўм)	Жами иш ҳақидан даромад солиғи (млн.сўм)
	Шу жумладан	Иш ҳақи (ВМҚ-233) (млн.сўм)	Жорий қилинган натижалар			
Фан доктори DSc	2242	4,4	ўртача 1	957	4210,8	505,3
Фан номзоди PhD	8200	3,2	ўртача 2	3494	11180,8	1341,7
Илмий даражага эга бўлмаганлар	21524	2,7	ўртача 4	9171	24761,7	2971,4
<b>ЖАМИ</b>	<b>31966</b>	<b>10,3</b>	<b>1946</b>	<b>13622</b>	<b>40153,3</b>	<b>4818,4</b>

3.9-жадвалдаги ҳисоб-китобларимиз кўрсатишича, илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган резидент иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадлари илмий тадқиқот натижаларини жорий қилинганлигидан келиб чиққан ҳолда ЖШДСдан озод қилиниши давлат бюджетида 4818,4 млн.сўм йўқотишга олиб келиши мумкин. Бироқ, бу илмий тадқиқот фаолиятига бир йил давомида сарфланадиган давлат бюджети харажатларининг ўртача 1,8 фоизини ташкил этади. Зеро, J.Bernstein ва I.Nadiriларнинг эконометрик ҳисоб-китоблари натижаларига кўра, тадқиқот ва ишланмаларга киритилган инвестициялар ҳажмининг 1 фоизга ўсиши ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотларнинг ўзгарувчан харажатлар бирлигининг 0,07 дан 0,24 фоизга пасайишига олиб келиши илмий асосланган.

Тадқиқот ишимизнинг 2.2 ва 2.3 параграфларида амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, солиқ имтиёзларининг корхоналар инновацион ва инвестицион фаолиятига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда. Буни асосий сабабларидан бири солиқ

имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Яъни, имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати ва ҳажмини ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди. Шунинг учун инновацион-инвестицион фаолият учун номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзлари муайян муддатга ва қуйидаги аниқ шартлар асосида тақдим этилиши таклиф қилинади:

- юридик шахс фойдасининг ўсиши;
- таннархнинг камайиши;
- янги иш ўринлари ташкил этилиши;
- меҳнат унумдорлигини ўсиши;
- ишлаб чиқариш қувватларини таъминланиши;
- ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши;
- энергияни тежалиши;
- экспорт ҳажмини ўсиши;
- импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши;
- энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиши.

Мисол учун корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзи суммасини ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатининг 50 фоизигача ялпи тушум, ялпи фойда, соф фойда, солиқ тушумларида ўсишга эришиш шarti белгиланиши таклиф қилинади.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шarti сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили яқунларига кўра 2 йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиши, мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг аввал тақдим этилган имтиёзлари бекор қилиниши таклиф қилинади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда инновацион – инвестицион фаолият учун тақдим этиладиган солиқ

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайтларидаги маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги "Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 233-сонли қарори асосида муаллифнинг таҳлили.




имтиёзлари фақат аниқ шартлар асосида, яъни солиқ кредити каби берилиши, қўйилган шартлар бўйича ижобий натижаларга эришилгач, шартли солиқ кредити сўндирилган деб ҳисобланиши, акс ҳолда имтиёз берилган давр тугагач солиқ кредитининг натижадан ортиқча қисми ҳисобланган пенялари билан бюджетга қайтарилиши самаралироқ бўлади.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсишга таъсири масаласи давлат ва алоҳида ташкилотларга муаммолигича қолмоқда. Шу сабабли, инновацион-инвестицион ривожланишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги, шунингдек, мазкур солиқ имтиёзлари ХЮСларнинг солиқ юкига таъсири даражасини баҳолаш, рағбатларни даромадлар даражасига таъсир этишини аниқлашга имкон берувчи баҳолаш мезонлари тизимини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш лозим.

Солиқ имтиёзларини қўллаш кўламининг ўсиши, уларнинг самарадорлиги муаммосига эътиборни қаратишни талаб этади. Зеро, солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини тўхтатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу муаммо ҳал қилиниши учун етарли даражада мураккаб ҳисобланади. Мураккаблиги шундаки, биринчидан, аксарият ҳолларда зарур статистик маълумотлар етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, турли иқтисодий шароитларда корхоналар инвестицион ҳолатининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Шунинг учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари натижаларини фискал ва иқтисодий мониторингдан ўтказиш механизмини ишлаб чиққан ҳолда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамлаш зарур. Бунда, солиқ имтиёзлари корхоналарнинг молиявий натижалари ҳисобланган ялпи тушум, ялпи фойда, соф фойда, иш ҳақи фонди, ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи, ишчилар сони, экспорт ҳажмини ўсиши каби эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, яъни «имтиёзлар

- инвестиция - натижалар» ёки «имтиёзлар - инновация - натижалар» тамойилида тақдим этилиши солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширади.



3.3-расм. Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг объектив зарурлиги<sup>186</sup>

Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг амалда татбиқ этилиши солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижалар аниқлигини таъминлаш, солиқ имтиёзлари ҳисобига бюджетдаги йўқотишларни прогнозлаш, солиқ имтиёзлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, самарасиз солиқ имтиёзларини аниқлаш ва бекор қилишда ҳамда солиқ имтиёзлари фойдаланувчиларининг масъулиятини оширишда сезиларли натижаларга эришилади.

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари натижаларини дастлабки мониторингдан ўтказиш ҳудудий ДСХ органларининг камерал назорати масъул ходимлари томонидан имтиёзга эга корхоналарнинг солиқ ҳисоботларида акс эттирилган молиявий натижалари асосида йил якунлари билан амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

<sup>186</sup> Муаллиф томонидан изланишлар асосида тузилган.



Хорижлик иқтисодчи олимлардан О.Мандрощенко<sup>187</sup>, О.Савина ва Ю.Малкова<sup>188</sup>, О.Liakhovets, Т.Иванова, Н.Климова, Г.Кутергина, Е.Мингазинова<sup>189</sup>, С.Головань<sup>190</sup>, А.Окунь<sup>191</sup> ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.Ашурова<sup>192</sup> ва Ж.Ўрмонов<sup>193</sup>лар томонидан солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилишга доир услубиётлар таклиф қилинган. Мазкур услубиётларга асосан солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш асосан тўрт усулда, яъни бюджет самарадорлиги, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик ва инвестицион самарадорлик бўйича амалга оширилиши таклиф қилинган.

Таҳлилларимизни Г.Кутергина ва Е.Мингазинова томонидан солиқ имтиёзларини баҳолаш ва мониторинг қилиш услубиёти асосида давом эттирамиз. Мазкур услубиёт асосида солиқ имтиёзлари натижаларини дастлабки мониторинг қилиниши ДСХ органларида мавжуд автоматлаштирилган дастурий маҳсул орқали 3.10-жадвалдаги шаклда қуйидаги коэффициент орқали амалга оширилиши мумкин.

$K_{снд} = K_n / K_c$  Бунда,  $K_{снд}$  - ижтимоий-иқтисодий самарадорлик коэффициенти,  $K_n$  - ижобий кўрсаткичлар сонининг суммаси,  $K_c$  - салбий ёки ўзгаришсиз кўрсаткичлар сонининг суммаси. Коэффициентни ҳисоблаш учун ялпи тушум,

<sup>187</sup> Мандрощенко О.В. Основные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Финансовая аналитика, проблемы и решения. Издательский дом ФИНАНСЫ и КРЕДИТ, М. № 39. 2016. стр. 45-60.

<sup>188</sup> Савина О. Н., Малкова Ю. В. Мониторинг эффективности системы налоговых инструментов стимулирования развития инновационной экономики в условиях действующего законодательства и направления его совершенствования. Налоговое администрирование. Налоги и налогообложение - №4 (94) 2012. стр. 24-34.

<sup>189</sup> Кутергина Г.В., Мингазинова Е.Р. Методики оценки и мониторинга эффективности налоговых льгот: подходы и проблемы. Финансы, кредит денежное обращение. Известия ДВФУ Экономика и управление. № 1. 2014. стр. 84-98.

<sup>190</sup> Головань С.А. Обзор основных методик оценки эффективности налоговых льгот в целях стимулирования инновационной деятельности. Финансовая, налоговая и денежно-кредитная политика. Байкальский государственный университет экономики и права. 2014. Стр. 1-6

<sup>191</sup> Окунь А.С., Стещенко Ю.А. Совершенствование подходов к оценке эффективности налогового стимулирования в Российской Федерации // Финансовая политика: проблемы и решения. -2017.-Т. 10, № 12. - стр. 1407-1423.

<sup>192</sup> Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссерт. Т.: БМА. 2018. 246 б.

<sup>193</sup> Ўрмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. диссерт. Т.: БМА. 2018. 308 б.

ялпи фойда, таннархни камайиши, соф фойда, иш ҳақи фонди, ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи ва ишчилар сони каби кўрсаткичлар динамикаси баҳоланаётган даврдаги инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинади. Агар  $K_{снд} \geq 1$  ни ташкил этса, солиқ имтиёзлари ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ижобий, агар  $K_{снд} < 1$  ни ташкил этган тақдирда самарасиз ҳисобланади.

### 3.10-жадвал

#### Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш шакли<sup>194</sup>

"Имкон файз барака" МЧЖ		СТИР		Солиқ кодексининг 159-моддаси 3-банди (имтиёз асоси)			
Ҳисобланган ва имтиёз тақдим этилганлиги сабаб тўланмаган солиқ							
Солиқ тури	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши %			
Фойда солиғи	58,2	210,8	152,6	262%			
ЯСТ	0	0	0	0			
Бошқа солиқлар	0	0	0	0			
<b>Жами</b>	<b>58,2</b>	<b>210,8</b>	<b>152,6</b>	<b>262%</b>			
Натижалар							
Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар манбаи	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши (инфляция ҳисобга олинган ҳолда) %	Салбий ёки ўзгаришсиз (Kc)	Ижобий (Ki)
Ялпи тушум	(2-шакл 010 сатр)	381,2	443,9	62,7	6,4%		1
Таннарх (камайиши)	(2-шакл 020 сатр)	344,2	393,7	49,5	4,4%	1	
Ялпи фойда	(2-шакл 030 сатр)	36,6	50,3	13,7	27,4%		1
Соф фойда	(2-шакл 270 сатр)	4,2	3,4	-0,8	9,0%	1	
Йиллик иш ҳақи фонди	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	26,7	36,8	10,1	27,8%		1
Ишчилар сони	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	372	325	-47	-12,6%	1	
Ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	7,2	11,3	4,1	46,9%		1
Солиқ тўловлари	(2-шакл 280+480 сатр)	148,6	118,3	-30,3	-20,4%	1	
Самарадорлик даражаси		$(K_{снд} = K_n / K_c) K_{снд} = 1$ (самарали)				4	4

Мазкур механизмни "Имкон файз барака" МЧЖ мисолида кўриб чиқар эканмиз, коэффициент  $K_{снд} = 1,0$  га тенг, яъни имтиёз

<sup>194</sup> Жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (2-шакл) асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.



самарадорлигидан далолат бермоқда. Худди шунингдек, "Интертекс" ҚҚ мисолида таҳлилларимизни давом эттирамиз (3.11-жадвал). Бу мисолимизда самарадорлик коэффициентини  $K_{смд} = 0,14$  га тенг ёки тақдим этилган солиқ имтиёзининг самарадорлик даражаси пастлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда корхона молиявий натижаларидаги аксарият кўрсаткичларда ижобий натижаларга эришилмаган.

3.11-жадвал

Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш шакли<sup>195</sup>

Интертекс қўшма корхонаси		СТИР		СК-356 м. 3-қ, 1-б. (имтиёз асоси)			
Хисобланган ва имтиёз тақдим этилганлиги сабаб тўланмаган солиқ							
Солиқ тури	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши %			
Фойда солиғи	0	0	0	0			
ЯСТ	11	17	6	55%			
Бошқа солиқлар	0	0	0	0			
<b>Жами</b>	<b>11</b>	<b>17</b>	<b>6</b>	<b>55%</b>			
Натижалар							
Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар манбаи	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (инфляция ҳисобга олинган ҳолда) %	Кўрсаткичлар сони	
						Салбий ёки ўзгаришсиз (Кс)	Ижобий (Ки)
Ялпи тушум	(2-шакл 010 сатр)	294,5	195,1	-99,4	-23,8%	1	
Таннарх (камайиши)	(2-шакл 020 сатр)	38,7	8,7	-30	-67,5%		1
Ялпи фойда	(2-шакл 030 сатр)	255,7	186,3	-69,4	-17,1%	1	
Соф фойда	(2-шакл 270 сатр)	90,2	58,8	-31,4	-24,8%	1	
Йиллик иш ҳақи фонди	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	92,4	34,1	-58,3	-53,1%	1	
Ишчилар сони	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	4	2	-2	-50,0%	1	
Ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи	(и/ҳ ҳисоб-китоби)	23,1	17,1	-6	-16,0%	1	
Солиқ тўловлари	(2-шакл 280+480 сатр)	51,2	50,6	-0,6	-1,2%	1	
Самарадорлик даражаси	$(K_{смд} = K_i / K_c) K_{смд} = 0,14$ (паст самарали)					7	1

<sup>195</sup> Жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (2-шакл) асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

Масалан, корхона томонидан таннархни 67,5 фоизга пасайишига эришилган бўлсада, ялпи тушуми 23,8 фоизга, ялпи фойдаси 17,1 фоизга, иш ҳақи фонди 53,1 фоизга ва ишчилар сони 50 фоизга, соф фойда 24,8 фоизга, ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи 16,0 фоизга, солиқ тўловлари 1,2 фоизга камайган.

3.12-жадвал

Солиқ имтиёзларини ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича 2016-2017 йиллардаги умумий таҳлили<sup>196</sup>

№	Имтиёз тури	Имтиёздан фойдаланганлар сони	01.01.2018 й. Жами имтиёз суммаси (млн.сўм)	Шундан			
				Самарали сони	Самарасиз сони	Самарали %	Самарасиз %
1	СК-159 м. 3-б.	3	1936,8	1	2	33%	67%
2	СК-208 м. 9.	8	8138,6	4	4	50%	50%
3	СК-282 м. 2 қ. 26 б.	18	268,6	9	9	50%	50%
4	СК-356 м. 3 қ. 1 б.	690	224469,7	358	332	52%	48%
5	ПҚ-1631 26.10.2011 й.	1	3331,4	1	0	100%	0%
6	ПФ-5068 05.06.2017 й.	1	414,4	1	0	100%	0%
7	ПҚ-2042 20.09.2013 й.	83	16336,9	41	42	49%	51%
8	ПФ-5099 30.06.2017 й.	87	4689,8	46	41	53%	47%
	<b>Жами</b>	<b>891</b>	<b>259586,2</b>	<b>461</b>	<b>430</b>	<b>52%</b>	<b>48%</b>

Бундан ташқари, инновацион ва инвестицион фаолиятларга мўлжалланган 2016-2017 йиллардаги солиқ имтиёзларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мазкур коэффициент орқали таҳлил қилинганда, 259,6 млрд.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган 891 та юридик шахслардан 52 фоизи самарали ва 48 фоизи самарасизлиги маълум бўлди (3.12-жадвал).

Шу билан бирга, солиқ имтиёзларининг инвестицион самарадорлигини қуйидаги коэффициент орқали баҳолаш мумкин.

$$K_{инв} = \frac{SUM И}{СИ}$$

Бунда,

$K_{инв}$  - инвестицион коэффициент,

$SUM И$  - баҳоланиши лозим бўлган даврда солиқ тўловчининг узоқ муддатли инвестицияларга нисбатан (1-шакл,

<sup>196</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлили.



сатр-030) ёки капитал қўйилмаларга нисбатан (1-шакл, сатр-0100) ҳажмининг СИ – ушбу даврда солиқ тўловчи томонидан олинган (олиниши режалаштирилаётган) солиқ имтиёзининг ҳажмига нисбатан аниқланади.  $K_{инв} \geq 1,5$  – солиқ имтиёзлари юқори инвестицион самарадорликка эга;  $1 \leq K_{инв} < 1,5$  – солиқ имтиёзлари етарли инвестицион самарадорликка эга;  $K_{инв} < 1$  – солиқ имтиёзлари паст инвестицион самарадорликка эга.

### 3.13-жадвал

#### Солиқ имтиёзларини инвестицион самарадорлигини баҳолаш бўйича умумий таҳлили<sup>197</sup>

Имтиёз тури	Имтиёз-дан фойдаланганлар сони	01.01.2018 Имтиёз суммаси млн.сўм	Инвестицион самарадорлик даражаси								
			Узоқ муддатли инвестицияларга нисбатан (1-шакл, сатр-030)			Капитал қўйилмаларга нисбатан (1-шакл, сатр-0100)			Умумий инвестицияларга нисбатан (1-шакл, (030+0100))		
			юқори	етарли	паст	юқори	етарли	паст	юқори	етарли	паст
СК-159 м. 3-б.	3	1936,8	1	0	2	1	0	2	1	0	2
СК-208 м. 9-б.	8	8138,6	1	0	7	0	0	8	1	0	7
СК-282 м. 2 қ. 26 б.	18	268,6	1	0	17	1	0	17	1	0	17
СК-356 м. 3 қ. 1 б.	690	224469,7	75	6	609	138	7	545	184	9	497
ПҚ-1631 26.10.2011	1	3331,4	0	0	1	0	0	1	0	0	1
ПФ-5068 05.06.2017	1	414,4	0	0	1	0	0	1	0	0	1
ПҚ-2042 20.09.2013	83	16336,9	2	2	79	3	1	79	5	1	77
ПФ-5099 30.06.2017	83	4689,8	2	10	71	5	10	68	6	9	68
<b>ЖАМИ</b>	<b>887</b>	<b>259586,2</b>	<b>82</b>	<b>18</b>	<b>787</b>	<b>148</b>	<b>18</b>	<b>721</b>	<b>198</b>	<b>19</b>	<b>670</b>
Жамига нисбатан фоизда			9%	2%	89%	17%	2%	81%	22%	2%	76%

Инвестицион фаолиятга мўлжалланган 2016-2017 йиллардаги солиқ имтиёзларининг инвестицион самарадорлиги таҳлил қилинганда, 259,6 млрд.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган 887 та юридик шахслардан узоқ муддатли инвестициялар бўйича 9 фоизи юқори, 18 фоизи етарли ва 89 фоизи паст инвестицион самарадорликка эга бўлса, капитал қўйилмалар бўйича 17 фоизи юқори, 18 фоизи етарли ва 81 фоизи паст инвестицион самарадорликка эгаллиги маълум бўлди.

Жами узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмаларга нисбатан эса 22 фоизи юқори, 2 фоизи етарли ва 76 фоизи паст инвестицион самарадорликка эгаллиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, солиқ имтиёзларининг бюджетга самарадорлиги қуйидаги коэффициентлар орқали баҳолаш мумкин:

1)  $K_6 = \text{SUM CT}/\text{СИ}$  - Бунда,  $K_6$  – бюджет коэффициенти, SUM CT - бюджетга солиқ тушумлари ҳажми, СИ – ушбу даврда солиқ тўловчи томонидан олинган (олиниши режалаштирилаётган) солиқ имтиёзининг ҳажми.  $K_6 \geq 1,0$  – солиқ имтиёзлари юқори самарадорликка эга;  $0,8 \leq K_6 < 1,0$  – солиқ имтиёзлари етарли самарадорликка эга;  $K_6 < 0,8$  – солиқ имтиёзлари паст самарадорликка эга.

2)  $K_6 = \text{CT}/\text{СИ}$  Бунда,  $K_6$  – бюджет коэффициенти, СТ – инфляция коэффициентида коррективировка қилинган ҳолдаги ҳисобот даврида бюджетга солиқ тушумлари ўсишининг ҳажми, СИ – ҳисобот даврида солиқ имтиёзлари ҳисобига бюджетдаги йўқотишлар суммаси.

3)  $\text{БЙ} = \text{БСТ} - \text{БПС}$  Бунда, БЙ – солиқ имтиёзи тақдим этилиши ҳисобига бюджетдаги йўқотишлар; БСТ – амалдаги солиқ ставкаси (солиқ базаси) давридаги бюджетга солиқ тушумлари; БПС – пасайтирилган солиқ ставкаси (ўзгартирилган солиқ базаси) давридаги бюджетга солиқ тушумлари.

Фикримизча, юқоридаги баҳолаш коэффициентларини қўллашда қуйидагиларни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инвестицион лойиҳа яқунлангандан сўнг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва солиқ тушумлари кўпайишидан келиб чиққан ҳолда инвестицион жозибадорликни оширилиши. Аввалги молия йилида имтиёзлар ҳисобига бюджет даромадлари ошишининг суммадаги самараси имтиёзлар тақдим этилиши

<sup>197</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлили.



ҳисобига йўқотишлардан ортиқ бўлса, солиқ имтиёзини кўриб чиқишга қабул қилиниши мумкин;

- солиқ юкидан келиб чиққан ҳолда бюджет харажатларининг қисқариши. Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши ҳисобига бюджетдаги йўқотишлардан ортиқ ёки уларга тенг миқдорда бюджет харажатлари қисқартирилган тақдирда мазкур солиқ имтиёзини кўриб чиқишга қабул қилиниши мумкин;

- аҳоли турмуш даражасининг ошиши. Солиқ имтиёзи татбиқ этилиши натижасида турмуш даражаси ошишига олиб келган аҳоли тоифалари таққосланиши. Тўлов қобилиятининг ошиши ва мажбурий тўловларни тўлаш харажатлари улуши камайганлиги ҳисобга олинади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, солиқ имтиёзлари қоида тариқасида инвестицион, рағбатлантирувчи ва ижтимоий характердаги имтиёз турларга ажратилади. Масалан, рағбатлантирувчи характердаги имтиёзлар бюджет, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан самарадорлик мезонларига, ижтимоий характердаги имтиёзлар эса фақатгина ижтимоий самарадорлик мезонларига жавоб бериши керак. Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари самарали, кам самарали ёки самарасиз деб, аниқ жавоб олиш мақсадида миқдорий (сон) кўрсаткичларда формулалар ва ҳисоб-китоб алгоритмлари ҳам тақлиф қилинган. Аммо, бундай ёндашувлар асосида солиқ имтиёзлари самарали ёки самарасиз деган қатъий хулосага келиш учун қуйидаги омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, мазкур қоидалар солиқ тўловчи ихтисослиги ва жойлашган ҳудуди нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилсада, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш концепцияси бир хил.

Иккинчидан, солиқ имтиёзлари самарадорлиги фақатгина солиқ имтиёзларининг турига эмас, балки тақдим этилган мақсадига ҳам боғлиқдир. Агар солиқ имтиёзлари фақатгина

солиқ тушумларини кўпайтириш учун тақдим этилган бўлса, шундан келиб чиқиб имтиёзларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши ҳамда айнан бюджетга самарадорлик нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Учинчидан, солиқ имтиёзларини баҳолашда алоҳида солиқ имтиёзларини эмас, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги бутун комплекс чораларини баҳолаш зарур. Омилли таҳлилсиз мақсадли индикаторларга айнан нималар таъсир этганини аниқлаш мумкин эмас.

Тўртинчидан, солиқ имтиёзларини баҳолаш яқуни бўйича имтиёзлар самарали ёки самарасиз деб аниқ айтиб бўлмайди. Доимо давлатнинг қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш учун имкониятлар мавжуд. Шунинг учун солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш мақсади фақатгина самарадорлик мезонларига жавоб бермайдиган солиқ имтиёзларини “элақдан” ўтказиш эмас, балки давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа чоралари билан алмаштириш ёки солиқ имтиёзлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томонимиздан солиқ имтиёзларини баҳолашга қуйидаги ёндашув тақлиф қилинади. Солиқ имтиёзларини баҳолашга тақлиф қилинаётган ёндашув қуйидаги қоидаларга асосланган:

1. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш натижасида тушмай қоладиган бюджет даромадлари ҳажми шаклланади. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш молиялаштиришнинг бевосита усулига асосланган давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастаги ҳисобланади. Шундай экан тушмай қоладиган бюджет даромадлари ҳажми солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида бюджетнинг “бевосита” ёки “солиқ” харажатлари ҳажмига мувофиқлиги кўзланади.



2. Биринчи қондан ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тамойилини экстраполяция қилиш мумкин. Бунда, солиқ имтиёзларини тақдим этиш самарадорлиги деганда қуйидагилар тушунилиши тақриф қилинади:

1) тақдим этилган солиқ имтиёзи ҳисобига энг яхши натижага эришиш, бунда давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа дастаги ҳисобига эришилган натижага нисбатан юқори натижага эришилиши ҳамда буни амалга оширишга бюджетдан сарфланган харажатлар ҳажми солиқ имтиёзларини тақдим этишга сарфланган харажатларга мувофиқ бўлиши керак (натижадорлик).

2) тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига олдиндан топширилган натижага эришишда бюджетдан сарфланадиган харажатлар давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа дастаги қўлланилишида сарфланадиган харажатларга нисбатан кам харажат сарфланиши керак (тежамкорлик, арзонлик ёки иқтисод қилинганлик). Фикримизча, солиқ имтиёзи натижасида тежамкорликка ёки натижадорликка эришилган тақдирдагина самарали ҳисобланади. Солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолашда аввало булардан бирини танлаш ва шундан келиб чиқиб самарадорлик мезонларини шакллантириш зарур.

3. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг тармоқлар ривож стратегик режалаштириш тизими асосида амалга оширилмоқда. Мазкур тизим иқтисодий тармоқлари ёки ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадлари акс эттирилган ҳужжатлар шакллантиришни кўзлайди. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари мақсадли индикаторларни ва давлат томонидан у ёки бу соҳани тартибга солишда давлат сиёсатининг комплекс чораларини белгилайди.

4. Солиқ имтиёзлари мақсадли индикаторларга эришиш мақсадида давлат сиёсатининг маълум бир соҳасида давлатнинг қўллаб-қувватлаш чорасини ўзида ифода этади. Бунда, солиқ

имтиёзлари давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги ягона чораси ёки комплекс чораларидаги бир чораси ҳисобланиши мумкин.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари:

- 1) давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари;
- 2) ички норматив-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;
- 3) халқаро ҳуқуқий инструментлардан фойдаланиш, халқаро шартномалар ва битимлар тузиш;

Давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари:

- 1) бевосита молиялаштириш (субсидиялар, бюджет кредитлари, бюджет инвестициялари);
- 2) билвосита молиялаштириш (солиқ, божхона имтиёзлари).

Мақсадли индикаторлар динамикаси қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин: 1) макроиқтисодий объектив сабаблар; 2) давлатнинг тартибга солиш чоралари.

У ёки бу соҳадаги стратегик режалаштиришнинг мақсадли индикаторлари динамикасига солиқ имтиёзларини аниқлаш мақсадида омилли таҳлил усулини қўллаш зарур. Омилли таҳлил ўзида мақсадли индикаторларни базис даврдаги омиллар бўйича ўзгаришига нисбатан аниқланади. Унинг мақсади жорий макроиқтисодий тенденциялардан келиб чиқиб, мақсадли индикаторларнинг жорий динамикасини ва базис даврга нисбатан ўзгаришлар сабабини аниқлашдир. Омилли таҳлил асосида турли макро ва микроиқтисодий параметрлардан келиб чиққан ҳолда мақсадли индикаторлар динамикасини моделлаштириш вазифаси ётади.

Омилли таҳлил ёндашувининг асоси биринчидан, мақсадли индикаторлар динамикасига объектив таъсир кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткичларни, иккинчидан давлат сиёсати чоралари, шу жумладан солиқ имтиёзлари таъсирини аниқлашга хизмат қилади. Иқтисодий тармоқлари ёки ҳудудлар ривожига турли омилларни таъсир этишни миқдорий



баҳолаш учун статистик таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланиш керак.

5. Солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг комплекс чораларини мақсадли индикаторлар динамикасига таъсир этишни баҳолаш шакллантирилган солиқ имтиёзлари самарадорлигининг мезонлари асосида амалга оширилиши керак.

Самарадорлик мезонлари саволлари рўйхатини келтириб ўтамыз:

1-савол. Тармоқ ёки ҳудуд ривожининг мақсадли индикаторлари динамикасига ижобий таъсир этувчи омил сифатида солиқ имтиёзларини қўллаш учун зарур норматив-ҳуқуқий база таъминланганми?

1.1. Мезон. Норматив-ҳуқуқий база тармоқ ёки ҳудуд ривожини шакллантирилган мақсад ва вазифаларни ўз ичига олган.

1.2. Мезон. Мақсадли индикаторларга эришишга йўналтирилган давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг комплекс чоралари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

1.3. Мезон. Тармоқ ёки ҳудуд ривожини ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичлар белгиланган.

1.4. Мезон. Норматив-ҳуқуқий базада солиқ имтиёзларини қўллашнинг аниқ тадбирлари назарда тутилган.

1.5. Мезон. Норматив-ҳуқуқий базада солиқ имтиёзлари маъмурчилигининг аниқ тадбирлари назарда тутилган.

2-савол. Солиқ имтиёзи давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораси сифатида давлат сиёсатининг имтиёзларини қўллаш соҳасида асосий йўналишларга мувофиқ келадими?

2.1. Мезон. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари солиқ имтиёзларини белгилаш мақсадларига мувофиқ мақсадли индикаторларни белгилайди.

3-савол. Солиқ имтиёзи стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган мақсадли индикаторлар ижобий динамикасига ёрдам берадими?

4-савол. Солиқ имтиёзи бюджетга солиқ тушумларини қўпайишига олиб келдими?

4.1. Мезон. Солиқ имтиёзи имтиёз тақдим этилган солиқ тури бўйича тушумлар қўпайишига олиб келди.

4.2. Мезон. Солиқ имтиёзи бошқа солиқ турлари бўйича тушумлар қўпайишига олиб келди.

Юқорида келтирилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш ёндашуви доирасида қуйидаги методологик қоидаларни таклиф қилишимиз мумкин:

1. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш улар натижаларининг ишончлилиги самарадорлик мезонларини тўғри аниқланишига, шу билан бирга, танланган мезонлар нечоғлик тармоқ ёки ҳудуд ривожига ҳамда солиқ имтиёзларини белгилаш соҳасида давлат сиёсати мақсадларига эришилганлигини ифода этишига боғлиқдир;

2. Самарадорликни баҳолаш мезонлари ўзида белгиланган ва қўлланилаётган солиқ имтиёзлари доирасида тармоқ ёки ҳудуд ривожини сифат ва миқдорий тавсифини ифода этади. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик мезонлари ўзида эришилган натижаларни баҳолашга асос бўлиб хизмат қиладиган, маълум бир миқдорий ва сифат кўрсаткичларни тавсифловчи белгилар йиғиндисини ифода этиши керак.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган давлат томонидан тартибга солиш чораларининг индикаторлари ва натижадорлик кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарур. Агар давлат томонидан тартибга солиш чораларининг олдиндан топширилган индикаторлари ва натижадорлик кўрсаткичлари мавжуд бўлган тақдирда солиқ имтиёзларининг самарадорлик таҳлили белгиланган мезонлар билан текшириш жараёнида олинган ҳақиқий маълумот ва ахборотларни солиштириш йўли билан амалга оширилади.



4. Таҳлил якуни бўйича солиқ имтиёзининг самарадорлик даражасини баҳолаш натижаси юзасидан хулоса шакллантирилади. Агар тармоқ ёки ҳудуд ривожига бўйича реал натижалар белгиланган мезонларга мувофиқ бўлса, солиқ имтиёзи етарли даражада самарали қўлланилаётганлигини аниқлатади. Самарадорлик мезонларига риоя қилинмаган бўлса, камчиликлар мавжудлиги, солиқ имтиёзини белгиловчи норматив-ҳуқуқий базани ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ёки солиқ имтиёзини давлатнинг тартибга солишдаги муқобил чорасига алмаштириш зарурлигидан далолат беради.

5. Самарадорликни баҳолаш мезонлари қўлланиладиган аниқ солиқ имтиёзига нисбатан ишлаб чиқилади. Самарадорликни баҳолаш мезонларини шакллантириш солиқ имтиёзини жорий қилиш мақсади аниқлангандан сўнг солиқ имтиёзини белгилаш ва қўллаш соҳасидаги дастлабки ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

6. Белгиланган солиқ имтиёзи мақсадини аниқлаш солиққа оид қонун ҳужжатларидаги қоида ва меъёрларнинг ҳуқуқий таҳлили асосида амалга оширилади. Солиқ имтиёзини жорий қилиниши муносабати билан солиққа оид қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳаларига тушунтириш хатлари ёрдамчи инструментлар ҳисобланиши мумкин.

7. Солиқ имтиёзи мақсади аниқлангандан сўнг солиқ имтиёзининг самарадорлиги таҳлили учун ахборот манбаи бўлиши мумкин ҳужжатлар ва материаллар тўплами шаклланади. Мазкур ҳужжатлар ва материалларни ўрганиш асосида мезонлар шакллантирилади. Ахборотлар манбаи дастлабки ўрганишдан ўтказилганлигидан келиб чиқиб мезонлар аниқлаштирилади.

8. Солиқ имтиёзлари самарадорлигининг баҳолаш мезонларини шакллантириш ва таҳлил қилиш учун ахборот манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

мақсадли индикаторлар белгиланган қонун ҳужжатлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стратегик режалаштириш ҳужжатлари;

давлат сиёсатининг асосий йўналишлари акс эттирилган сиёсий ҳужжатлар;

суд органлари ҳужжатлари;

статистик маълумотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари ва бошқа расмий ҳужжатлар;

ижтимоий тадқиқотлар қўлланилиши натижасида келиб тушган ахборотлар (анкеталар, сўровномалар).

9. Солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолаш мезонларини шакллантиришда энг аввало солиқ имтиёзини жорий қилиш соҳасидаги стратегик режалаштириш ҳужжатларида солиқ имтиёзини жорий қилиш мақсадларига жавоб берадиган мақсадли индикаторлар ва натижадорлик кўрсаткичларининг мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар солиқ имтиёзини жорий қилиш соҳасида асосланган ва солиқ имтиёзи мақсадларига мувофиқ бўлган мақсадли индикаторлар ҳамда натижадорлик кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолаш мезонлари солиқ имтиёзини жорий қилишда ҳал қилинадиган вазифалар таҳлили асосида шакллантирилади.



## ХУЛОСА

Мавзуга доир амалга оширилган илмий изланишларга таянган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилиб, амалий тавсиялар ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантирмасдан туриб иқтисодий тараққиётнинг кейинги босқичига ўтиб бўлмайди. Зеро, юқори рақобатбардошликка эришишда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши стратегик устуворлик ҳисобланади. Бу иқтисодий ривожланиш моделининг ўзгариши ҳамда иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни талаб этади.

2. Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишда иккита ўзаро бир-бирини инкор этадиган ва шу билан бирга тўлдирадиган қуйидаги илмий қарашлар мавжуд: биринчиси, солиқлардан давлатнинг фискал мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш бўлса, иккинчиси, солиқ инструментидан иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш дастаги сифатида фойдаланишдир.

3. Инновацион-инвестицион фаолиятга таъсир этиш ва уни ривожлантиришда энг муҳим механизмлардан бири солиқлар ҳисобланади. Солиқлар воситасида рағбатлантириш жараёни, уни ташкил этишда асосий тамойиллар аниқланиши ва амал қилинишини кўзлайди. Бу тамойиллар таркибига мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик тамойилларини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Инновацияларга инвестицияларни рағбатлантиришнинг солиқ ва бюджет усуллариининг уйғунлашуви, бизнес ривожига қулай шарт-шароитлар яратишга имкон беради ҳамда давлат томонидан рағбатлантириладиган инновацион-инвестицион фаолиятларни амалга оширувчи ХЮСларнинг қизиқиши ва манфаатдорлигини оширади.

5. Муайян фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солиш қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва меъёрлар асосида

амалга оширилади. Айнан солиққа оид қонун ҳужжатларини мустаҳкамлиги, шаффофлиги, аниқлиги, бир-бирига ва умумэътироф этилган солиққа тортиш тамойилларига мувофиқлиги таъминланган тақдирдагина солиқлар воситасида самарали тартибга солишга ва рағбатлантиришга эришиш мумкин.

6. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лойиҳаларида имтиёзлардан фойдаланишни мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас. Солиқ ва божхона имтиёзлари эришилган натижалардан қатъи назар тақдим этилади. Имтиёзлар таҳлили шуни кўрсатдики, улар «имтиёзлар – модернизация – натижалар» тамойилида тақдим этилмаган. Мазкур ҳолат тармоқлар ривожига солиқ имтиёзларининг таъсирига баҳо беришни қийинлаштиради.

7. Аксарият ҳолларда берилаётган у ёки бу солиқ имтиёзлари фақатгина унинг жорий қилиниши босқичида баҳоланади. Кейинчалик ундан келадиган бюджет йўқотишлари етарлича баҳоланмайди, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган иқтисодий самарадорлик таҳлил қилинмайди ва баҳоланмайди.

8. Номуайян муддатга тўлиқ озод қилиш тарзидаги алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни имкон қадар қисқартирилиши, тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари натижага йўналтирилиши, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллигини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириши, янги иш ўрнини яратилиши, иш ҳақи фондини ошириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши, экспорт ҳажмини ошириши ва қувватларни тежалиши каби мезонлардаги ижобий ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

9. Алоҳида қарорлар билан номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзлари ўрнига инвестицион солиқ кредитини амалиётга жорий қилиниши корхоналар инновацион



фаолиятига инвестицияларни фаол жалб қилишда ва солиқ рағбатларининг самарадорлигини таъминлашда ҳамда бюджет даромадларидаги йўқотишлар ҳисобини прогнозлашда ва олдини олишда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

10. Инновацион ва инвестицион фаолиятни солиқлар воситасида самарали рағбатлантиришга эришиш учун энг аввало солиққа оид қонун ҳужжатларида бу борадаги мавжуд номувофиқликлар ва зиддиятларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун солиқ имтиёзлари фақат Солиқ кодексида назарда тутилиши ва индивидуал хусусиятга эга бўлмаслиги керак.

11. Солиқ имтиёзлари корхоналарнинг молиявий натижалари ҳисобланган ялпи тушум, ялпи фойда, соф фойда, йиллик иш ҳақи фонди, ўртача ойлик иш ҳақи, ишчилар сони, экспорт ҳажми ўсиши каби эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, яъни «Имтиёзлар-инвестиция-натижалар» ёки «Имтиёзлар-инновация-натижалар» тамойилида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

12. Инновацион-инвестицион фаолият учун тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари фақат аниқ шартлар асосида, яъни солиқ кредити сифатида берилиши, қўйилган шартлар бўйича ижобий натижаларга эришилгач шартли солиқ кредити сўндирилган деб ҳисобланиши, акс ҳолда имтиёз берилган давр тугагач, кредитнинг натижадан ортиқча қисми бюджетга қайтарилиши лозим.

13. Инвестициявий чегирмаларни жорий қилиниши, бунда: инвестициявий чегирма амортизация харажати деб ҳисобланиши;

янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга

йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10 фоизи миқдорида қўлланилиши,

ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5 фоизи миқдорида қўлланилиши;

инвестициявий чегирмаларнинг қўллашда, янги технологик ускуналар, модернизация, техник ёки технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, янги қурилиш шаклида кенгайтириш каби тушунчалар Солиқ кодексга киритилиши мақсадга мувофиқ.

14. Солиқ кодексида инновацион фаолият учун белгиланган солиқ имтиёзининг аҳамиятини ошириш учун нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари фондлар ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига ҳам солиқ имтиёзларини татбиқ этиш, шунингдек, бундай ишлар қийматини қўшилган қиймат солиғидан тўлиқ озод қилиш ўрнига фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда қўшилган қиймат солиғининг пасайтирилган ставкаси қўлланилиши самарали ҳисобланади.

15. Солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш меҳна-низмининг мавжуд эмаслиги солиқ имтиёзлари самарадорлигини пасайтирувчи омил ҳисобланиб, солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди. Бу эса имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлигини таъминламайди. Шунинг учун солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмини жорий қилиш зарур.

16. Инновацион ва инвестицион фаолият учун номуайян муддатга тўлиқ озод қилиш тарзида имтиёз бериш амалиётидан воз кечиб, унинг ўрнига натижага йўналтирилган, яъни имтиёз тақдим этилиши натижасида корхона рентабеллиги ошиши, янги иш ўринлари яратилиши, қувватлар тежалиши, ишлаб



чиқариш ва экспорт ҳажмининг ўсиши каби натижалардан келиб чиққан ҳолда солиқдан имтиёз бериш амалиётини киритиш лозим.

17. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан солиқдан тўлиқ озод қилиш тарзида тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига инвестицион солиқ кредитини жорий қилиш корхоналар инвестицион фаоллигини ошириш, инновацион фаолиятни самарали рағбатлантириш ва бюджет даромадларидаги йўқотишлар ҳисобини прогнозлашда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

18. Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари иштирокчиларига лойиҳа доирасида олган даромадлари бўйича мазкур фаолият натижаларининг жорий қилинганлигидан келиб чиққан ҳолда даромад солиғидан имтиёз тақдим этилиши илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти натижаларини сифат жиҳатидан яхшиланиши ҳамда амалиётга жорий қилинишининг жадаллашувиغا олиб келади.

## ИЛОВАЛАР



## ШАРТНОМА

инвестицион солиқ кредитини тақдим этилиши ҳақида

Тошкент шаҳри

01.01.2017 йил

Низом асосида фаолият юритувчи тегишли вилоят молия бошқармаси (кейинчалик Бошқарма) раҳбари бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_ (кейинчалик Жамият) раҳбари \_\_\_\_\_ иккинчи томондан вилоят ҳокимининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли қарорига мувофиқ куйидаги шартлар асосида шартнома тузилди.

### 1. Шартнома предмети.

1.1. Бошқарма 100 000 000 (юз) миллион сўм суммани Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг  $\frac{1}{2}$  миқдорида Жамиятга йилига 4,5 фоизи билан қайтариб тўлаш шarti асосида 24 (йигирма тўрт) ойга инвестицион солиқ кредитини (кейинчалик Кредит) тақдим этади.

Инвестицион солиқ кредити ҳақидаги Шартноманинг амал қилиш даврида Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз миқдори томонлар келишуви бўйича ўзгаради.

1.2. Кредит бюджет даромадининг тегишли қисмига ўтказилиши керак бўлган фойда солиғи бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида мазкур солиқ бўйича тегишли тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган Кредит суммаси Жамиятнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

1.3. Кредит қатъиян мақсадли аҳамиятга эга ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун мўлжалланган.

2. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш ва Кредит суммасига фоиз ҳисоблаш тартиби.

2.1. Жамият фойда солиғи бўйича ўзининг тўловларини мазкур Шартномада назарда тутилган муддат мобайнида, у

томонидан тўланмаган (Кредитнинг жамғарилган суммаси) сумма ушбу Шартномада назарда тутилган Кредит суммасига тенг бўлгунига қадар ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чорақда) камайтириш ҳуқуқига эга.

2.2. Жамият ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чорақда) кейинги ҳисобот давридаги ойнинг биринчи беш куни мобайнида, солиқ идораларида ҳисобга олиш учун тақдим этиладиган, маблағлар жамғарилиши ва фоиз ҳисобланиши бўйича солиқ идораси билан баённомалар расмийлаштиради.

2.3. Кредитнинг жамғариладиган маблағлари солиқ идорасидаги Жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттирилади.

2.4. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисобланиши Кредит тақдим этилган кундан бошлаб унинг тўлиқ қопланишига қадар солиқ идораси томонидан Жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

### 3. Томонларнинг мажбуриятлари.

3.1. Томонлар мазкур Шартноманинг барча шартларини бажариш мажбуриятини олади.

3.2. Жамият барча жорий солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

